

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
МАКТАБГАЧА МУАССАСАЛАР ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ РЕСПУБЛИКА
ЎҚУВ МЕТОДИКА МАРКАЗИ

Мактабгача ёшдаги болалар нутқини
ўстириш
(катта гуруҳ учун нутқ ўстириш бўйича машғулот
ишланмалари)

Тошкент-2015

Муаллифлар: Проф. Ф.Р. Қодирова,
ММХҚТМОРЎММ методистлари:
М. Файзуллаева, З. Раҳимова, М. Рустамова, З. Файзиева

Такризчилар:
Г.Қ.Жалолова-Тошкент ш. Юнусобод тумани 47-МТМ логопеди
Ризаева Х. У- Тошкент ш. Юнусобод тумани 460-МТМ мудираси
А.Раупова-206 МТМ- Мактаб мажмуаси методисти
С. Мажидова- Тошкент ш. Учтепа тумани 19-МТМ методисти

Муҳарир: Ш. Шомансуров

Нашр учун
масъул: М. Ш. Расулова-п.ф.н. , доцент

Ушбу методик қўлланма 5-6 ёшдаги мактабгача ёшдаги болаларнинг оғзаки нутқини ўстириш ва саводга тайёргарликда тарбиячилар ва оналарга ёрдам бериш мақсадида ишлаб чиқилди. Қўлланмада катта гуруҳ учун бир йиллик машғулотлар ишланмалари тўлиқ ёритиб берилган.

ММХҚТМОРЎММнинг 27.12 2011йилдаги ИМКнинг 2-баённомаси билан нашрга тавсия этилган.

Кириш

Мактабгача таълим узлуксиз таълимнинг биринчи бўғини ҳисобланиб, у мактабда ўқиш учун тайёр, соғлом болани тарбиялашни кўзда тутди. Болани мактабда муваффақиятли таълим олишга тайёрлашда, унга она тилининг барча бойликларини эгаллаб олиш учун тегишли шарт-шароитлар яратиш зарур.

Мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талабларининг асосий йўналишларидан бири нутқ, ўқиш ва саводга тайёргарликдан иборат. Бу умумий вазифа – “Нутқ, ўқиш ва саводга тайёргарлик” қуйидаги махсус вазифалардан иборат: нутқнинг товуш маданиятини тарбиялаш, луғатни бойитиш, мустаҳкамлаш ва фаоллаштириш, нутқнинг грамматик тўғрилигини такомиллаштириш, оғзаки (диалогик) нутқни шакллантириш, равон нутқни ривожлантириш, бадий сўзга қизиқишни тарбиялаш, саводга тайёргарлик.

Ушбу методик қўлланма 5-6 ёшли болаларнинг оғзаки нутқини ривожлантириш ва саводга тайёрлашда тарбиячига ва ота-оналарга ёрдам бериш мақсадида тайёрланган бўлиб, йил давомида ўтказиладиган 72 та машғулот педагогик технология талабларини инобатга олиб ёритиб берилган. Мавзу мазмуни машғулот давомида болаларда грамматик машқлар, турли интерфаол ўйинлар ёрдамида мустаҳкамланади.

Машғулот ишланмаларида 3-4 вазифа: боғланган нутқ, грамматика, луғат, товуш маданияти, саводга тайёргарлик вазифалари ўзаро узвий боғлиқ ҳолда олиб боришга ҳаракат қилинди. Бу иш услуби болаларнинг дастур вазифаларини тезроқ эгаллашларига ёрдам беради. Машғулот ишланмалари болаларни мустақил ҳикоя тузиш, расмга қараб тарбиячи берган мазмун асосида ҳикоялар тузиш ва қайта ҳикоя қилиш ва саводга тайёрлашга ўргатишга қаратилган. Унда болаларнинг мустақиллиги ва фаоллигини ошириш мақсадида ҳар хил таълим - тарбиявий иш усулларидан: ўйин: таълимий, сахналаштирилган; оғзаки: суҳбат, савол- жавоб, ҳикоя қилиш, тушунтириш, баҳс- мунозара; кўргазмалилик: расмни кўздан кечириш, кузатиш, сайр, саёҳат; амалий: машқ қилдириш, амалий топшириқ, таққослаш ва турли ўйинлардан фойдаланилди ва улар ёрдамида мустаҳкамланди.

Бармоқлар машқи қизиқарли, мароқли бўлгани учун машғулотда тетиклаштирувчи машқ сифатида олинди.

Қўлланмадан тарбиячилар, ота-оналар ва мактабгача таълим йўналиши талабалари болаларни мактаб таълимига тайёрлаш жараёнида ижодий фойдаланишлари мумкин.

Нутқ ўстириш ва саводга тайёргарлик бўйича тақвим режа

1-ярим йил					2-ярим йил						ЙИЛ ДАВОМИДА
IX	X	XI	XII	жами	I	II	III	IV	V	жами	
8	8	8	8	32	8	8	8	8	8	40	72

№	ОЙИ	МАШҒУЛОТ МАВЗУСИ
1	Сентябрь	«Мустақиллик байрами» номли сурат асосида ҳикоя тузиш. Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ
2		“Лоланинг боғчадаги биринчи кун” мавзусида ижодий ҳикоя тузиш Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ
3		“Қувноқ тилча”эртаги
4		Асарни қайта ҳикоя қилиш “Бўри билан эчки” ўзбек халқ эртаги Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ
5		“S” товушини тўғри талаффуз қилиш
6		Асарни қайта ҳикоя қилиш “Икки эчки” ўзбек халқ эртаги Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ
7		Нутқда нафас олиш ва нафас чиқаришни ривожлантириш
8		“Олма теримида” сурати устида суҳбат Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ
9	Октябрь	“Қувноқ тилча”эртаги
10		“Кузда катталар меҳнати” сурати устида суҳбат Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ
11		Расмларни номлаш (“S” товуши) ва улар иштирокида гап тузиш
12		Суратлар бўйича ҳикоя қилиш: “Уй ҳайвонлари” Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ
13		Асарни қайта ҳикоя қилиш «Санобар» ҳикояси
14		Нутқда нафас олиш ва нафас чиқаришни ривожлантириш
15		Шахсий таассуротлар бўйича ҳикоя тузиш. “Бизнинг ўйинчоқларимиз” Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ
16		Асарни қайта ҳикоя қилиш «Қуён ва типратикан» масали
17	Ноябрь	Жамоа ҳаётдан ҳикоя тузиш. “Бизнинг жонли бурчагимиз” Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ
18		“Z ” товушини тўғри талаффуз қилиш
19		Асарни қайта ҳикоя қилиш «Шер билан сичқон» эртаги
20		Расмларни номлаш (“Z “ товуши) ва улар иштирокида гап тузиш
21		Шахсий ҳаётдан ҳикоя тузиш: “Бизнинг оила” Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ
22		“Sh” товушини тўғри талаффуз қилиш
23		Асарни қайта ҳикоя қилиш. “Тулки билан Турна” Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ
24		Асарни қайта ҳикоя қилиш «Нон иси» ривояти
25	Декабрь	“Қиш” мавзусида тасвирий ҳикоя тузишга ўргатиш

		Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ
26		Асарни қайта ҳикоя қилиш «Терак билан мажнунтол» масали
27		Ижодий ҳикоя тузиш: “Танланган ўйинчоқлар бўйича ҳикоя тузиш” Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ
28		Расмларни номлаш (“Sh” товуши) ва улар иштирокида гап тузиш
29		Шахсий ҳаётдан ҳикоя тузиш “Дам олиш кун” Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ
30		Асарни қайта ҳикоя қилиш. Т. Расулов “Шафтоли” ҳикояси Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ
31		“Т” товушини тўғри талаффуз қилиш
32		Сурат бўйича ҳикоя тузиш. “Тиш ювиш одоби” Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ
33	Январь	Шахсий ҳаётдан ҳикоя тузиш “Мен киш байрамини қандай ўтказдим?” Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ
34		“D” товушини тўғри талаффуз қилиш
35		“14-январ-Ватан ҳимоячилари кун” сурати асосида ҳикоя тузиш Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ
36		Расмларни номлаш (“D” товуши) ва улар иштирокида гап тузиш
37		М.Муродовнинг “Икки ният” ҳикояси асосида қайта ҳикоя қилиш Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ
38		“Дастурхон одоби” сурати бўйича ҳикоя тузиш
39		Шахсий ҳаёт (тажриба)дан ҳикоя тузиш “Мен қушларни овқатлантирдим”
40		Асарни қайта ҳикоя қилиш. “Тулки билан қизча” Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ
41	Февраль	А.Авлонийнинг “Болари ва пашша” асарини қайта ҳикоя қилиш Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ
42		“R” товушини тўғри талаффуз этиш
43		А.Навоийнинг “Бир кабутар” ҳикояти асосида қайта ҳикоя қилиш Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ
44		А.Навоийнинг “Шер билан Дурроғ” асари асосида қайта ҳикоя қилиш Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ
45		Жамоа ҳаётдан ҳикоя тузиш. “Бизнинг боғча” Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ
46		Асарни қайта ҳикоя қилдириш. “Алишер ва булбул” ривояти Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ
47		Расмларни номлаш (“R” товуши) ва улар иштирокида гап тузиш
48		Сурат бўйича ҳикоя тузиш. “Қўл ювиш одоби” Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ
49	Март	“K” товушини тўғри талаффуз этиш
50		Ўрол Тансиқбоевнинг “Ўзбекистонда баҳор” суратини кўздан кечириш Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ
51		Шахсий ҳаётдан ҳикоя тузиш: “Онамларнинг байрами”
52		Р.Азизхўжаевнинг “Ойижон” ҳикояси асосида асарни қайта ҳикоя қилишга ўргатиш. Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ
53		Шахсий ҳаётдан ҳикоя тузиш. “Мен Наврўз байрамини қандай ўтказдим?” Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ

54		Расмларни номлаш (“К” товуши) ва улар иштирокида гап тузиш
55		Жамоа ҳаётидан ҳикоя тузиш: “Боғчамдаги ёқтирган ўйинларим” Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ
56		Мазмунли сураатлар асосида ҳикоя тузиш. “Баҳорда катталар меҳнати” Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ
57	Апрель	“Ch” товушини тўғри талаффуз этиш
58		М.Муродовнинг “Икки хил ёрдам” ҳикояси асосида асарни қайта ҳикоя қилиш. Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ
59		Сураат бўйича ҳикоя тузиш. “Метрода” Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ
60		Расмларни номлаш (“Ch” товуши) ва улар иштирокида гап тузиш
61		“Фил билан хўроз” ўзбек халқ эртаги асосида ҳикоя қилишга ўргатиш
62		Шахсий ҳаётдан ҳикоя тузиш. “Туғилган кун” Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ
63		“F” товушини тўғри талаффуз этиш
64		Асарни қайта ҳикоя қилиш Яшар Хондамир “Қалам” Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ
65	М а й	Шахсий ҳаётдан ҳикоя тузиш. “Мен дадамга ёрдамчи” Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ
66		Расмларни номлаш (“F” товуши) ва улар иштирокида гап тузиш
67		Махмуд Тўйчиевнинг “Зарғалдоқ” ҳикоясини қайта ҳикоя қилишга ўргатиш
68		Н товушини тўғри талаффуз қилиш.
69		Шахсий ҳаёт (тажриба)дан ҳикоя тузиш “Циркда” Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ
70		Расмларни номлаш (“Н” товуши) ва улар иштирокида гап тузиш
71		Жамоа ҳаётидан ҳикоя тузиш: “Гулзорларимиздаги гулларни қандай етиштирдик. Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ
72		“Асалари ҳеч нарсга демабди” ҳикояси асосида қайта ҳикоя қилишга ўргатиш. Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ

1-машғулот

Мавзу: «Мустақиллик байрами» мавзусида суҳбат

Мақсад: Болаларни сурат бўйича мазмунли ҳикоя тузишга, суҳбат пайтида фаол иштирок этишга ундаш, суратда акс эттирилган воқеаларни изчил баён қилишни, мавзу бўйича берилган саволларга тушуниб, қисқа ва тўлиқ жавоб бериш, ўртоқларининг бераётган жавобларига эътибор бериш малакасини такомиллаштириш. Суҳбат давомида болалар қалбида мустақиллик байрамига нисбатан муҳаббат, миллий ғурур ҳиссини тарбиялаш.

Вазифалар:

«Мустақиллик байрами», «Миллий боғ» мавзуларида лугатни фаоллаштириш.

Воқеа-ҳодисаларнинг муҳим белгиларини ажратишга, солиштиришга ва умумлаштиришга, уларни ифодалаш учун аниқ сўзларни танлашга ўргатиш.

Боғланишли нутқ—ҳикоя тузиш кўникмаларини шакллантириш.

Нутқнинг ифодалилигини тарбиялаш.

Гап. Гапни сўзларга бўлишга ўргатиш.

Кутилаётган натижалар:

Сурат бўйича мазмунли ҳикоя тузишга, суратдаги тасвирдан олдинги воқеаларни мустақил ўйлашга ўрганадилар.

Грамматик жиҳатдан тўғри сўзлашга интилади

Керакли жиҳозлар:

«Мустақиллик майдони- тинчлик рамзи» сурати

Машғулотнинг бориши. Сурат илиб қўйилади ва мазмуни бўйича суҳбат ўтказилади.

-Болалар, Ватанимизда ҳар йили 1-сентябр куни мустақиллик байрами бўлади. Байрам куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов халқимизни байрам билан табриқлайдилар. Сўнг майдонда томоша бўлади. Болалар, сиз ҳам байрамда сайлга чиқдингизми? Қаерга, ким билан бордингиз, қандай томошаларни кўрддингиз?

Ҳозир биз «Мустақиллик байрами» номли суратни кўриб, сурат бўйича ҳикоя тузишни ўрганамиз. Суратга диққат билан қаранг.

Суратда кимлар тасвирланган?

Болалар қиёфасида қандай ҳолат ифодаланган?

Болаларнинг қўлларида нималар бор? (байроқча, шар, гул)

Кимлар доира чаляптилар?

Кимлар рақсга тушяптилар? (катталар, болалар)

Байрам сайлида сиз ҳам иштирок этдингизми?

Байрамда нималарни кўрддингиз?

Миллий боғда қандай томошаларни кўрддингиз?

Жисмоний дақиқа

Эшитиш диққатини ривожлантириш мақсадида ҳаракатли ўйин ўргатиш

Тарбиячи сўзи
Оёғимиз тақ– тақ – тақ, Қўлимиз чапак – чапак. Бошимиз сарак – сарак Қўлимизни кўтардик, Секингина туширдик. Энди эҳтиёт бўлиб Жойимизда айландик Қўлни ёнга туширдик Доира бўйлаб югурдик

Келинлар, энди сурат асосида ҳикоя тузамиз.(5-6та бола ҳикоялари тингланади)

Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ

Тарбиячи: Болалар, биз бир-биримизга ўз фикримизни қандай билдирамиз?

Болалар, мен сизга савол бердим, сиз жавоб бердингиз.

Сизнинг саволларингиз ҳам, бизнинг жавобларимиз ҳам нутқ дейилади. Нутқимиз гаплардан тузилган. Биз гаплар орқали сўзлашамиз. Гаплар эса сўзлардан тузилган. Сурат ҳақидаги битта гапни айтинг-чи.

(Боғда чиройли гуллар очилган)

Бу гап нималардан тузилган?

(Тўғри, гап сўзлардан тузилган. Келинлар, гапни биргаликда яна қайтарамиз. Боғда чиройли гуллар очилган). Тарбиячи болалар билан гапни сўзларга бўлади. Гапнинг биринчи сўзини айтинг.(Боғда), иккинчи сўзини айтинг.(чиройли), учинчи сўзини айтинг.(гуллар), тўртинчи сўзини айтинг.(очилган)Демак, бу гап 4та сўздан тузилган экан.

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар :

- Мустақиллик байрами қачон бўлади?
- Миллий боғда қандай иншоатлар бор экан?
- Нутқимиз нималардан тузилган?
- Гап нималардан тузилган?

2-машғул

Мавзу: “Лоланинг боғчадаги биринчи куни” мавзусида ижодий ҳикоя тузиш

Мақсад:

Мазмунини мустақил ижод қилган ҳолда ҳикоя тузишга ўргатиш.

Вазифалар:

Боғланган нутқни ривожлантириш.Баъзи отларни кўпликда, тушум, қаратқич келишикларида турлича машқ қилдириш.Сўзларни бўғинларга бўлишга ўргатиш

Қутилаётган натижалар:

Болаларнинг боғланган нутқи ва товуш маданияти ривожланади.Болалар баъзи отларни кўпликда, тушум ва қаратқич келишикларида тўғри ишлатишга ўрганадилар.

Керакли жиҳозлар:

Боғча ҳаётидан расмлар лавҳалар, болалар кийимлари ва бошқа керакли расмлар,ҳайвонларнинг боласи билан бирга тасвирланган расмлар.

Машғулнинг бориши

Болалар, бугун биз “Лоланинг боғчадаги биринчи куни” мавзусида ҳикоя тузамиз. Қани бир эслангчи, яқинда гуруҳимизда ким янги келди. Тўғри, Азиза келди. Азиза билан биз қандай танишдик? Азизанинг кайфияти қандай эди? Азиза билан қандай ўйинчоқлар ўйнадинглар? Сайрга қандай чиқдик? Азиза сайрда кўпроқ ким билан ўйнади? Шу куни қандай ўйинлар ўйнадик?

Болалар ҳикоя қилишда қийналсалар тарбиячи ҳикоя намунасини беради.

Бир кун Лоланинг ойиси уни эрта уйкудан уйғатди, бирга нонушта қилдилар. Нонуштадан сўнг Лоланинг ойиси унга янги кўйлак кийгазди. “Лола бугун боғчага борасан, боғчада болалар жуда кўп бирга ўйнайсизлар”, - деди. Лола жуда хурсанд бўлиб кетди. Лола ойиси билан боғчага келган эди, тарбиячи Феруза опа уни яхши кутиб олди. Лола ойисига кулиб “Хайр” деб қолди. Тарбиячи Феруза опа Лолани болалар билан таништирди. Болалар Лола билан бирга ўйнашди, унга ўйинчоқлар беришди, сайрда бирга қувлашмачоқ ўйинини ўйнашди. Лола шу куни боғчага келганидан хурсанд бўлди.

Тарбиячи намунасидан сўнг 3 — 4 бола ҳикояси тингланади. Ҳикоя қилишда қийналганларга ёрдам берилади.

Тетиклаштирувчи машқ (ихтиёрий)

Тарбиячи: Гуруҳимизга кўғирчоқ Лолахон меҳмон бўлиб келди. Келинлар, унга турли ҳайвонларни, уларнинг болаларининг расмларини кўрсатамиз. Уларнинг номларини ўргатамиз. Бунинг учун “Ниманинг боласи?” ўйинини ўйнаймиз:

Кўзичоқ.. (кўйининг боласи)

Тойчоқ.. (отнинг боласи)

Улоқча.. (эчкининг боласи)

Мушукча.. (мушукнинг боласи)

Бўғалоқ.. (туянинг боласи)

Болалар, Лола ҳайвон болаларининг қайси ҳайвоннинг болалари эканини билмас экан. Энди Лолахон янада яхши билиб олиши учун “Боласини топинг” ўйинини ўйнаймиз. Мен расм кўрсатаман ҳамда гапнинг бошини айтаман, сиз расмда тасвирланган ҳайвоннинг боласининг расмини кўрсатасиз ва номини айтасиз.

Мушукнинг боласи (мушукча).

Кўйининг боласи (кўзичоқ).

Отнинг боласи (тойчоқ).

Эчкининг боласи (улоқча).

Ҳозир у биз билан сайрга чиқади. Лолага қандай кийимларини кийинтирамиз?

(Болалар: кўйлагини, камзулини, туфлисини, пайпоқларини).

“Кўнғизлар ва чивинлар” ўйини. Тарбиячи: икки гуруҳга бўлинамиз. Биринчи гуруҳ болалари чивинлар бўлишади, иккинчи гуруҳ болалари кўнғизлар бўлишади. Қачон мен: “Чивинлар учиб кетишди” деб айтсам, чивинлар хона бўйлаб учадилар ва “ззз...” деб айтишади. Қачон мен: “Кўнғизлар учиб келишди” деб айтсам, чивинлар ўз жойига югуриб кетишади ва кўнғизлар “жжж...” деб хона бўйлаб учадилар.

Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ

Болалар, келинлар, ҳайвон болаларининг номларини бўғинга бўламиз. Тойчоқ сўзини биргаликда чапак чалиб бўғинга бўламиз.

Той-чоқ. Икки бўғиндан иборат.

Демак, сўзлар бўғинлардан тузилган экан. Биринчи бўғин (Той), иккинчи бўғин (чоқ)

Шу тариқа бошқа ҳайвон болаларининг номларини бўғинларга бўлиш мумкин.

Машғулот якунида тарбиячи барча болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантиради.

3-машғулот

Мавзу: “Қувноқ тилча” ҳақида эртак

Мақсад: Болаларга оғизни, лабларни, тишларни ва тилни, танглайни кўрсатиш. Тилнинг асосий ҳаракатлари билан таништириш: тилни юқорига кўтариш, пастга тушуриш, тилни оғиз бурчакларига йўналтириш.

Вазифалар:

Машғулот вақтида ҳар бир болани диққат-эътибор билан кузатиб, машқни қандай бажараётганини текшириб туриш.

Кутилаётган натижалар:

Болалар гапиришимиз учун бизга нималар ёрдам беришини (лаблар, тил, тил учи, тил кураги, тилнинг орқа қисми, тишлар, танглай, оғиз, лаблар, тишлар ва тил) билиб оладилар. Тилнинг асосий ҳаракатларини: тилни юқорига кўтариш, пастга тушуриш, тилни оғиз бурчакларига йўналтиришни мустақил бажара оладилар.

Керакли жиҳозлар:

“Қувноқ тилча ҳақида” эртаги билан ишлашни мўлжаллаш.

Машғулотнинг бориши. Тарбиячи: Болалар, қани айтинг-чи: “Биз нимамиз билан гапирамыз?” (оғзимиз билан). Тўғри, оғзимиз билан. Оғзимиз уйчага ўхшайди. Қани эслаб кўринг-чи бу уйчада нима яшайди? Тўғри, тил. Ҳар бир уйнинг эшиги бўлади. Тилча яшайдиган уйчанинг ҳам эшиги бор. Унинг уйчасида битта эшикча эмас, балки иккита эшикча бор. Биринчи эшиги-лаблар, иккинчи эшиги – тишлар. Бу уйнинг шифти ҳам бор. Бу нима деб аталади? Тўғри, танглай. Биз гапирмаганимизда уйчанинг иккала эшикчаси ёпиқ бўлади ва тилча кўринмайди. Ҳаммангиз оғзингизни ёпинг ва бир-бирингизни оғзингизга қаранг. Тилча қоронғида ўтиравериб зерикди. У кўчага чиқиб сайр қилиб келмоқчи бўлди. Аввал тил учини чиқариб, ҳаво қандай эканлигини билиб олмоқчи бўлди. Келинглار, ҳаммамиз шундай қиламиз. (тарбиячи болаларни бу ҳаракатни қандай бажараётганликларини текшириб чиқади). Мана, қандай кенг тилча, ҳаммангиз бир-бирингизга қаранглار. Бирдан қаттиқ шамол эсди, тилча буришди. Ингичка бўлиб олди, сўнгра бутунлай уйчасига яшириниб, ухлаш учун қараватчасига чўзилди. (болаларни текшириш). Уйқудан уйғонган тилча машқ қилмоқчи бўлди, юқорига кўтарила бошлади. (юқоридаги тишлар орқасига), сўнгра пастга тушади (пастки тишлар орқасига). (тарбиячи ҳар бир болани текширади). Тилча аввал машқни секин-секин бажаради, сўнгра тез-тез сакрай бошлади. У сакраганда шифтга етай-етай деди, сакраб шифтни тил учи билан силаб қўйди. Тилча машқ қилиб бўлгач, яна кўчага чиқмоқчи бўлди. Кўчага чиқиб зинапоёга ўтирди (тилнинг кенг олдинги қиррасини пастги лабга қўйиш, болалар бу ҳаракатни бажараётганларида пастки лабларини қийшайтирмасинлар, пастки тишларга тегизмасинлар). Бир ўзи ўтиравериб зерикди, ўйнаш учун кўчада ҳеч ким йўқ эди. Болалар йўқмикин, деб тилча аввал ўнг томонга, сўнгра чап томонга қаради. Ҳеч бир бола йўқ эди. Болаларни қидириб уйининг атрофида югура бошлади. (тил оғиз атрофида айланма ҳаракат қилади). Бирга ўйнаш учун бола топди-севинганидан сакради, ва тили билан чўлпиллатди. (тилни танглайга ёпиштириб, учи билан чўлпиллатади. Болалар текширилади). Тилча мазза қилиб сайр қилганидан сўнг уйига кетди ва иккала эшикни ёпди. Уйчасининг эшиклари оддий эмас, икки қаватли. Булар-лаблар. Мана юқоригиси, мана пасткиси (кўрсатади) Лаблар ҳам кўп ҳаракат қила оладилар. Мана улар кўп ҳаракат қилиб жилмайишди. Келинглар ҳаммамиз жилмаямиз, сўнгра улар нимагадур аччиқландилар ва олдинга найчага ўхшаб чўзилдилар (текшириш) Сўнгра лаблар бироз очилиб, иккинчи эшикни кўрсатишди. (тарбиячи тишларини кўрсатади). Мана юқориги тишлар, мана бу пастки тишлар.

Ҳамма эшикларни ёпамиз, тилча жуда ҳам чарчади, унинг дам олгиси келяпти.

Жисмоний дақиқа

“Самолёт” ўйини. Тарбиячи: биз ҳозир самолёт ўйинини ўйнаймиз. Ҳаммамиз самолётнинг моторини “RRR” деб юргазамиз. Болалар “RRR” деб талаффуз этадилар, қўллари билан моторнинг ҳаракатини кўрсатадилар ва хона бўйлаб югурадилар. Моторни юргаздик ва самолёт баланд-баланд учиб кетди. У бизга кўринмайди. Фақат “LLL” деб гувиллаши эшитилади. Болалар “LLL” деб талаффуз этадилар.

Тарбиячи: Болалар яна бизнинг овозимиз ҳам бор-а! У ҳам уйчада яшайди. Бироқ унинг уйчаси оғизда эмас, бўйинда (кўрсатади)

Баъзан овоз ухлайди ва секингина пишиллади, унинг пишиллаши эшитилмайди (тарбиячи “S” товушини талаффуз этади Сўнгра болалар “S” товушини талаффуз этадилар. Қўлларининг орқа томонини бўйинларига қўйиб, овоз ухляптими ёки йўқми текшириб кўрадилар). Овоз уйқудан тургандан кейин ашула айтади. Ушундай овозда ашула айтадики, ҳатто уйчанинг деворлари титрай бошлайди (бола “Z” товушини

бўйинга қўл кафтининг орқа томонини қўйиб талаффуз этади. Бу билан овоз ухляптими ёки йўқми текширилади. Худди шу тариқа болалар икки – уч марта “S” ва “Z” товушини навбатма-навбат талаффуз этадилар ва товуш ухляптими ёки ашула айтяптими аниқлашади. Болалар, бугун биз кўп нарсаларни билиб олдик).

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар :

- Биз нимамиз билан гапирамиз?” (оғзимиз билан)
 - Оғзимиз уйчага ўхшайди, бу уйчада нима яшайди?(тил)
 - Тилча яшайдиган уйчанинг нечта эшикчаси бор? (иккита)
 - Уйнинг шифти нима деб аталади? (танглай)
- Демак, гапиришимиз учун бизга нималар ёрдам беради?
(лаблар, тил, тишлар, танглай, товуш)

4-машғулот

Мавзу: “Бўри билан эчки” эртаги асосида асарни қайта ҳикоя қилишга ўргатиш

Мақсад:

Асарни мазмунли, мантиқий изчилликда аниқ ва тасвирий ифодалардан фойдаланган ҳолда ҳикоя қилишга ўргатиш.

Вазифалар:

Богланган нутқни ривожлантириш. От ва сифатлардан тўғри фойдаланиш.
Товуш маданияти. Нутқнинг ифодалилигини тарбиялаш. Сўздан товушни ажратишга ўргатиш.

Кутилаётган натижалар:

Болаларнинг богланган нутқи ва товуш маданияти ривожланади.
Болалар нутқда от ва сифатларни тўғри ишлатишга ўрганадилар. Сўздан товушни ажратишга ўрганадилар.

Керакли жиҳозлар:

Ҳайвонлар тасвири

Эртакни саҳналаштиш учун либослар

Машғулотнинг бориши

Тарбиячи ҳайвонлар тасвирига болалар эътиборини қаратиб сўрайди:

1. Болалар, суратда қайси ҳайвон тасвирланган?

2. Эчки ҳақида қандай эртакларни биласиз?

Ҳозир, сизларга “Бўри билан эчки” эртагини ўқиб бермоқчиман. Сиз эшитишни хоҳлайсизми? (Тарбиячи эртакни ифодали қилиб ўқиб беради ва асар мазмуни бўйича суҳбатлашади).

1. Эчки нима учун бўрига дуч келди?

2. Бўри билан эчки нималар ҳақида суҳбатлашдилар?

3. Эчки қандай хийла ўйлаб топди ва нима қилди?

4. Бўри қай аҳволга тушиб қолди?

5. Бўрининг эчкига айтган жавобини ким ўзига

ўхшатиб айтиб беради?

6. Эчкининг бўрига айтган жавобини ким оҳангли қилиб айтади?

7. Бўрининг ҳушидан кетиб ўзига келган аҳволини

ачинарли қилиб ким айтиб беради?

Асарни тарбиячи яна бир бор ўқиб беради. Болаларга яхшилаб тинглашларини, эслаб қолишларини, кейин сўзлаб беришларини айтади.

Энди ким эртакни бошидан гапириб беради?

Эртакни худди машқ қилганимиздек таъсирли, ифодали қилиб сўзлаб беришингиз керак (3—4 боланинг жавоби эшитилади).

“Ўйланг, биргаликда ўзаро фикр алмашинг” ўйини асосида грамматик машқ.

Бу ўйинда болалар берилган топшириқ устида биргаликда фикр юритишга, ўз фикрларини ихчам, аниқ ифодалашга жалб қилинади. Тарбиячи берган топшириқ бўйича болалар жуфт- жуфт бўлиб ўз фикрларини ўртоқлашадилар ва биргаликда бир хулосага келадилар. Бунинг учун тарбиячи болаларни гуруҳларга тақсимлаб олиши керак. Болаларни гуруҳларга тақсимлашда битта тез қабул қиладиган, битта секин қабул қиладиган болани танлаб олиши керак. Гуруҳлар ишлаётган вақтда тарбиячи болаларга ёрдам бериши, тушунмаган жойларини тушунтириб бериши керак.

1. Бўри эртақда қандай тасвирланган? У ҳақида қандай сўзлаш мумкин? (очкўз, бераҳм, ёвуз, кўпол).
2. Бераҳм сўзига қарама-қарши маънодаги сўз топинг (раҳмдил, кўнгилчан, шафқатли).
3. Эчки ҳақида нима дейиш мумкин? (доно, ақлли, кўркмас, тадбиркор).
4. “Кўркмас” сўзига яқин сўзлар топинг (ботир, жасур, мард).

Жисмоний дақиқа

“Бўри ва эчкилар” ҳаракатли ўйин

Тарбиячи: болалар сиз “эчкилар” бўласизлар. Эчкилар ўтлоқда сакраб- сакраб ўтлаб юришади. Бир бола “бўри” бўлади. Қачон мен: “Эчкилар ўтлоқда юришибди” деб айтсам, эчкилар хона бўйлаб сакраб юрадилар ва “мэ-мэ...” деб айтишади. Қачон мен: “Бўри” деб айтсам, эчкилар ўз жойига югуриб кетишади. Бўри уларни тутишга ҳаракат қилади, ўйинда шу сўзлардан фойдаланилса бўлади.

Эчкилар сакраб юрар
Кўм-кўк майса ўтлоқда
Кўркувдан жони ҳалак
Назар солар атрофга

Матндаги сўзларга қараб болалар ҳаракат қилишади. Шундан сўнг бўри эчкиларни қувлаб кетади. Ушланган бола бўри ролини ижро этади.

Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ

Болалар, биз ҳозир бўри, эчки ҳақида жуда кўп сўзлар айтдик. Сўзлар бўғинлардан тузилганини билиб олган эдик. Ҳозиргина айтилган сўзларни бўғинларга бўлиб кўрамиз. (Бўри, эч-ки, оч-кўз, до-но) Бугун эса сўздан товушни ажратишни машқ қиламиз. Товуш сўз ёки бўғинлардан ажратилади. Бўғин ёки сўздан унли товушни ажратиш қулай. Мен бўғинларни талаффуз қиламан, қайси товушни чўзиб айтаётганимни сиз айтасиз: ооо-на. Тўғри “О” товушини чўзиб айтдим. “О” - бу товуш. Биргаликда “О” товушини қайтарамиз. Яна иккинчи бўғинда қайси товушни чўзиб айтганимни топасиз: о-пааа (а товушини). Тўғри, энди шу 2-бўғиндаги бошқа товушни аниқланг: о-ппа (“N” товуши). Демак, сўзда нечта товуш бор экан? (3та) Улар қайси товушлар? (“о”, “п”, “а”) Сўз, бўғин нималардан тузилар экан? (Товушлардан) Она сўзида қайси товушлар чўзиб талаффуз қилинди? Мен “о”, “а”, “п” товушини талаффуз қилдим, сиз уни эшитдингиз. Демак, товушларни талаффуз қиламиз яъни айтамиз ва эшитамиз. Биргаликда қайтарамиз.

(товушларни талаффуз қиламиз яъни айтамиз ва эшитамиз.)

Машғулот якунида барча болаларни рағбатлантириш.

5- машғулот

Мавзу: “s” товушини тўғри талаффуз қилиш

Мақсад:

“s” товушини тўғри талаффуз қилишга ўргатиш ва бўғин, сўзларда мустаҳкамлаш.

Вазифалар:

“s” товушини ўрни аниқлаш: сўз боши, ўртаси ва охирида қилишини айтиш, сўзларни бўғинларга ажратиш, “s” товушини эшитиб фарқлашга ўргатиш, “s” товушли сўзлар билан болалар нутқини бойитиш. Саволларга тўлиқ ва аниқ жавоб беришга ўргатиш.

Кутилаётган натижалар:

“s” товушининг ундош товуш эканлигини, товуш ўрнини аниқлашни билиб оладилар.

“s” товушига оид сўзлар айта оладилар.

Керакли жиҳозлар:

s товушига оид расмли суратлар

“Бўғинлардан сўз тузинг» таълимий ўйин учун материаллар

Машғулотнинг бориши:

Тарбиячи: бугун болалар “s” товуши ҳақида суҳбатлашамиз. s товушини талаффуз қилганимизда, “s” товуши унли товушга ўхшаб чўзилади, аммо ҳаво эркин чиқа олмай зўрға тишлар орасидан чиқади. Тил ва тиш тегиб турган жой тўсиқ бўлади. Шунинг учун тўсиққа учрайди, қисқа айтилади, “s” товушини айтганимизда овоз билан шовқин ҳам эшитилади.

Демак, “s” ундош товуш экан. Товушни эштамиз, талаффуз қиламиз. Дикқат билан эшитинг “s” товушини талаффуз қилганимизда чапак чаласиз.

- “S”, “r”, “l”, “S”, “a”, “o”, “u”, “S”, “sh”, “z”, “S”

- “s” товушига оид сўзлар топишга ҳаракат қиламиз: soat, sava, savat, svetofor. (болалар қийналсалар расм кўрсатиш мумкун)

- Айтилган сўзлардаги “s” товушини ўрнини аниқлаймиз.

Мен айтаман, сиз аниқлайсиз: Sigir Мен шу сўзни қайта айтаман, сиз биринчи товушни айтасиз: s-s-sigir, Демак, Sigir сўзида “s” товуши сўзнинг бошида келяпти; мен бошқа сўзни айтаман, сиз “s” товушини ўрнини аниқланг: a-s-s-s-al, демак, asal сўзида “s” товуши сўзнинг ўртасида келяпти. Мен бошқа сўз айтаман дикқат билан эшитинг: atlas-s-s демак, at-las-s-s сўзида “s” товуши сўзнинг охирида келяпти.

Энди ўзингиз мустақил “s” товуши иштирок этган сўзларни топинг ва ўрнини аниқлашга ҳаракат қилинг. Болалар айтган сўзларини чапак чалиш орқали бўғинларга бўладилар.

Тетиклаштирувчи машқ

Болалар доира бўлиб туриб оладилар. Болалар қўлларини ҳаракатлантириб тарбиячи билан бирга талаффуз қиладилар: Насосдан ҳаво чиқяпти ва хуштак чаляпти: ”s-s-s- s-s-s”

“s” товуши иштирок этган бўғинларни талаффуз қилиш.

Тарбиячи so, si, sa, su, so’ бўғинларини талаффуз қилиб, болаларга ўзи намуна кўрсатади. Болалар тарбиячи кетидан хўр бўлиб айтадилар. Сўнг якка-якка айттирилади.

SA- SA- SA

SU-SU-SU


SA- SA- SA

SU-SU-SU

Неча марта қарсак овозини эшитсангиз, шунча SA бўғинини талаффуз қилинг

Шу тартибда so, si, se, so’ бўғинлари талаффуз этилади.

“Сўзларни тўлдириг” ўйини



Амалий машқ

“Расмларни номланг” машқи Таълимий ўйин киритиш

Болаларга олдиларидаги расмларни номлаш ва “s” товушини тўғри талаффуз қилиш, сўзни бўғинга бўлиш каби топшириқлар берилади. Болалар сўзда неча бўғин бўлса, шунча марта чапак чаладилар.

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар :

- Бугун қайси товуш билан танишдик?

-У қандай товуш экан?

-Товушни нима қиламиз? (эштамиз)

- Биз товушларни нима учун ўрганамиз?"

- “s” товуши иштирок этган сўзларни айтинг.

-Қайси транспортнинг номида “s” товуши бор? (самолёт-расмлар асосида)

- Қайси сабзовотнинг номида “s” товуши бор? (сабзи)
- Қайси жиҳознинг номида “s” товуши бор? (сандик)
- Қайси ҳайвоннинг номида “s” товуши бор? (сигир)
- Қайси қушнинг номида “s” товуши бор? (сава)

6-машғулоти

Мавзу: “Икки эчки” ўзбек халқ эртаги асосида қайта ҳикоя қилишни машқ қилиш

Мақсад:

Асарни қайта ҳикоя қилиб беришга ўргатишни давом этиш.

Вазифалар:

Боғланган нутқни ривожлантириш. Сўзларни аниқ ва бурро айтиш.

Сўзлаётганда тўғри нафас олишни ривожлантириш.

Ўхшаш маъноли сўзлар топиш. Берилган сўзга гап туза олиш кўникма ва малакаларини ўстириш. Унли товуш ҳақида тушунчани мустаҳкамлаш.

Кутилаётган натижалар:

Болаларнинг боғланган нутқи ва товуш маданияти ривожланади. Болаларда ижодий, мустақил фикрлаш ва буни нутқда ифодалаш кўникма ҳамда малакалари шаклланади. Унли товушни қандай талаффуз этилишини машқ қиладилар.

Керакли жиҳозлар:

Ҳайвонлар тасвири

Эртакни саҳналаштириш учун либослар

Машғулотининг бориши.

Тарбиячи: “Бугун болалар, мен сизга иккита ўжар эчки ҳақидаги эртакни ўқиб бераман. (Тарбиячи эртакни ўқиб беради).

Эртак бўйича саволлар:

1. Кунлардан бир куни қандай воқеа юз берибди?
 2. Эчкилар нима қилишибди?
 3. Эчки қандай қилиб дўқ қилибди? Оҳангини келтириб айтиб беринг.
 4. Иккинчи эчки қандай дўқ билан жавоб берибди? Оҳангини келтириб айтиб беринг.
 5. Эчкилар учрашуви нима билан тугабди?
- Энди ким эртакни бошидан қайта ҳикоя қилиб беради? (3-4 бола жавоблари).

Бармоқлар машқи.

Тарбиячи болалар билан бармоқлар машқини ўтказди. Бунинг учун болалар икки гуруҳга бўлиниб турадилар, тарбиячи шеърни ўқиб туради ва болалар ҳаракатни бажарадилар.

Шохдор эчки

Шохдор эчки келмокда,

Болаларни кўрмокчи.

Ким ичмаса сутини,

Ким емаса ошини,

Сузиб олади уни.

Қўлнинг кўрсаткич бармоғи ва жимжилоғидан

-"эчки". "Сузиб олади уни" қатори айтилганда, болалар бир- бирларига қараб бармоқларини кимирлатадилар.

Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ



бошқалари букилган. Бу

Грамматик машқ

Эртақда эчкилар қандай тасвирланган? (ўжар, қайсар, уришқоқ).

“Эчки” сўзига гап тузинг.

“Эчки” сўзини ҳаммамиз биргаликда талаффуз қиламиз. Эээ-ч-киии. Қайси товушни чўзиб айтдик? “Э” товуши тўсикқа учрамаяпти, чўзиқ айтиляпти. Товушлар тўсикқа учрамай, чўзиб айтилса, ундай товушларни унли товушлар деймиз. Демак “Э” товуши унли товуш экан.

“И” товуши ҳам шундай таҳлил қилинади.

Эртақни сахналаштириш. (бармоқ, соя, пахмоқ, қўғирчоқ театри бўлиши мумкин)

Тарбиячи машғулоти якунида барча болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантиради.

7-машғулоти

Мавзу: Нутқда нафас олиш ва нафас чиқаришни ривожлантириш

Мақсад: Узун ҳаво оқимини чиқаришни ҳосил қилиш

Вазифалар:

Болаларни тўғри туриш, нафас олганда елкаларни кўтармасликларига аҳамият бериб бориш.

Болалар ҳар бир нафас чиқаришда, ҳаво олмасдан туриб бирон предметни пуфлашларини кузатиш.

Кутилаётган натижалар:

Болаларда узун ҳаво оқимини чиқариш малакаси ривожланади.

Керакли жиҳозлар:

Машғулотнинг бориши

Тарбиячи: Ҳозир ўлкамизда қандай фасл? Куз фаслида табиатда қандай ўзгаришлар юз беради? Келинлар сиз билан ҳовлига айланишга чиқамиз.

Болажонлар, қаранг ҳаво қандай тоза экан. Мана шу ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас оламиз.

Нафасни айтилган тартибда олинад:

Бурнимиздан чуқур нафас оламиз, оғзимиздан чиқарамиз (3-4 марта) такрорланади. Нафас олганимизда бурнимиз ўпкамиз, оғзимиз иштирок этади. Аниқ кўрсатган ҳолатда. Ана энди нафас олиб қуйидаги сўзларни талаффуз қиламиз.

Ҳаво тоза

Ҳаво жуда тоза

Ҳаво жуда тоза

(болаларнинг нафас олиб, чиқаришларини назорат қилинади).

Энди қўлларимизни тепага кўтариб нафас оламиз, қўлларимизни тушуриб нафас чиқарамиз.

3. Жисмоний дақиқа

Тарбиячининг сўзлари	Болалар ҳаракатлари
Баланд - баланд Учамиз - учамиз, Чарчаш нима Билмаймиз - билмаймиз. Ўтириб дам оламиз, Яна учиб кетамиз.	Қўлларни «қанот» қилиб ҳаракатлантириш; қўлларни олдинга узатиб, «қайчи» ҳаракатини бажариш; бир тиззага чўккалаб ўтириб туриш. Қўлларни «қанот» қилиб ҳаракатлантириш

4. Мустаҳкамлаш

Келинлар сизлар билан тез айтишни ёд оламиз. (Совуқда тустовуқ совуқ қотди)

Қани болажонлар, бир нафасда ким кўп марта ушбу тез айтишни айтиб беради.

“Тез айтишни- кўп айтиш” ўйини
(болалар томонидан ўртоқларининг тез айтиш маҳоратлари назоратга олинади)
Болаларни раҳбатлантириш. Болалар, баракалла сиз машғулотда жуда яхши қатнашдингиз.

8- машғулот

Мавзу: “Олма терими” сурати асосида ҳикоя тузиш

Мақсад: Сурат бўйича мазмунли ҳикоя тузишга, суратдаги тасвирдан олдинги воқеаларни мустақил ўйлаб тўқишга ўргатиш

Вазифалар:

«Ёз», «Боғдаги меҳнат» мавзуларида луғатни фаоллаштириш.

Воқеа-ҳодисаларнинг муҳим белгиларини ажратишга, солиштиришга ва умумлаштиришга, уларни ифодалаш учун аниқ сўзларни танлашга ўргатиш.

Боғланишли нутқ—ҳикоя тузиш кўникмаларини шакллантириш.

Болалар луғатларини боғ, ҳосил, қизғин, мевалар, кўмаклашиш каби сўзлар билан фаоллаштириш.

Кутилаётган натижалар:

Сурат бўйича мазмунли ҳикоя тузишга, суратдаги тасвирдан олдинги воқеаларни мустақил ўйлаб тўқишга ўрганадилар.

Грамматик жиҳатдан тўғри сўзлашга интилади

Керакли жиҳозлар:

«Олма терими» мавзусида суратлар тўплами

Машғулотнинг бориши. Сурат илиб қўйилади ва мазмуни бўйича суҳбат ўтказилади.

Суратда қайси фасл тасвирланган?(Ёз фасли)

Нима учун шундай деб ўйлайсиз?

Расмда қаер тасвирланган?

Болалар нима қилишяпти?

(олма теримида ёрдамлашяптилар)

Болалар тасаввур қилинг, расмда сиз тасвирлангансиз. Ҳикоя қилишда икки киши бўлиб ҳикоя тузасиз. Бирингиз ҳикояни бошлайсиз, бирингиз тугатасиз.

Шу тариқа болаларнинг сурат асосида тузган ҳикоялари тингланади. Болалар ҳикоя тузишда қийналсалар тарбиячи ҳикоя намунасини беради.

Иссиқ ёз бошланди. Дала ва боғларда иш қизиқ кетди. Гилос, олма, ўриклар пишди. Ёзда болалар ёзги таътилга чиқадилар. Улар дам олиш билан бирга ота-оналарига, катталарга боғ ишларида ёрдам берадилар. Нодир, Олим, Садир, Шоира ота-оналарига боғда ёрдам берадилар. Шоира олмани эҳтиётлаб теряпти. Шохзода терилган олмани саралаб, саватга соляпти. Анвар олмани нарвонга чиқиб теряпти. Нуриддин терилган олмаларни машиналарга олиб борапти. Олмалар машинага ортиб бўлингач дўконларга етказилиб берилади.

Тарбиячининг намуна ҳикоясидан сўнг болаларнинг тузган ҳикоялари тингланади.

Жисмоний дақиқа (ихтиёрий)

Саводга тайёрлаш учун амалий машқ

“О” товушига сўз топ ўйини

Болалар, “О” товушига сўз топ ўйинини ўйнаймиз. “О” унли товуш. Мен “О” товушини айтганимда истаганча чўзишим мумкин, чунки уни талаффуз қилаётганимда ҳеч нарса тўсиқ бўлмайди. Оғзимни кузатинг. “о-о-о”. Кузатдингизми “О” товушини талаффуз қилганимда чўзиб айтдим. Товуш тўсиққа учрамади. Демак “О” товуши унли товуш экан. Унли товушларни биз доимо қизил рангда белгилаймиз. “О” унли товушига сўз топамиз. (ou,ot, olma, olcha, Olim...) Сўзлардаги “О” товушини ўрнини аниқлаймиз

“Тез айтишни –кўп айтиш” ўйини

Энди болажонлар, тез айтишни ким кўп айта олишини синаб кўрамиз:

Оққуш кўлда сузади,

Оппок бўйнин чўзади.

Машгулот якунида барча болаларни рағбатлантириш.

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар :

Расмда қандай меҳнат турлари тасвирланган?

Болалар нима қилишяпти?

Ёз фаслида қандай боғ мевалари пишар экан?

Октябрь

1-машгулот

Мавзу: “Қувноқ тилча ҳақида эртак”

Мақсад: Болаларнинг товушларни тўғри талаффуз этишлари учун зарур бўлган артикуляция аъзоларини тўлиқ, аниқ ҳаракатга келтириш, артикуляцион машқларни эртак асосида бажартириш.

Кутилаётган натижалар:

Артикуляцион машқларни эртак асосида бажарадилар.

Керакли жихозлар:

Мавзуга мос расмлар

Машгулотнинг бориши

Тарбиячи: болалар мен сизга “Қувноқ тилча” ҳақида яна бир эртак айтиб бермоқчиман. Қувноқ тил ҳақида эртак.

Бор экан, йўқ экан, бир қувноқ тилча бўлган экан. У эрта тонгда уйғониб, эшикни очибди. Қуёшни кўриш учун аввал ўнга, сўнг чапга, пастга, юқорига қарабди (оғизни очиб тил ҳаракатлантирилади) ва эшикни беркитибди. (оғиз ёпилади) Деразани яна очибди. Кун исий бошлабди. (о’... о’...) Бирдан кун совуё бошлабди. (d...d...) Эшикни ёпибди.

Эшикни очибди. (“ппп” ва қўл ҳаракатланади) Тил ювиниш хонага кирибди. Чироқни ёқибди, (чик) сувни очибди (чик... чик... чик... бармоқлар ҳаракатланади). Иссиқ сувни бурабди (шшш). “Вой” – деб қўлни иссиқ сувдан тортиб олибди (қўрқиш ҳолати кўрсатилади). Жўмакнинг қайси тарафини бураши керак? – Ҳа, тўғри совуқ сувни бураш керак (чик... чик... чик... бармоқлар ҳаракатланади. Иссиқ сув билан совуқ сув аралашиб илиқ сув оқа бошлади (“sss”). Тиш чўтка ёрдамида тишларни ювди (машқ бажарилади). Тил тишларни яхшилаб ювди (тилни лаб устидан айлана ҳаракатлантирилади). Совуқ сувни тўхтатди (чик... чик... чик...). Иссиқ сувни ҳам тўхтатди (чик... чик... чик...). Тил ювиниш хона эшигини ёпди (“ппп”). Сўнг нонушта қилиш учун ошхонага кирди.

Ошхонада онаси қуймоқ пишираётган эди. –Ассалому алайкум ойи, - деди хурсанд бўлиб. – Мен сизни жудаям яхши кўраман - ,деди тил. – Мен ҳам сени яхши кўраман. Менга қарашиб юбор (машқ). Онаси қуймоқни пишириб, тилга берди (“Қуймоқ машқи”). Нонга мураббо қўшиб еди. (“Ширин мураббо” машқи). Стокандан сут ичди (машқ) ва онасига раҳмат айтди. – Ойижон, бир оз ўйнаб келсам майлими? деб сўради. –Ҳа борақол, фақат тушликка кечикма, -деди онаси. Тил уйнинг ён томонига ўтди. Уйнинг атрофи ёғоч панжара билан тўсилган. (“Тўсиқ” машқи) Томнинг трубакага кўзи тушди. (“Найча” машқи) Унда Қувноқ шамол яшайди. Уввв! Салом тилча! –деди шамол. Тилча югурганича отхонага кириб, севимли тойчағи олдида борди. Салом тойчоқ –деди тилча. “Иоо-иоо” хурсанд бўлди тойчоқ. Тойчоққа миниб айлангани кетишди. Тил ҳайвонот боғига келди. У ерда дўстлари: сергап куркани (бл – бл – бл машқ) қайсар хўтиқни (“иа-иа”) учратиб қолди. Дўстлар биргалашиб автомобилга ўтиришди. (“дрррр”) музқаймоқ ейишди. (тил ҳаракати машқи) пуфак пуфлашди (машқ) Ҳайвонот боғидаги фил куннинг иссиғидан хартумини сувга солиб, сув йиғди. (машқ) Тилнинг соатига назар солса, соат тўхтаб қолибди. Соатни юргатиши керак. (“чик-чик” машқи) –Вой, мени онам кутяпти-ку, -деб уйи томон югуриб кетди. Тил ҳақида шунақа гаплар. Сиз ўзингиз ҳақингизда эртак тўқий оласизми?

“Ширин мураббо” машқи

Машқнинг мақсади: тилнинг кенг қисмини юқорига ҳаракат қилдиришга ўргатиш.
Машқнинг бажарилиши: оғизни бир оз енгил очиб, тилнинг олдинги кенг қирраси билан юқориги лабни ялаш. Тил билан лабни ялаш ҳаракати бир томондан иккинчи томонга қараб эмас, балки юқоридан (юқори лабнинг ўнг томонидан чап томонга айлана шаклида ҳаракат қилдириш) пастга қараб бажарилиши керак.

“Найча” қилиш машқи

Машқнинг мақсади:

Лабни олдинга томон ҳаракат қилишини ҳосил қилиш.

Машқнинг бажарилиши:

Лабларни юмган ҳолда найчага ўхшатиб олдинга чўзиш. Шундай ҳолатда 1 дан-5 гача ёки 10 гача санаб туриш. Бу ҳаракатни бажаришда қуйидагиларга аҳамият бериши керак:

Лабни олдинга чўзганда оғиз очилмасин, тишлар жипслашган бўлсин.

Агар бола лабларини олдинга найчага ўхшатиб чўза олмаса (лаблардан 1,5-2 см узоқликда турган) конфетга лабларини чўзишни ва уни лаблари билан олишни таклиф этинг.

2-машғулот

Мавзу: “Кузда катталар меҳнати” сурати бўйича ҳикоя тузиш

Мақсад: Сурат бўйича мазмунли ҳикоя тузишга, суратдаги тасвирдан олдинги воқеаларни мустақил ўйлаб тўқишга ўргатиш

Вазифалар:

«Куз», «катталар меҳнати» мавзуларида луғатни фаоллаштириш.

Воқеа-ҳодисаларнинг муҳим белгиларини ажратишга, солиштиришга ва умумлаштиришга, уларни ифодалаш учун аниқ сўзларни танлашга ўргатиш.

Боғланишли нутқ—ҳикоя тузиш кўникмаларини шакллантириш.

Болалар луғатларини полиз, ҳосил, қизгин, сабзавотлар: карам, қовоқ, бақлажон; мевалар, кўмаклашиш каби сўзлар билан фаоллаштириш.

Кутилаётган натижалар:

Сурат бўйича мазмунли ҳикоя тузишга, суратдаги тасвирдан олдинги воқеаларни мустақил ўйлаб тўқишга ўрганадилар.

Грамматик жиҳатдан тўғри сўзлашга интилади

Керакли жихозлар:

«Кузда катталар меҳнати» мавзусида суратлар тўплами

Машғулотнинг бориши. Сурат илиб қўйилади ва мазмуни бўйича суҳбат ўтказилади.

- Суратда қайси фасл тасвирланган?
- Нима учун шундай деб ўйлайсиз?
- Расмда қандай меҳнат турлари тасвирланган?
- Болалар нима қилишяпти?

(карам, сабзи, лавлаги, қовун, тарвуз йиғимида ёрдамлашяптилар)

Болалар тасаввур қилинг, расмда сиз тасвирлангансиз. Ҳикоя қилишда икки киши бўлиб ҳикоя тузасиз. Бирингиз ҳикояни бошлайсиз, бирингиз тугатасиз.

Шу тариқа болаларнинг сурат асосида тузган ҳикоялари тингланади. Болалар ҳикоя тузишда қийналсалар тарбиячи ҳикоя намунасини беради.

Иссиқ ёздан сўнг куз фасли келди. Дала ва боғларда иш қизгин бўлади. Кузги ҳосил йиғиб- териб олинади. Барно ва Алишер ота-оналарига кузги ҳосилни йиғишда ёрдам беришяптилар. Алишер картошкаларни белкурак ёрдамида қазиб ер юзасига чиқаряпти. Барно қазилган картошкаларни қопга соляпти. Болаларнинг дадалари, амакилари билан терилган ҳосилни тракторга ортяптилар. Кузги ҳосил шаҳарликларга ўз вақтида етказиб берилади.

Тарбиячининг намуна ҳикоясидан сўнг болаларнинг тузган ҳикоялари тингланади.

Жисмоний дақиқа

Тарбиячи сўзлари	Болалар ҳаракатлари
Шамол-шамол ҳай шамол, Ҳаммадан чакқон шамол. Боимизга кел тезроқ, Пишган-пишган олма қоқ.	-қулларни тепада тебратамиз, -қўллар икки ёнга туширилиб, кетма- кет олди ва орқага ҳаракатлантирилади -қўллар тирсакдан букилиб, кафтлар айлантирилади -қўлларни тепадан пастга кафтларни силкитиб туширамиз

Саводга тайёрлаш учун амалий машқ

Болалар, мен ҳозир сизга суратлар тарқатаман. Сиз уларни диққат билан кўриб чиқинг. Расмга қараб 2-3та сўздан иборат гап тузинг.

Масалан: (Олма қизил. 1-сўз олма, 2-сўз қизил; Лимон сариқ, катта, нордон. 1-сўз лимон, 2-сўз сариқ, 3-сўз катта.)

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар :

- Суратда қайси фасл тасвирланган?
- Нима учун шундай деб ўйладингиз?
- Расмда қандай меҳнат турлари тасвирланган?
- Болалар нима қилишяпти?
- Куз фаслида қандай полиз экинлари пишар экан?

3-машғулоти

Мавзу: Расмларни номлаш (“S” товуши) ва улар иштирокида гап тузиш.

Мақсад: Расмларни номлаганда сўздаги ҳар бир товушни тўғри талаффуз қилиш.

Болаларга берилган расмлар асосида мустақил гап тузишга ўргатиш. Сўзлар гапда боғланиши ҳақида тушунчаларини мустаҳкамлаш. Сўзларни бўғинларга бўлиш.

Вазифалар:

Расмларни ифодалаш ва улар орқали гап ҳақида тушунчаларини мустаҳкамлаш, луғатни бойитиш.

Боғланишли нутқ—гап тузиш кўникмаларини шакллантириш.

Нутқнинг ифодалилигини тарбиялаш.

Гапни сўзларга бўлишга ўргатиш.

Кутилаётган натижалар:

Расмлар асосида гап тузишга ўрганадилар.

Грамматик жиҳатдан тўғри сўзлашга интилади

Керакли жиҳозлар:

Турли мавзуларда расмлар

Машғулотнинг бориши. Тарбиячи: болалар, бугун сиз билан бир қанча расмларни томоша қиламиз. Эътибор беринг ҳамма расмларда “S” товуши иштирок этаптими?

Расмларни кўрамиз, уларни номлаймиз, бўғинларга бўламиз, улар иштирокида гап тузамиз.

-Бу қандай ҳайвон? (сигир)

-Сигир сўзини бўғинга бўл.

-Мен сигир ҳақида гап туздим. “Мен сигирга самон бердим”.

-Сиз сигир ҳақида қандай гап тузган бўлар эдингиз?

(Болалар жавоблари: сигир сут беради; сигир му-му деб мўрайди; сигирнинг бузоғи бор;)

-Барақалла, болалар, ҳозир мен сизга расмлар тарқатаман. Сиз расмга қараб гап тузасиз.

Тарбиячи: - Азиз, сенда қандай расм бор, номла.

Азиз:-менда соат расми бор.

Тарбиячи:соат сўзини бўғинга бўл.

Тарбиячи: Соатнинг яхши, ёмон томонларини айт.

Тарбиячи: Соат сўзида “S” товуши сўзнинг қаерида келяпти?

Азиз: Соат сўзида “S” товуши сўзнинг бошида келяпти.

Тарбиячи: -Соат ҳақида қандай гап туздинг?

Азиз: - соат жиринглади.

Тарбиячи: тузган гапингда нечта сўз бор?

Азиз: тузган гапимда иккита

Сўз бор.

Тарбиячи: қандай сўзлар?

Азиз: - “соат”, “жиринглади”

Тарбиячи: тўғри, Азиз иккита сўздан иборат ган тузди.

Тарбиячи: Тарбиячи шу тариқа болалардан “S” товуши иштирок этган сўзлардан гап тузишларини сўрайди. Болаларнинг сўздаги товушларни тўғри талаффуз қилишларига, тузилган гапда сўзларнинг боғланишига эътибор беради. Машғулот давомида албатта жисмоний дақиқа ўтилиши лозим.

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар

-Бугун болалар, қайси товуш иштирок этган расмларни номладик ва улар ҳақида гап туздик?

-Нечта сўздан иборат гаплар туздик?

-Қайси сўзда “S” товуши сўзнинг бошида келди?

-Қайси сўзда “S” товуши сўзнинг ўртасида келди?

-Қайси сўзда “S” товуши сўзнинг охирида келди?

4-машғулот

Мавзу: Суратлар асосида ҳикоя тузиш: “Уй ҳайвонлари”

Мақсад:

Суратларнинг бири бўйича олдинги ва кейинги воқеаларни ўйлаб ҳикоя тузишга ўргатиш. Ҳикоянинг мазмунли ва тугалланган бўлишига эътибор бериш.

Вазифалар:

Сўзлашув нутқини шакллантириш. Сўзларни аниқ ва бурро айтиш.

Сўзлаётганда тўғри нафас олишни ривожлантириш. Нутқнинг ифодалилигини тарбиялаш. Отларнинг қаратқич келишигида турланишини, кўпликни ифодаловчи қўшимчани тўғри ишлатишни машқ қилиш.

Тегишли сифатларни ҳосил қилишга ўргатиш, солиштириш кўникма ва малакасини ошириш.

Кутилаётган натижалар:

Болаларнинг сўзлашув нутқи ривожланади.

Болаларда ўз фикрини нутқда мустақил ифодалаш малакалари шаклланади.

Керакли жихозлар:

Расмлар: от тойчоғи билан, сигир бузоқчаси билан, эчки улоқчаси билан, қўй кўзичоғи билан.

Машғулотнинг бориши

Тарбиячи болаларга кўринарли қилиб тўртта сурат илиб қўяди. Болаларга ҳар бир суратга ном беришни таклиф қилади.

- Болалар, эслаб кўринг-чи, ҳайвон болаларини қандай атаймиз? Отнинг битта боласи (тойчоқ), кўпи (тойчоқлар). Сигирнинг битта боласи (бузоқ), кўпи (бузоқлар), эчкининг боласи (улоқча), кўпи (улоқчалар). Қўйнинг боласи (кўзичоқ), кўпи (кўзичоқлар).

Буларнинг ҳаммасини қандай ҳайвонлар деб аташимиз мумкин? (Уй ҳайвонлари). Яна қандай уй ҳайвонларини биласиз? (ит, мушук). Итнинг боласи нима деб аталади?

(кучукча). Битта кучукча: кўпи (кучукчалар). Тарбиячи:

- Болалар, ҳозир мен ҳайвонларнинг болаларини кўрсатаман. Сизлар уларнинг номларини айтиб, уларни онаси қайси эканлигини айтасиз деб, кучуклар расмини кўрсатади. Болалар: “Булар кучукчалар, уларнинг онаси ит. Булар мушукчалар, уларнинг онаси мушук; Булар кўзичоқлар, уларнинг онаси кўй; Булар тойчоқлар, уларнинг онаси от” кабилар. Тарбиячи болалар диққатини бузоққа қаратади. Бузоқнинг оёқлари узун бўлса, бир сўз билан нима деб аташ мумкин? (Узуноёқ).

Итнинг ранги ола-була бўлса, нима деб аташ мумкин? (Олапар). Агар унинг кўзлари катта бўлса-чи? (олакўз, катта кўз), От билан тойчоқни солиштиринг. От қандай? Тойчоқ қандай? (от катта, тойчоқ кичкина; сигир шохли, бузоқ шохсиз).

Тетиклаштирувчи машқ

“Ҳайвонлар” ўйини

Бу ўйин куйидагича олиб борилади. Тарбиячи болаларни ярим доира шаклида туриб олишларини сўрайди. Болаларнинг қулоқларига беш хил уй ҳайвонларининг номини кетма-кет айтиб чиқади. Ҳайвонларнинг номлари ҳар учта болага бир хил айтилади. Болалар ўзларига мансуб бўлган турдаги шерикларини излайдилар. Бунда ҳамма ўзича овоз билан бир-бирини чорлаши керак. (м-н ба-а, ба-а, му-му ва ҳоказо) ва бир хил “ҳайвонлар” бир-бирини топиб оладилар.

Ўйиндан сўнг тарбиячи болаларга ҳоҳлаган бир сурат бўйича ҳикоя тузишни таклиф этади.

Аввал ҳайвонларнинг болалари билан қандай ҳодиса юз берганлиги, кейин нима билан тугалланганлиги ҳақида ҳикоя тузасизлар, деб тушунтиради. Болалар, ҳикоя қизиқарли, қисқа ва тугалланган бўлиш шарт. Бошқа болаларга ўртоқларининг ҳикоялари мазмунли ва тўғри тузилганлигини назорат қилиб бориш топширилади. (3-4 боладан сўралади). Агар бирор бола ҳикояни тугаллашга қийналса, тарбиячи бошқа болалардан ҳикояни қизиқарли тугатишни таклиф қилади. Бунда ҳикояни бошлаш ёки тугаллаш намунасини бериш, йўналтирувчи саволлар бериш билан ёрдамлашиш мумкин.

Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ

Болалар, “А” товушига сўз топ ўйинини ўйнаймиз. “А” товуши ҳам унли товуш экан. Мен “А” товушини айтганимда истаганча чўзишим мумкин, чунки уни талаффуз қилаётганимда ҳеч нарса тўсиқ бўлмайди. Оғзимни кузатинг. “а-а-а”. Кузатдингизми “А” товушини талаффуз қилганимда чўзиб айтдим. Товуш тўсиққа учрамади. Демак “А” товуши унли товуш экан. Унли товушларни биз доимо қизил рангда белгилаймиз. Яна қандай товушни чўзиб талаффуз қиламиз? (“О”) Нечта унли товушларни ўргандик? (2та: “О”, “А”)

“А” товушига сўз топ ўйини

(ayiq, asal, anor, Aziza....) Сўзлардаги “А” товушини ўрнини аниқлаш

“Тез айтишни –кўп айтиш” ўйини

Энди болажонлар, тез айтишни ким кўп айта олишини синаб кўрамиз:

Айиқ асал ялади,

Асалари талади.

Машгулот якунида барча болаларни рағбатлантириш.

5-машгулот

Мавзу: “Санобар” ҳикоясини қайта ҳикоя қилишга ўргатиш

Мақсад: Қайта ҳикоя қилишни ўргатаётганда болалар диққатини, айниқса, ҳикоянинг бошланиши, хулоса қисмига, ҳикоялардаги икки қаҳрамоннинг ўзаро нутқи кабиларга қаратиш.

Вазифалар:

Боғланган нутқни ривожлантириш. Сўзлаётганда тўғри нафас олишни ривожлантириш. Жумлаларда “S” товушини тўғри талаффуз этиш устида болалар билан машқ қилиш. “S” товушини тўғри талаффуз этилишини кузатиш. Овоз кучини паст-баланд қилиб ўзгартира олишни шакллантириш, оҳанг воситаларидан тўғри фойдаланишга ўргатиш.

Кутилаётган натижалар:

Болаларнинг боғланган нутқи ривожланади.

Болалар оҳанг воситаларидан тўғри фойдаланишни ўрганадилар.

Керакли жиҳозлар:

Мавзу бўйича расм

Машғулотнинг бориши

Тарбиячи: болалар, сиз уйда онангизга ёрдам берасизми? Қандай ёрдам берасиз? Ҳозир мен сизга Санобар исмли қизчанинг онасига берган ёрдами ҳақида ҳикоя ўқиб бераман. Диққат билан эшитинг.

Тарбиячи болаларга ҳикояни ўқиб беради ва мазмуни бўйича савол-жавоб ўтказди.

1. Санобарнинг онаси нима учун қизидан хурсанд бўлди?
2. Санобар ойисига қандай ёрдам берди?
3. Санобарнинг ойиси супургини сақлаш ҳақида нималар деди?
4. Санобар ҳамма ишларини тамомлаб бўлиб, кимга қаради?
5. Ҳикояни ким қайта ҳикоя қилиб беради?

Тарбиячи ҳикояни яна бир марта ифодали қилиб ўқиб беради. Сўнгра беш-олти бола қайта ҳикоя қилади

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар

Санобар қандай юмушларни бажарди?

Санобар ойисига қандай ёрдам берди?

“Санобар” ҳикояси

Онаси Санобарнинг ҳовлига сув сепаётганини кўриб қувониб кетди.

Менинг ширин, меҳрибон қизим! Ишимни енгиллаштирдинг, мен энди овқат пиширай деди. Санобар ҳовлига сув сепиб бўлиб, онасидан сўради.

-Ойижон, супурги қани?

-Тол тагида турибди. Ҳовлини супуриб бўлганингдан кейин супургини офтобга ташлаб қўйма, қуриб қолиб кейин супираётганингда синиб кетади, - деди онаси.

Санобар ичида: “Ойим жуда ақллилар-да, ҳамма нарсани биладилар”, деб ўйлади ва онасига ўхшагиси келиб кетди. Кейин ариқ бўйидаги ранг-баранг гулларга сув қуйди. Санобар ҳамма ишларни тамомлаб бўлиб, укаси Салимни кўтариб кўчага чиқди. Овқат пишгунча укасини ўйнатиб юрди. Санобар уйда онасига ана шундай ёрдамлашади.

6-машғулот

Мавзу: Нутқда тўғри нафас олиш ва нафас чиқаришни ривожлантириш

“Қайиқчани сувда суздир” ўйини кенгайтириш керак

Ўйиннинг мақсади: “Қайиқчани сувда суздир” ўйини орқали ҳар бир болада бир нафас чиқаришда бир қанча товушни талаффуз этиш қобилиятини ривожлантириш.

Методик кўрсатма: болалар “F” товушини талаффуз этишаётганда лунжларини шиширмасликлари керак. Болаларга “P” товушини бир нафас чиқаришда икки –уч марта талаффуз эттириш. Бу ҳаракатларни болалар қандай бажараётганликларини тарбиячи доимо кузатиб бориши керак.

Ўйинга тайёргарлик: тарбиячи тоғорада сув ва қоғоздан ясалган қайиқчаларни тайёрлаб қўяди.

Машғулот учун материал: “Қайиқчани сувда суздир” ўйини.

Ўйиннинг бориши: Болалар катта доира ҳосил қилиб ўтирадилар. Ўртада кичкина стол устида сув тўлдириб қўйилган тоғора бўлади. Тарбиячи қайси болалани чақирса, шу бола чиқиб, стулчага ўтириб олиб сувнинг ичидаги қайиқчани пуфлайди. Пуфлаганда “F” ёки “P” товушини талаффуз этади. Ўйинни такрорлаганда қайиқчани маълум бир белгиланган жойгача пуфлаб олиб бориши керак. Тарбиячи болаларга қайиқчага ўтириб, бир шаҳардан иккинчи шаҳарга сузиб боришни таклиф этади. Бунинг учун тарбиячи тоғоранинг чеккаларига байроқчалар қўйиб қўяди. Бу байроқчалар шаҳарчаларни билдириб туради. Қайиқчани лабларни найчага ўхшатиб олдинга чиқариб пуфлаш ҳам

мумкин, лекин лунж шишмаслиги керак. Мана, кучли шамол эса бошлади, дейиш билан бола “P-P- P- P”, деб пуфлайди. Ўйин шу тариқа давом этади.

7-машғулот.

Мавзу: Шахсий таассуротлар бўйича ҳикоя тузиш: “Бизнинг ўйинчоқларимиз”

Мақсад:

Шахсий ҳаётлари асосида ўйинчоқнинг ташқи кўринишини таърифлашга, улар билан қандай ўйнаш кераклиги ҳақида гапириб беришга ўргатиш.

Вазифалар:

Сўзлашув нутқини шакллантириш. Сўзларни аниқ ва бурро айтиш.

Сўзлаётганда тўғри нафас олишни ривожлантириш. Нутқнинг ифодалилигини тарбиялаш. “S-Z” товуши устида ишлаш. “S” товушига сўз топиш. Жумлаларини қаттиқ, пичирлаб айтишни машқ қилиш.

Кутилаётган натижалар:

Болаларнинг сўзлашув нутқи ривожланади.

Болаларда ўз фикрини нутқда мустақил ифодалаш малакалари шаклланади. “S-Z” товуши тўғри талаффуз этиш, “S” товушига сўз топиш, жумлаларни қаттиқ, пичирлаб айтиш малакалари мустаҳкамланади.

Керакли жиҳозлар:

Ўйинчоқлар: машина, сигир, бузоқ, зебра, сичқон.

Машғулотнинг бориши.

Тарбиячи: “Болажонлар, қаранглар, бизнинг гуруҳимизда ўйинчоқлар, жуда кўп. Улар ҳар хил. Санжар, сизнинг ёқтирган ўйинчоғингиз қайси? Бизга кўрсатинг?” (Санжар машинани кўрсатади).

Санжар, Сиз бу ўйинчоқ ҳақида гапириб беринг. Унинг номи нима? Нималари бор?

Нимадан ясалган? Машина яхшими, ёмонми? Сабабини тушинтиринг. У билан қандай ўйнаш мумкин? (Болалар сўзлайдилар. Шу тариқа бошқа ўйинчоқлар ҳам кўриб чиқиладди ва 3-4 боладан сўралади).

Тарбиячи: Энди уйингиздаги ёқтирган ўйинчоғингиз ҳақида гапириб беринг. Ёқтирган ўйинчоғингиз ҳақида шундай гапириб беришингиз керакки, ўйинчоғингизни кўрмаган болалар ўйинчоғингизни кўргандек бўлишлари, у билан қандай ўйнаш кераклигини тушуниб олишлари керак (Агар болалар таърифлашда қийналсалар, тарбиячи намуна беради. Ўйинчоқни кўрсатиб, таърифлаб беради).

Бармоқлар машқи

Тарбиячи шеърни ўқиб туради. Болалар ҳаракатни бажарадилар.

Мушукча

Д. Икромов

Мушукман эпчил, чакқон,

Мендан кутилмас сичқон.

Беринг менга сут, қаймоқ,

Бўламиз қалин ўртоқ.

Қаймоқ қолмагандир-ов,

Эҳ! Афсус, миёв-миёв.



Кўрсаткич ва

Ўрта, номсиз ва бош бармоқ бирлаштирилади. жимжилоқ бармоқлар юқорига кўтарилади.

“Овоз оҳанггини топ” ўйини

Стул устида сигир, бузоқ, эчки, қўй, сичқон. Мен ўйинчоқни кўрсатаман, сиз товушларини аниқроқ талаффуз қилиб айтасиз.

Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ

“Тез айтишни –кўп айтиш” ўйини

Соатсоз соатни созлади.

Тез айтишни, қаттиқ, секин ва пичирлаб айттириш

“S” товушига “Сўз топинг” ўйини.(soat, savat, sabzi...) “S” товушининг ўрнини аниқлашни машқ қилиш.

Машғулот якунида барча болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантириш.

8-машғулот

Мавзу: Асарни қайта ҳикоя қилиш.А. Авланий. «Қуён ва типратикан» масали.

Мақсад: Бадиий асарни қайта ҳикоя қилиш малакасини ўстириш. Асарни мазмунли, мантикий изчилликда ҳикоя қилишга ўргатиш.

Вазифалар:

Грамматик жиҳатдан тўғри жумлалар тузиб баён қилишга ўргатиш.Овоз кучининг паст-баланд қилиб ўзгартира олишни шакллантириш, оҳанг воситаларидан тўғри фойдаланишга ўргатиш.

Кутилаётган натижалар:

Болалар асарни қайта ҳикоя қилиб беришга ўрганадилар. Грамматик жиҳатдан тўғри жумлалар тузиб баён қилиш, оҳанг воситаларидан тўғри фойдаланишга ўрганадилар.

Керакли жиҳозлар:

Мавзуга оид расмлар

Машғулотнинг бориши

Тарбиячи: Қандай ёввойи ҳайвонларни биласиз?

- Болажонлар, булар қандай ҳайвонлар? (Қуён ва типратикан)Кунлардан бир куни қуён билан типратикан суҳбатлашиб қолишибди. Улар нима ҳақида суҳбатлашганликларини ҳозир мен сизларга ўқиб бераман. (Тарбиячи ривоятни ифодали қилиб ўқиб беради).

Ривоят бўйича саволлар беради:

1. Қуён типратиканга нима деди?
2. Типратикон қуёнга нима деб жавоб берибди?
3. Нима учун типратикан “бу тиканларим, мени ит ва бўриларнинг ўткир тишидан сақлайди”, деб жавоб берибди? Сиз бу жавобни қандай тушундингиз? Типратиканнинг жавоби тўғрими?
4. Қуён типратиканга берган саволидан уялиб қолдимиз? Сиз нима деб ўйлайсиз? Нима учун?

Тарбиячи ривоятни яна бир марта ифодали қилиб ўқиб беради.

«Қуён ва типратикан»

Оппоқ ва юнглари сип-силлиқ қуёнча типратиканга қараб:

- Оғайнижон, кийиминг жуда ҳам ҳунук ва тиканли-я!-деди.

- Тўғри, рост гапни айтдинг. Бироқ бу тиканларим, мени ит ва бўриларнинг ўткир тишидан сақлайди. Сенинг оппоққина юмшоққина тўнинг ҳам шундай хизмат қиладими?- деди типратикан.

Қуён жавоб бермай, хўрсиниб кўйди.

Сўнгра беш-олти бола ҳикоя қилади. Асарни қисмларга бўлиб ҳикоя қилдириш мумкин.

Тетиклаштирувчи машқ

Тарбиячи	Болалар ҳаракатлари
Биз кетма-кет турамыз, Далаларга чиқамиз. Мана бундай, мана бундай Биз доира турамыз. Ана қаранг қуёнча, Ухлаб қолибди пича. Мана бундай, мана бундай Ухлаб қолибди пича. Сурнай чалиб барчамиз,	-қўл ушлашиб доира бўйлаб айланадилар; - қуёнча қандай ухлашини кўрсатадилар - «сурнай» чалишни имитация қилишади

куённи уйғотамиз. Ту – ту - ру, ту – ту, Куённи уйғотамиз. Уйғонмаган куёнвой, Чаламиз ноғорани. Бум–бум, така– тум, Чаламиз ноғорани. Эринмасдан куёнвой, Уйқудан турақолгин. Бизлар билан даврага, Келиб қўшилақолгин.	- «дўмбира» чалишни имитация қилишади - ўртага йиғилиб, «куёнчани» қўлларидан ушлаб турғизишади - «куёнча» сакрайди, болалар чапак чалади
--	--

Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ

“Куён” расмига икки сўздан иборат гап тузинг(мақтанчоқ куён)

“Типратикан” расмига уч сўздан иборат гап тузинг(Типратикан бўридан қўрқмайди) шу тариха бир неча расмга гап туздирши мумкин.

Гап тузишга болалар қийналсалар, тарбиячи ёрдам беради.

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар :

1. «Куён ва типратикан» масали нима ҳақида экан?
2. Куён типратиканга нима деди?
2. Типратикан куёнга нима деб жавоб берибди?
3. Куён типратиканга берган саволидан уялиб қолдимми?

Ноябрь

1-машғул

Мавзу: Жамоа ҳаётидан ҳикоя тузиш: “Бизнинг жонли бурчагимиз”

Мақсад:

Ҳикоя учун қизиқарли мазмун танлаш малакасини ўстириш. Табиат бурчагидаги ҳайвонлар ҳақида шахсий таассуротлар бўйича сўзлаб бериш.

Вазифалар:

Боғланган нутқни ривожлантириш.Сўзлаётганда тўғри нафас олишни ривожлантириш.Жумлаларни, товушларини аниқ айтиш, овоз оҳангини тўғри қўллаш. “N” товушини аниқ айтишни машқ қилиш.Сўзларни қаттиқ ва секин айтишга ўргатиш.

Кутилаётган натижалар:

Болаларнинг боғланган нутқи ривожланади.

Болалар жумлаларни, товушларини аниқ айтишни, овоз оҳангини тўғри қўллашни ўрганадилар.

Керакли жиҳозлар:

Табиат бурчагидаги ҳайвонлар: тошбақа, типратикан, куён ва бошқалар.

Машғулнинг бориши

Тарбиячи: Бугун биз табиат бурчагидаги ҳайвонлар ҳақида суҳбатлашамиз.

Тарбиячи болалар билан табиат бурчагидаги ҳайвонларни кузатади ва сўрайди: Ўйлаб кўринг-чи, сиз қайси ҳайвон ҳақида ҳикоя тузишни истасиз? (типратикан, тошбақа).

Балки уйингизда куён, қўй, кучук бордир. Сиз уларни қандай парвариш қиласиз? Қандай боқасиз? Шулар ҳақида гапириб беришингиз мумкин (3-4 боланинг жавоблари).

Тарбиячи: Сиз турли ҳайвонлар ҳақида қизиқарли ҳикоя туздингиз.

Бармоқлар машқи

Тарбиячи шеърни ўқиб туради. Болалар ҳаракатни бажарадилар.

Ғоз
Беш бармоқ бўлса бирга
Ўхшар худди ғозларга,
Ғозлар ғозни кўрганда,
Дейишади ға-ға, сиз қайга?



Тирсакни тик тутиб, кафт бармоқлари тўғри бурчак шаклида
букилади. Кўрсаткич бармоқ бош бармоққа тегиб туради. Бармоқлар жипс ёпишган.
Ҳайвонлар ҳақида шеър биласизми? Ким айтади?

Куён	И. Муслим	Типратикан	Д. Икромов
Ҳай, куён, оппоқ куён, Кел, мен билан ўйнагин. Чопқиллаб у ён- бу ён, Боғчамизда қувнагин. Ётсиратма ўзингни, Боғда яйраб, даминг ол! Сенга очай кўксимни Қуёнжон кел, кела қол!		Чопоним тикан-тикан Боғда олма бормикин Териб олай устимга Олиб борай дўстимга Дўстим хурсанд бўлади, Менинг кўнглим тўлади.	

Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ

Болалар, “N” товушига сўз топ ўйинини ўйнаймиз. “N” товуши ундош товуш. Мен “N” товушини айтганимда истаганча чўзиб айта олмайман.

Оғзимни кузатинг “N”. Бунда тилим қаерга тегяпти? (Юқори тиш ва милкка). Ана шулар “N” товушини чўзиб айтишимга тўсқинлик қилди. Товушлар тўсикка учраса, қисқа айтилса ундош товуш дейилади. “N” товуши қисқа айтилди, тўсикка учради. Шунинг учун “N” товушини ундош товуш деб номлаймиз.

Болажонлар, энди “Тез айтишни, кўп айтиш” ўйинини ўйнаймиз.

Ниначи ҳой ниначи,

Ноғарага ўйначи.

Тарбиячи “N” товушининг сўз бошида келган расмларни (нок, ноғара, най) кўрсатади.

Болалар тарбиячи билан биргаликда расмларни номлайдилар.

Машғулот якунида барча болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантириш.

2-машғулот

Мавзу: “Z” товушини талаффуз қилиш

Мақсад:

“Z” товушининг тўғри талаффузини мустаҳкамлаш.

Вазифалар:

“Z” товушининг ўрнини аниқлаш: сўз боши, ўртаси ва охирида келишини айтиш, сўзларни бўғинларга ажратиш, “Z” товушини эшитиб фарқлашга ўргатиш, “Z” товушли сўзлар билан болалар нутқини бойитиш.

Кутилаётган натижалар:

“Z” товушининг ундош товуш эканлигини, унинг сўз боши, ўртаси ва охирида келишини билиб оладилар.

“Z” товушли сўзлар айта оладилар.

Керакли жихозлар:

“Z” товуши бор суратлар

“Бўғинлардан сўз тузинг» таълимий ўйин учун материаллар

Машғулотнинг бориши:

Тарбиячи: бугун болалар “Z” товуши ҳақида суҳбатлашамиз.

“Z” ундош товуш. Товушни эшитамиз, талаффуз қиламиз. Дикқат билан эшитинг Z товушини талаффуз қилганимда чапак чаласиз.

- “Z”, “s”, “r”, “l”, “Z”, “a”, “s”, “o”, “u”, “Z”, “sh”, “s”, “Z”

- “Z” товушига оид сўзлар топишга ҳаракат қиламиз: zar, zina, zag’cha, Zuhra, uzuk, g’oz (болалар қийналсалар расм кўрсатиш мумкун)

- Айтилган сўзлардаги Z товушини ўрнини аниқлаймиз.

Мен айтаман, сиз аниқлайсиз: Zina Мен шу сўзни қайта айтаман, сиз биринчи товушни айтасиз: z-z-z-i-na, Демак, zina сўзида “z” товуши сўзнинг бошида келяпти; мен бошқа сўзни айтаман, сиз “Z” товушини ўрнини аниқланг: u-z-z-zuk, демак, uzuk сўзида “Z” товуши сўзнинг ўртасида келяпти. Мен бошқа сўз айтаман дикқат билан эшитинг: g’oz демак, g’oz сўзида “Z” товуши сўзнинг охирида келяпти.

Энди ўзингиз мустақил “Z” товуши иштирок этган сўзларни топинг ва ўрнини аниқлашга ҳаракат қилинг. Болалар айтган сўзларини чапак чалиш орқали бўғинларга бўлади.

Тетиклаштирувчи машқ

Болалар билан “Чивинлар” ўйини ўйналади.

Тарбиячи болалар билан “Z” товуши иштирок этган бўғинларни талаффуз қилади. Тарбиячи zo, zi, za, zu, zo’ бўғинларини талаффуз қилиб, болаларга ўзи намуна кўрсатади. Болалар тарбиячи кетидан хўр бўлиб айтади. Сўнг якка-якка айттирилади.

ZA- ZA- ZA

Z U- Z U- Z U

ZO- ZO- ZO

Z I- ZI- ZI

Неча марта қарсак овозини эшитсангиз, шунча ZA бўғинини талаффуз қилинг

“Сўзларни тўлдириг” ўйини

To-----

Ter-----miz

Va ----- za

Qir----- miz

G’o’ -----

Qi----- miz

Амалий машқ

“Расмларни номланг” машқи

Болаларга олдиларидаги расмларни номлаш ва “Z” товушини тўғри талаффуз қилиш, сўзни бўғинга бўлиш каби топшириқлар берилади. Болалар сўзда неча бўғин бўлса, шунча марта чапак чалади.

“Гапни тугатинг”

Болалар расмга қараб 3 товуши иштирок этган сўзлардан иборат гапларни тугатишлари керак.

Мен узум.....

Қушлар-бизнинг

Биз тинчлик қўшиғини.....

Машғулотга фаол қатнашган болалар раҳбатлантирилади.

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар :

- Бугун қайси товуш билан танишдик?

-У қандай товуш экан?

-Бу товушни нима қиламиз?

- Биз товушларни нима учун ўрганамиз?"

- “Z” товуши иштирок этган сўзларни айтинг.

-Қайси транспортнинг номида “Z” товуши бор? (камаз, расм асосида)

-Қайси ҳўл меванинг номида “Z” товуши бор? (узум)

-Қайси ҳайвоннинг номида “Z” товуши бор? (зебра)

-Қайси қушнинг номида “Z” товуши бор? (зағча)

3-машғулот

Мавзу: “Шер билан сичқон” масалини қайта ҳикоя қилишга ўргатиш

Мақсад: Асарни кетма-кет ва аниқ қайта сўзлаб беришга ўргатиш.

Вазифалар:

Масал мазмунини тушунишга ўргатиш. Ўз нутқларида содда, ёйиқ гапларнинг турли хилларидан фойдаланиш.

Овоз кучининг паст-баландлигини ўзгартиришни шакллантириш.

Кутилаётган натижалар:

Болалар асарни қайта ҳикоя қилиб беришга ўрганадилар

Ўз нутқларида содда, ёйиқ гапларнинг турли хилларидан фойдаланишга ўрганадилар.

Керакли жиҳозлар:

Мавзуга оид расмлар

Машғулотнинг бориши. Болалар яхшилик қилиш деганини қандай тушунасиз? Кимга яхшилик қилгансиз ёки аксинча сизга яхшилик қилишганми? Қайси эртақларда ким-кимга яхшилик қилганини эслайсиз? Ҳозир мен сизга сичқоннинг шерга қилган яхшилиги ҳақида масал ўқиб бераман. Агар яхшилаб эшитсангиз яхшилик қилиш албатта яхши натижа беришини, сизга ҳам яхшилик қайтишини билиб оласиз. (Тарбиячи масални ифодали қилиб ўқиб беради).

«Шер билан сичқон».

Оқ кўнгилли шер бир куни сичқонга яхшилик қилган эди. Орадан бир неча кунлар ўтиб, шер тасодифан тузоққа тушиб қолди. Шернинг яхшилигини сичқон эсдан чиқармаган эди. У ўткир тишлари билан тузоқни қирқиб, ўз нажоткорини қутқарди.

Масал бўйича саволлар:

1. Шер нима қилган эди?
2. Сичқон шерни нима учун қутқарди?

Тарбиячи масални яна бир бор ўқиб беради, сўнгра 5-6 болалар ҳикояларини эшитади.

Тетиклаштирувчи машқ**IV. Нафас олиш машқлари ва «Учрашишди» бармоқлар гимнастикаси**

Тарбиячи сўзлари	Бармоқлар ҳаракатлари
Икки мушук учрашса, Сўзлашади «миёв-миёв» Сичқончалар учрашса, Саломлашар «чи-чи»; То'да тойчоқлар кишнашар; Кўзичоқлар маърашар; Бузоқчалар онасин «мў-мў»лашиб излашар.	- галма-гал ўнг ва чап қўл бармоқларини бирлаштириш; - Ҳар бир тактга бармоқлар галма-гал бош бармоқ билан бирлашади - Ўнг ва чап қўл бармоқлари «кулф» бўлиб жипслашади; -шохлари кўрсаткич ва кичкина бармоқ билан кўрсатилади

Болалар, мен ҳозиргина ўқиб берилган масалга мос мақол айтаман. Эшитинг.

1. Яхшилик қилсанг- яхшилик кўрасан.

Айтган мақолим ҳозирги масалга тўғри келадими? Демак биз яхшилик ҳақида яна бир мақол ўргандик. (Тарбиячи мақолга мос сурат кўрсатиб, мақолни муҳокама қилади).

Тарбиячи ўргатилган мақолни паст, баланд овозда айттириб машғулотни якунлайди.

Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ

Болалар, “L” товушига сўз топ ўйинини ўйнаймиз. “L” товуши ундош товуш. Мен “L” товушини айтганимда истаганча чўзиб айта олмайман.

Оғзимни кузатинг “L”. Бунда тилим қаерга тегяпти? (Юқори тиш ва милкка). Ана шулар “L” товушини чўзиб айтишимга тўсқинлик қилди. Товушлар тўсикка учраса, қисқа айтилса ундош товуш дейилади. “L” товуши қисқа айтилди, тўсикка учради. Биз яна қандай ундош товушларни ўрганганмиз? (“N”)

Шунинг учун “L” товушини ундош товуш деб номлаймиз.

Болажонлар, энди “Тез айтишни, кўп айтиш” ўйинини ўйнаймиз.

Лайлак келса тулқивой,

Ликобчада берар чой.

Тарбиячи “L” товушининг сўз бошида келган расмларни (Лайлак, лола, лаган, лавлаги) келган расмларни кўрсатади. Болалар тарбиячи билан биргаликда расмларни номлайдилар.

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар :

1. Сиз кимга яхшилик қилгансиз?

2. Яхшилик ҳақида мақол айтинг.

4-машғулот

Мавзу: Расмларни номлаш (“Z” товуши) ва улар иштирокида гап тузиш

Мақсад: Расмларни номлаганда сўздаги ҳар бир товушни тўғри талаффуз қилиш.

Болаларга берилган расмлар асосида мустақил гап тузишга ўргатиш. Сўзлар гапда боғланиши ҳақида тушунчаларини мустаҳкамлаш. Сўзларни бўғинларга бўлиш.

Вазифалар:

Расмлар орқали гап ҳақида тушунчаларини мустаҳкамлаш, луғатни фаоллаштириш.

Боғланишли нутқ—гап тузиш кўникмаларини шакллантириш.

Нутқнинг ифодалилигини тарбиялаш.

Гапни сўзларга бўлишга ўргатиш.

Кутилаётган натижалар:

Расмлар асосида гап тузишга ўрганадилар.

Грамматик жиҳатдан тўғри сўзлашга интилади

Керакли жиҳозлар:

Турли мавзуларда расмлар

Машғулотнинг бориши. Тарбиячи: Бугун болалар, сиз билан “Z” товуши иштирок этган расмларни кўрамиз, улар ҳақида гап тузамиз.

-Бу қандай парранда? (ғоз)

-Мен ғоз ҳақида гап туздим. “Зумрад ғозларга дон берди”.

-Сиз ғоз ҳақида қандай гап тузган бўлар эдингиз?

(Болалар жавоблари: ғоз “Ғо-Ғо-Ғо” деб овоз чиқаради; ғознинг палопонлари бор; ғоз сувни яхши кўради)

-Баракалла, болалар, ҳозир мен сизга расмлар таркатаман. Сиз расмга қараб гап тузасиз.

Тарбиячи: - Нодир, сенда қандай расм бор, номла.

Нодир:-менда узум расми бор.

Тарбиячи: узум сўзида “Z” товуши сўзнинг қаерида келяпти?

Азиз: узум сўзида “Z” товуши сўзнинг бошида келяпти.

Тарбиячи: узум сўзини бўғинга бўл.

Азиз: у-зум

Тарбиячи:- у-зум сўзи неча бўғин экан?

Азиз: у-зум сўзи икки бўғин экан

Тарбиячи:- узум ҳақида қандай гап туздинг?

Азиз: - узум пишди.

Тарбиячи: тузган гапингда нечта сўз бор?

Азиз:-иккита

Тарбиячи: -қандай сўзлар?

Азиз: - “узум”, “пишди”

Тарбиячи: -тўғри, Азиз иккита сўздан иборат гап тузди. Узум пишди. Гапда узум биринчи сўз, пишди иккинчи сўз.

Тарбиячи шу тариқа болалардан “Z” товуши иштирок этган сўзлардан гап тузишларини сўрайди. Болаларнинг сўздаги товушларни тўғри талаффуз қилишларига, тузилган гапда сўзларнинг боғланишига эътибор беради. Машғулот давомида албатта жисмоний дақиқа ўтилиши лозим.

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар

-Нечта сўздан иборат гаплар туздик?

-Қайси сўзда “Z” товуши сўзнинг бошида келди?

-Қайси сўзда “Z” товуши сўзнинг ўртасида келди?

-Қайси сўзда “Z” товуши сўзнинг охирида келди?

5-машғулот

Мавзу: Шахсий ҳаётдан ҳикоя тузиш:

“Бизнинг оила”

Мақсад:

Тарбиячининг намунаси асосида шахсий ҳаётда бўлган воқеаларни ҳикоя қилиб, сўзлаб беришга ўргатиш.

Вазифалар:

Болаларнинг сўзлашув нутқини ривожлантириш. Сўзлаётганда тўғри нафас олишни ривожлантириш. Товушларни сўзларда аниқ айтиш.

Гапирганда сўзларни бир-бирига боғлаб, жумлалар тузишга ўргатиш. Ундош товушлар ҳақидаги тушунчаларини мустаҳкамлаш.

Кутилаётган натижалар:

Болаларнинг сўзлашув нутқи ривожланади.

Болаларнинг сўзларни бир-бирига боғлаб, жумлалар тузиш малакаси мустаҳкамланади.

Унли ва ундош товушлар ҳақида тушунчага эга бўладилар.

Керакли жиҳозлар:

“Оила” ўйини учун керакли жиҳозлар

Машғулотнинг бориши

Тарбиячи: Болажонлар, бугун ҳаммамиз, ўз оиламиз ҳақида гапириб беришни ўрганамиз.

1. Оилангизда нечта киши бор?

2. Сиз уйингизда кимлар билан яшайсиз?

3. Оилангиздагилар нима иш қилишади?

4. Улар ким бўлиб ишлайдилар?

5. Сиз уй ишларида қандай ёрдам берасиз?

Тарбиячи: Мана, оилангиз ҳақида ҳам суҳбатлашиб олдик. Энди “Бизнинг оила” мавзусида ҳикоя тузамиз.

Тарбиячи намуна ҳикоясини бериши мумкин: Оиламизда тўрт киши бор. Отам, онам, акам ва мен. Отам муҳандис. Онам боғчада тарбиячи. Акам мактабда ўқийди. Мен боғчага бораман. Мен акам билан уй ишларида онамга ёрдамлашамиз: чанг артамиз, гулларга сув қуямиз. Оёқ кийимларни тартибга соламиз, тахлаб қўямиз.

(5-6 нафар бола жавоби).

Бармоқлар машқи

Тарбиячи шеърни ўқиб туради. Болалар ҳаракатни бажарадилар.


Бармоқлар саломлашадилар

Салом деймиз ҳаммага

Тоға, хола, аммага.

Ҳатто қўшни ҳовлида

Юрган товук холага.



Ўнг қўл бош бармоғининг учи навбатма-навбат аввал кўрсаткич, сўнггра ўрта, номсиз бармоқ ва жимжилоқ учларига теккизилади

“Оила” ўйини

Тарбиячи: Болажонлар, энди оила ўйинини ўйнаймиз. Бу ўйинда кимнинг ролини бажаришни хоҳлайсиз? (Болалар ўз хоҳишларига билан ролларни танлашади, тарбиячи ўйин мазмунини ривожлантириш бўйича маслаҳатлар бериб туради).

Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ

Болалар, “М” товушига сўз топ ўйинини ўйнаймиз. “М” товуши ундош товуш. Мен “М” товушини айтганимда истаганча чўзиб айта олмайман.

Оғзимни кузатинг “М”. Бунда лаблар кучсиз бирлашади. Товушлар тўсиққа учрайди, қисқа айтилади, шунинг учун ундош товуш дейилади. “М” товуши қисқа айтилди, тўсиққа учради. Биз яна қандай ундош товушларни ўрганганмиз? (“N”, “L”)

Болажонлар, энди “Тез айтишни, кўп айтиш” ўйинини ўйнаймиз.

Мушук нима ялайсан,

Музқаймоққа қалайсан?

Тарбиячи “М” товушининг сўз бошида келган расмларни (Мушук, маймун, машина) кўрсатади. Болалар тарбиячи билан биргаликда расмларни номлайдилар.

Машғулот якунида барча болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантириш.

6-машғулот

Мавзу: “Sh” товушини тўғри талаффуз қилиш

Мақсад: “Sh” товушининг тўғри талаффузини мустаҳкамлаш.

Вазифалар:

“Sh” товушининг ўрнини аниқлаш: сўз боши, ўртаси ва охирида келишини айтиш, сўзларни бўғинларга ажратиш, “Sh” товушини эшитиб фарқлашга ўргатиш, “Sh” товушли сўзлар билан болалар нутқини бойитиш.

“Sh” товушининг ундош товуш экани ҳақида тушунча бериш

Кутилаётган натижалар:

“Sh” товушининг ундош товуш эканлигини, унинг сўз боши, ўртаси ва охирида келишини билиб оладилар.

“Sh” товушли сўзлар айта оладилар.

Керакли жиҳозлар:

“Sh” товуши бор суратлар

“Бўғинлардан сўз тузинг» таълимий ўйин учун материаллар

Машғулотнинг бориши:

Тарбиячи: бугун болалар “Sh” товуши ҳақида суҳбатлашамиз. “Sh” ундош товуш. Товушни эшитамиз, талаффуз қиламиз. Диққат билан эшитинг **Sh** товушини талаффуз қилганимда чапак чаласиз.

- “Sh”, “s”, “ch”, “sh”, “Sh”, “r”, “l”, “Sh”, “a”, “s”, “o”, “u”, “Sh”, “sh”, “s”, “Sh”

- “Sh” товушига оид сўзлар топишга ҳаракат қиламиз: шар, шапка, шам, калиш, беш, куёш, қамиш, тиш (болалар қийналсалар расм кўрсатиш мумкин)

- Айтилган сўзлардаги “Sh” товушини ўрнини аниқлаймиз.

Мен айтаман, сиз аниқлайсиз: sham Мен шу сўзни қайта айтаман, сиз биринчи товушни айтасиз: sh-sh-sham. Демак, sham сўзида sh товуши сўзнинг бошида келяпти; мен бошқа сўзни айтаман, сиз “Sh” товушини ўрнини аниқланг: qo-shiq, демак, qo-shiq сўзида sh товуши сўзнинг ўртасида келяпти. Энди ўзингиз мустақил “Sh” товуши иштирок этган сўзларни топинг ва ўрнини аниқлашга ҳаракат қилинг. (қошиқ, эшак, калиш, беш, куёш, қамиш, тиш) Болалар айтган сўзларини чапак чалиш орқали бўғинларга бўладилар.

Тетиклаштирувчи машқ

Болалар билан “Ўрмон шовуллайди” ўйини ўйналади.

Тарбиячи болаларга шамол эсганда дарахт шохлари тебраниб “шшш...” деб шовуллашини айтиб ўтади ва болаларга қўлларини дарахтнинг шохчаларига ўхшаб юқорига кўтаришларини ва шамол эсганда дарахтларнинг шовуллашига ўхшаб “шшш...” деб овоз чиқаришларини сўрайди.

Тарбиячи болалар билан “Sh” товуши иштирок этган бўғинларни талаффуз қиладилар.

Тарбиячи sho, shi, sha, shu, sho’ бўғинларини талаффуз қилиб, болаларга ўзи намуна кўрсатади. Болалар тарбиячи кетидан хўр бўлиб айтадилар. Сўнг якка-якка айттирилади.

Sha - Sha - Sha

Shu Shu - Shu

Sha - Sha - Sha

Shu - Shu - Shu

Неча марта қарсак овозини эшитсангиз, шунча Sha бўғинини талаффуз қилинг
Шу тартибда sho, shi, sho' бўғинлари талаффуз этилади.

“Сўзларни тўлдириш” ўйини

Қо-шиқ, қа-лиш, қу-ёш, қа-миш....

Амалий машқ

“Расмларни номланг” машқи

Болаларга олдиларидаги расмларни номлаш ва “Sh” товушини тўғри талаффуз қилиш,
сўзни бўғинга бўлиш каби топшириқлар берилади. Болалар сўзда неча бўғин бўлса,
шунча марта чапак чаладилар.

“Гапни тугатинг”

Болалар расмга қараб “Sh” товуши иштирок этган сўзлардан иборат гапларни
тугатишлари керак.

Шокир шашка

Шавкат машинада

Шухрат гижжак

Машғулотга фаол қатнашган болалар раҳбатлантирилади.

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар :

- Бугун қайси товуш билан танишдик?
- У қандай товуш экан?
- Товушни нима қиламиз?
- Биз товушларни нима учун ўрганамиз?"
- “Sh” товуши иштирок этган сўзларни айтинг.
- Қайси ўйинчоқнинг номида “**Sh**” товуши бор? (шиқилдоқ)
- Қайси дарахтнинг номида “**Sh**” товуши бор? (шотут,шафтоли)
- Қайси жиҳознинг номида “**Sh**” товуши бор? (шкаф)
- Қайси ҳайвоннинг номида “**Sh**” товуши бор? (шер)

7-машғулот

Мавзу: “Тулки билан турна” ўзбек халқ эртаги асосида қайта ҳикоя қилишга ўргатиш

Мақсад:

Қайта ҳикоя қилиш малакасини ўстириш.

Вазифалар:

Болаларнинг боғланган нутқини ривожлантириш.Сўзлаётганда тўғри нафас олишни
ривожлантириш.Товушларни сўзларда аниқ айтиш.Мустақил сўз топиб айтишга,
айтилиши бўйича ўхшаш ва турлича сўзларни айтиш.

Асар воқеаларини сўзлаётганда хилма-хил овоз оҳанги турини: сўроқ, ҳайратланиш
кабиларни қўллай олиш, жумла тузиш малакаларини такомиллаштириш.

Кутилаётган натижалар:

Болаларнинг боғланган нутқи ривожланади.

Болалар асар воқеаларни сўзлаётганда хилма-хил овоз оҳанги турини: сўроқ,
ҳайратланиш кабиларни қўллай олишни, жумла тузишни ўрганадилар.

Керакли жиҳозлар:

“Тулки билан турна” ўзбек халқ эртаги асосида сурат

Машғулотнинг бориши

Тарбиячи: Болалар, мана бу сурат қайси эртактан? Бугун шу эртактан гапириб беришни
ўрганамиз. Сиз диққат билан эшитинг, мен ўқиб бераман.

Асар бўйича саволлар:

1. Эртақ қандай бошланади?

2. Кимлар бирга яшай бошлашди?
 3. Турна овқат излаб кетганда тулки нима қилибди?
 4. Тулки турнанинг боласи йўқолганини кимга тўнкабди?
 5. Тулкига турна нима таклиф қилди?
 6. Турна тулкини қандай жазолади?
- Тарбиячи савол-жавобдан сўнг болалардан эртакни қайта ҳикоя қилиб беришни сўрайди? (3-4 боланинг жавоблари).

Тетиклаштирувчи машқ

Турналар каби учамиз.

Болалар табиячининг “арқон бўлиб учинглар”, “учбурчак бўлиб учинглар” деган топшириқлари асосида ҳаракат қиладилар.

Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ

“Турли сўзларни эслаймиз” ўйини

Тарбиячи: Болалар, ҳозир биз “Турли сўзларни эслаймиз” ўйинини ўйнаймиз. Тарбиячи болаларга ўйин қондасини тушунтиради. Болалар доира бўлиб турадилар. Ҳар бир бола бирор сўзни эсига тушириши ва уни ёнидаги болага айтиши (яъни узатиши) керак, кейинги бола ҳам уни ёнидаги болага айтади ва шундай қилиб ҳамма болалар навбат билан биттадан сўз айтишлари керак. (Айтилган сўзни такрорлаш мумкин эмас). Машқни икки маротаба такрорлаш мумкин. Узатиладиган сўзнинг мавзусини тарбиячи айтиши мумкин. Масалан: Турна эртакда қандай тасвирланган? У ҳақида нима дейиш мумкин? Болалар бир-бирларига (айёр, очкўз, хиёнатчи, ёлғончи, алдоқчи) сўзларини узатишлари мумкин. Тарбиячи ҳамма болалар ҳар хил сўз айтишларини, уларни аниқ, бурро ва баланд овозда айтишларини назорат қилиб туради. Баъзи болаларга сўзни такрорлашни ва ҳаммага эшиттириб талаффуз қилишни таклиф этади. Ким сўзни тез айта олмаса ёки айтилган сўзни такрорласа доирадан чиқади.

Машғулот якунида барча болаларни рағбатлантириш.

8-машғулот

Мавзу: “Нон иси” ривоятини қайта ҳикоя қилишга ўргатиш

Мақсад:

Қайта ҳикоя қилиш малакасини ўстириш.

Вазифалар:

Болаларнинг боғланган нутқини ривожлантириш. Сўзлаётганда тўғри нафас олишни ривожлантириш. Товушларни сўзларда аниқ айтиш.

Кутилаётган натижалар:

Болаларнинг боғланган нутқи ривожланади.

Болалар асар воқеаларни сўзлаётганда хилма-хил овоз оҳанги турини: сўрок, ҳайратланиш кабиларни қўллай олишни, жумла тузишни ўрганадилар.

Керакли жиҳозлар:

“Нон иси” ривояти асосида сурат

Машғулотнинг бориши

Тарбиячи: Болалар, Алишер Навоий бобомиз одамларга доимо яхшилик қилганлар, одамлардан ёрдамини аямайдиган, меҳрибон, адолатли инсон бўлганлар.

Бугун мен Алишер Навоий бобомиз ҳақидаги “Нон иси” ривоятини ўқиб бераман. Диққат билан эшитинг, бу ривоятни қайта ҳикоя қилиб берасизлар.

Тарбиячи болаларга ривоятни ифодали қилиб ўқиб беради.

Нон иси

(Ривоят)

Бир куни Хусайн Бойқоро:

-Дунёдаги энг хушбой нарсани келтиринг,-деб қолибди. Унга кучоқ-кучоқ гул келтиришибди. Султон:

-Йўқ,-дебди.

Вазирлар нима қилишни билмай, ўйлавериб бошлари қотибди. Охири тополмасдан Алишер Навоийга мурожаат қилишибди.

Навоий бир сават нон билан саройга етиб борибди. Бир зумда саройни нон иси тутибди.

-Раҳмат, дўстим, -дебди Хусайн Бойқоро нонни кўриб, янги ёпилган нон исини истаётган эдим, топиб келибсиз.

Тарбиячи ривоят бўйича савол-жавоб ўтказди:

1. Хусайн Бойқоро нима келтиришни буюрди?
2. Вазирлар кимга мурожаат қилишди?
3. Алишер Навоий саройга нима олиб борди?

Савол-жавобдан сўнг, ривоят яна бир бор ўқиб берилади ва 5-6 та боладан қайта ҳикоя қилиб бериш сўралади.

Тетиклаштирувчи машқ (Ихтиёрий)

Тарбиячи: болалар, ривоятга хулоса қилиб, “Кексалик-донишмандлик” экан деб ривоят ҳақидаги фикримни яқунламоқчиман. Айтилган мақол, ҳикоя қилинган ривоятга мос келадими? (болалар жавоби)

Тарбиячи: мана кўрдингизми, болалар биз нима учун Алишер Навоий бобомизни одамларга доимо яхшилик қилганлар, одамлардан ёрдамларини аямайдиган меҳрибон инсон бўлганлар деймиз. Ўзларини доно маслаҳатлари билан вазирларга ёрдам бердилар, дўсти Хусайн Бойқоронинг кўнглини хушнуд қилдилар.

Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ

Болалар, ҳозир “О” товушига сўз топ ўйинини ўйнаймиз. “О” товуши ҳам унли товуш экан. Мен “О” товушини айтганимда истаганча чўзишим мумкин, чунки уни талаффуз қилаётганимда ҳеч нарса тўсиқ бўлмайди. Оғзимни кузатинг. “о’-о’-о’”. Кузатдингизми “О” товушини талаффуз қилганимда чўзиб айтдим. Товуш тўсиққа учрамади. Демак “О” товуши унли товуш экан. Унли товушларни биз доимо қизил рангда белгилаймиз. Нечта унли товушларни ўргандик? (4та: “О”, “А”, “У”, “О”)

“О” товушига сўз топ ўйини

(ўрик, ўтин, ўрмон...) Сўзлардаги “О” товушини ўрнини аниқлаш

“Тез айтишни –кўп айтиш” ўйини

Энди болажонлар, тез айтишни ким кўп айта олишини синаб кўрамиз:

Ўргимчак, ҳой ўргимчак,

Тўкишни ўргат жиндак.

Машғулот якунида барча болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантириш.

Декабрь

1-машғулот

Мавзу: “Қиш” мавзусида тасвирий ҳикоя тузишга ўргатиш

Мақсад:

Воқеани тасвирлашда содда ва ёйиқ гапларни қўллашга ўргатиш.

Вазифалар:

Боғланган нутқни ривожлантириш. Сўзлаётганда тўғри нафас олишни ривожлантириш.

Жумлаларни, товушларни аниқ айтиш, овоз оҳангини тўғри қўллаш. “N” товушини тўғри талаффуз қилиш устида ишлаш.

Кутилаётган натижалар:

Болаларнинг боғланган нутқи ривожланади.

Болалар жумлаларни, товушларини аниқ айтишни, овоз оҳангини тўғри қўллашни ўрганадилар. “N” товушини тўғри талаффуз қилиш малакаси ҳосил бўлади.

Керакли жиҳозлар:

Сурат: “Қиш манзараси”

Машғулотнинг бориши

Тарбиячи: Болалар, ҳозир қандай фасл?

Бугун биз қиш ҳақида ҳикоя тузамиз

Қиш фаслида қандай ўзгаришлар бўлади?

Қиш фасли бошқа фасллардан нималар билан фарқ қилади? (совуқ бўлади, қор ёғади).

Қишда дарахтларда қандай ўзгаришлар бўлади?(улар дам олишади, қорга беланади).

Қишда ҳайвонлар, қушлар қандай яшашади?

Қишловчи қушлар қордан қўрқмайдилар, лекин қаҳратон совуқда кийналишади. Уларга

ёрдам бериш керак. Қиш фасли ҳақида қандай сўзлар айтиш мумкин? Қиш қандай?

(қорли, совуқ, аёзли). Қор ҳақида нима дейиш мумкин: У қандай? (Тарбиячи болаларнинг жавобларини умумлаштириб, қиш ҳақида ҳикоя тузишни таклиф этади).

Ҳикоя тузганингизда қиш офтоби ҳақида гапиринг, у ҳақида нима дейиш мумкин? Об-ҳаво қандайлиги ҳақида гапиринг. Ҳикоя тузганингизда ҳозир ишлатилган сўзлардан фойдаланишингиз мумкин (5-6 та болалар ҳикояси тингланади).

Тарбиячи: Биз бугун қиш ҳақида (совуқ, аёзли, қорли), қор ҳақида (момик, оппоқ)

гаплашиб олдик. Энди диққат билан эшитиб туринг. Мен нима ҳақида гапирар эканман: қиш ҳақидами, қор ҳақидами? Ким топса, керакли сўзни айтади.

1. Осмондан момик, оппоқ (қор) тушяпти.

2. Мен қор ҳақида нима дедим (оппоқ, момик).

Тетиклаштирувчи машқ

“Қўлларимизни иситамиз” ўйини

Тарбиячи: Ким қиш ҳақида шеър билади?

Қишда

Н. Орифжонов

Роса маза қиш, Қорлари – кумуш. Оқ кийган атроф, Қиш ҳавоси соф. Конки учамиз	Ҳеч чарчамай биз. Гоҳо қорбўрон Ўйнаб, ким чаққон- Билиб оламиз, Қойил қоламиз
---	--

Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ

Болалар, ҳозир “Е” товушига сўз топ ўйинини ўйнаймиз. “Е” товуши ҳам унли товуш экан. Мен “Е” товушини айтганимда истаганча чўзишим мумкин, чунки уни талаффуз қилаётганимда ҳеч нарса тўсиқ бўлмайди. Оғзимни кузатинг. “е-е-е”. Кузатдингизми “Е” товушини талаффуз қилганимда чўзиб айтдим.Товуш тўсиққа учрамади. Демак “Е” товуши унли товуш экан. Унли товушларни биз доимо қизил рангда белгилаймиз. Нечта унли товушларни ўргандик? (6та: “О”, “Т”, “А” “У”, “О”, “Е”)

“Е” товушига сўз топ ўйини

(eshak, echki, etik, elak...) Сўзлардаги “Е” товушини ўрнини аниқлаш

“Тез айтишни –кўп айтиш” ўйини

Энди болажонлар, тез айтишни ким кўп айта олишини синаб кўрамиз:

Эчки кетма узокқа,

Эгри сўқмоқ тузоқ-да

Машғулот якунида барча болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантириш.

2-машғулот

Мавзу: “Терак билан Мажнунтол” ривояти асосида асарни қайта ҳикоя қилишга ўргатиш

Мақсад:

Бадий асарни қайта ҳикоя қилиш малакасини ошириш.

Вазифалар:

Боғланган нутқни ривожлантириш.Сўзлаётганда тўғри нафас олишни

ривожлантириш.Феълларга синоним сўзлар топиш.Овоз кучини паст-баланд қилиб

ўзгартира олишни шакллантириш, оҳанг воситаларидан тўғри фойдаланишга ўргатиш.

Кутилаётган натижалар:

Болаларнинг боғланган нутқи ривожланади.

Болалар оҳанг воситаларидан тўғри фойдаланишни ўрганадилар.

Керакли жиҳозлар:

Мажнунтол ва терак дарахтларининг сурати

Қоғоз варағи ва рангли қаламлар

Машғулотнинг бориши

Тарбиячи: Қандай дарахтларни биласиз?

Мевали дарахтларга қайси дарахтлар киради?

Мевасиз дарахтларнинг қандай фойдаси бор?

Тарбиячи терак ва мажнунтол дарахтларининг суратини доскага илади.

- Болажонлар, булар қандай дарахтлар? (Мажнунтол ва терак). Кунлардан бир куни терак билан мажнунтол суҳбатлашиб қолишибди. Улар нима ҳақида суҳбатлашганликларини ҳозир мен сизларга ўкиб бераман. (Тарбиячи ривоятни ифодали қилиб ўкиб беради).

Ривоят бўйича саволлар беради:

1. Терак мажнунтолга нима деди?
2. “Савлатим” деганда нимани тушунасиз?
3. Мажнунтол нима деб жавоб берди?
4. “Кибрҳаво билан осмонга интиласиз” деганини қандай тушунасиз?

5. Терак мажнунтолга қандай оҳангда гапирди? Ким айтиб беради?

6. Мажнунтол теракка қандай оҳангда гапирди? Ким айтиб беради?

Тарбиячи ривоятни яна бир марта ифодали қилиб ўкиб беради. Сўнгра беш-олти бола ҳикоя қилади. Асарни қисмларга бўлиб ҳикоя қилдириш мумкин.


Бармоқлар машқи

Тарбиячи шеърни ўкиб туради. Болалар ҳаракатни бажарадилар.

Дарахтлар

Салом, эй , яшил ўрмон,

Сен эртақларга макон!



Чап ва ўнг қўллар кафт бармоқларни кенг очган қаратиб кўтарилади.

ҳолда ўзига

Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ

“Олма” расмига икки сўздан иборат гап тузинг(қизил олма)

“Терак” расмига уч сўздан иборат гап тузинг(Терак мевасиз дарахт)

Тарбиячи шу тариқа бир неча расмга гап туздиретиши мумкин.

Гап тузишга болалар қийналсалар, тарбиячи ёрдам беради.

Билимларни мустаҳкамлаш учун ўйин “Сеҳрли ўрмон” ўйини (Бу ўйинни тарбиячи машғулот якунида ёки машғулотдан ташқари фаолиятларда ўйнатиши мумкин)

Бу ўйинда ҳар бир болага қоғоз варағи ва рангли қаламлар берилади. Варақда дарахтларнинг (мажнунтол ва терак) схематик тасвири ва тугалланмаган бир нечта тасвир бўлади. Болаларга “Мажнунтол ва терак” ривояти асосида расмни тугатиш ва ҳикоя қилиб бериш таклиф қилинади.

(Сайрда болаларга терак ва мажнунтол дарахтларини кўрсатиш ва ривоят бўйича саволлар бериш мумкин).

Машғулот якунида барча болаларни рағбатлантириш.

3-машғулот

Мавзу: Ижодий ҳикоя тузиш: “Танланган ўйинчоқлар бўйича ҳикоя тузиш”

Мақсад:

Ўйинчоқлардан фойдаланган ҳолда мазмунли ҳикоя тузишга ўргатиш.

Вазифалар:

Болаларнинг сўзлашув нутқини ривожлантириш. Товушларни сўзларда аниқ айтиш. Болаларни “b-p” товушларини эшитиб фарқлашга ўргатиш. Бу товушларни алоҳида ва сўзларда аниқ, тўғри талаффузини аниқлаш ва мустаҳкамлаш.

Кутилаётган натижалар:

Болаларнинг сўзлашув нутқи ривожланади.

Болалар 2-3 сўздан иборат гапни мустақил ўйлаб тузишни ўрганадилар.

Керакли жиҳозлар:

Ўйинчоқлар: кўғирчоқ, қуёнча, жўжа, товук, хўроз, жўжа, тухум суратлари ёпиштирилган куб

Машғулотнинг бориши.

Тарбиячи болалар диққатини стол устидаги ўйинчоқларга қаратади. Ҳар бир ўйинчоқ ҳақида саволлар беради: кўғирчоқ қандай? (ташқи кўриниши тасвирланади). Товук қандай? Жўжа қандай? Ҳозир мана шу ўйинчоқлардан фойдаланиб (кўғирчоқ ҳақида) ҳикоя тузасиз. Бошида қизча (кўғирчоқ) қайерга борганлиги, нималарни учратганлиги, кейин нималар бўлганлиги ҳақида ҳикоя қиласиз. Ҳикоя қилаётганингизда ўша ўйинчоқларни қўлингизга олиб, улар ҳақида нима ўйлаётганлигингизни айтасиз.

Агар болалар ҳикоя тузишга қийналсалар, тарбиячи ёрдам беради. Масалан: Қизча бувисиникига меҳмонга борди. Бувисининг ховлисида ўйнаб юрган эди, бирдан товук жўжалари билан юрганини кўриб қолди. Сарик жўжача қизчага ёқиб қолди. Кейин уни кўтариб, силаб, эркалади. Жўжача ҳам эркаланиб “Чи- чи” деб чийиллади. Кечқурун қизча уйига кетаётганида бувиси сарик жўжачани унга совға қилди. Қизча уйига хурсанд бўлиб келди ва жўжачани парвариш қила бошлади (2-3 бола ҳикоя қилгандан сўнг уларнинг ҳикоялари баҳоланади).

Бармоқлар машқи

Тарбиячи шеърни ўқиб туради. Болалар ҳаракатни бажарадилар.


Қуёнча

Дикир-дикир сакрайди

Узун қулоқ қуёнча.

Маҳкам ушлаб қўлида

Сабзисини қуёнча.



Бармоқлар тугилади. Кўрсаткич ҳамда қимирлатилади.

ўрта бармоқ кў тарилиб у ён-бу ён

“Кублар” усулида грамматик машқ

Бунда кубнинг тўрт томонини ишлатиш мумкин. Кубнинг бир томонида жўжа, бошқа томонларида товук, хўроз, тухум суратлари бор.

Тарбиячи бу усулдан фикрлаш учун ҳар хил ёрдамчи саволлар бериш билан фойдаланади.

Бу нима?

Ранги қандай?

Жўжа ҳақида нима дейиш мумкин?

Жўжа боқиш яхшими? Сабабини айтинг.

Жўжа ҳақида шеър биласизми?

Шу тариқа кубнинг бошқа томонларидаги суратлар ҳам таҳлил қилинади.

Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ

Болалар, “В” товушига сўз топ ўйинини ўйнаймиз. “В” товуши ундош товуш. Мен “В” товушини айтганимда истаганча чўзиб айта олмайман.

Оғзимни кузатинг “В”. Товушлар тўсиққа учраса, қисқа айтилса ундош товуш дейилади.

“В” товуши қисқа айтилди, тўсиққа учради. Биз яна қандай ундош товушларни ўрганганмиз? (“N”, “L”, “Sh”...)

Болажонлар, энди “Тез айтишни, кўп айтиш” ўйинини ўйнаймиз.

Балиқ дейди эй бақа,

Берайми сенга чақа.

Тарбиячи “В” товушининг сўз бошида келган расмларни (Балиқ, бўри, банан, болта...) келган расмларни кўрсатади. Болалар тарбиячи билан биргаликда расмларни номлайдилар.

Машғулот якунида барча болаларни рағбатлантириш.

4-машғулот

Мавзу: Расмларни номлаш (“Sh”товуши) ва улар иштирокида гап тузиш

Мақсад: Расмларни номлаганда сўздаги ҳар бир товушни тўғри талаффуз қилиш.

Болаларга берилган расмлар асосида мустақил гап тузишни ўргатиш. Сўзлар гапда боғланиши ҳақида тушунчаларини мустаҳкамлаш. Сўзларни бўғинларга бўлиш.

Вазифалар:

Расмлар орқали гап ҳақида тушунчаларини мустаҳкамлаш, луғатни фаоллаштириш.

Боғланишли нутқ—гап тузиш кўникмаларини шакллантириш.

Нутқнинг ифодалилигини тарбиялаш.

Гапни сўзларга бўлишга ўргатиш.

Кутилаётган натижалар:

Расмлар асосида гап тузишга ўрганадилар.

Грамматик жиҳатдан тўғри сўзлашга интилади

Керакли жиҳозлар:

Турли мавзуларда расмлар

Машғулотнинг бориши. Тарбиячи: Бугун болалар, сиз билан “Sh” товуши иштирок этган расмларни кўрамиз, улар ҳақида гап тузамиз.

-Бу қандай сабзовот? (шолғом)

-Мен шолғом ҳақида гап туздим. “Шолғом катта бўлиб ўсди”.

-Сиз шолғом ҳақида қандай гап тузган бўлар эдингиз?

(Болалар жавоблари: Бобо шолғомни тортолмади. Шолғом шўрва ичдик. Шолғом шўрва мазали)

-Баракалла, болалар, ҳозир мен сизга расмлар таркатаман. Сиз расмга қараб гап тузасиз.

Тарбиячи: - Шоира, сенда қандай расм бор, номла.

Шоира:-менда шар расми бор.

Тарбиячи: шар сўзида “Sh” товуши сўзнинг қаерида келяпти?

Шоира: шар сўзида “Sh” товуши сўзнинг бошида келяпти.

Тарбиячи: шар сўзини бўғинга бўл.

Шоира: шар

Тарбиячи:- шар сўзи неча бўғин экан?

Шоира: шар сўзи бир бўғин экан

Тарбиячи:- шар ҳақида қандай гап туздинг?

Шоира: - Қизил шар .

Тарбиячи: тузган гапингда нечта сўз бор?

Шоира з:-иккита

Тарбиячи: -қандай сўзлар?

Шоира: - “қизил”, “шар”

Тарбиячи: -тўғри, Шоира икки сўздан иборат гап тузди. Қизил шар. Гапда қизил биринчи сўз, шар иккинчи сўз.

Тарбиячи шу тариқа болалардан “Sh” товуши иштирок этган сўзлардан гап тузишларини сўрайди. Болаларнинг сўздаги товушларни тўғри талаффуз қилишларига, тузилган гапда сўзларнинг боғланишига эътибор беради. Машғулот давомида албатта жисмоний дақиқа ўтилиши лозим.

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар

- Бугун болалар, қайси товуш иштирок этган расмларни номладик ва улар ҳақида гап туздик?
- Нечта сўздан иборат гаплар туздик?
- Қайси сўзда “Sh” товуши сўзнинг бошида келди?
- Қайси сўзда “Sh” товуши сўзнинг ўртасида келди?
- Қайси сўзда “Sh” товуши сўзнинг охирида келди?

5-машғулот

Мавзу: Шахсий ҳаётдан ҳикоя тузиш: “Дам олиш кун”

Мақсад:

Тарбиячи таклиф этган мавзу бўйича болаларнинг шахсий тажрибалари асосида мантиқий ривожланиб боровчи ҳикоя тузиш қобилиятларини ривожлантириш.

Вазифалар:

Болаларнинг боғланган нутқини ривожлантириш. Сўзлаётганда тўғри нафас олишни ривожлантириш. Товушларни сўзларда аниқ айтиш. Болаларни мазмунли суратлар билан ўйин жараёнида тўлиқ жумлалар тузишларига эришиш.

Кутилаётган натижалар:

Болаларнинг боғланган нутқи ривожланади.

Болалар мантиқий ривожланиб боровчи ҳикоя тузишни ўрганадилар.

Керакли жиҳозлар:

Кун тартибидаги меҳнат фаолиятини ва бошқа жараёнларни ифодаловчи суратлар “Оила” ўйинига керакли жиҳозлар

Машғулотнинг бориши

Тарбиячи:

1. Кеча қандай кун эди?
2. Дам олиш кунингиз яхши ўтдимиз?

Келинлар, ҳозир дам олиш кунингиз қандай ўтганлиги тўғрисида ҳикоя тузамиз. Ҳикоя тузишдан аввал кичкина суҳбат ўтказиб оламиз:

1. Кеча қандай кун эди?
2. Об-ҳаво қандай эди?
3. Сиз қандай ўйинлар ўйнадингиз?
4. Ота-онангиз нима ишлар қилишди?
5. Қаерга бордингиз?
6. Уй ишларига ёрдамлашдингизми?

Савол-жавобдан сўнг тарбиячи болаларга ҳикоя тузишни таклиф этади (3-4 бола ҳикоялари тингланади).

Тарбиячи болалар билан серияли, мазмунли суратлар билан ишлайди.

Бунда болалар кун тартибидаги меҳнат фаолиятини ва бошқа жараёнларни изчилликда айтиб беришлари керак.

Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ

Болалар, “V” товушига сўз топ ўйинини ўйнаймиз. “V” товуши ундош товуш. Мен “V” товушини айтганимда истаганча чўзиб айта олмайман.

Оғзимни кузатинг “V”. Товушлар тўсиққа учраса, қисқа айтилса ундош товуш дейилади. “V” товуши қисқа айтилди, тўсиққа учради. Биз яна қандай ундош товушларни ўрганганмиз? (“N”, “L”, “Sh” “B”...)

Болажонлар, энди “Тез айтишни, кўп айтиш” ўйинини ўйнаймиз.

Вали варрак учирди,

Ва хо-холаб кулди.

Тарбиячи “V” товушининг сўз бошида келган расмларни (Ватан, вагон, варрак, ванна..) келган расмларни кўрсатади. Болалар тарбиячи билан биргаликда расмларни номлайдилар.

Тарбиячи машғулот якунида барча болаларни рағбатлантиради.

6-машғулот

**Мавзу: Тўлқин Расуловнинг “Шафтоли” ҳикоясини қайта ҳикоя қилиш.
Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ**

Мақсад:

Бадий асарни қайта ҳикоя қилиш малакасини ошириш.

Вазифалар:

Боғланган нуткни ривожлантириш. Сўзлаётганда тўғри нафас олишни ривожлантириш.

“S”, “Sh” товушларини аниқ талаффуз этишларини машқ қилдириш.

Кутилаётган натижалар:

Болаларнинг боғланган нутқи ривожланади. “S”, “Sh” товушларини аниқ талаффуз этишларига эришилади.

Керакли жиҳозлар:

Мавзу бўйича расмлар

Машғулотнинг бориши

Тарбиячи: Болажонлар, бугун мен сизга Қобил деган боланинг ёлғон сўзлаб, уялиб қолгани ҳақидаги ҳикояни ўқиб бераман. Бу ҳикояни Тўлқин Расулов ёзган. Диққат билан эшитинг.

“Шафтоли”

Зайнаб опа бозордан олиб келган шафтолини стол устида турган вазага солди-да, бир иш билан қўшнисининг уйига чиқиб кетди. Қобил кўчадан келиб, вазадаги шафтолини кўрди-ю, уни егиси келиб кетди ва битта олиб оғзига солди. Жуда ширин экан! У вазадаги шафтолидан яна уч дона олиб, куйлагининг ичига яширди. Кейин югуриб кўчага чиқиб кетди. Орадан бир оз вақт ўтгач, Зайнаб опа қўшнисиникидан қайтиб чиқди. Уйда Нодир билан Қодир ўтирган эди. Зайнаб опа вазанинг четида турган шафтоли данагини кўриб, Нодир билан Қодирга қаради:

-Шафтолини олиб едингларми?-деб сўради.

-Йўқ, текканимиз йўқ, биз ҳозир кўчадан келдик, - деди Нодир билан Қодир.

Шу пайт Қобил кўчадан кириб келди.

-Ойи, ойижон,-деб Зайнаб опанинг олдида яқинлашди Қобил.

-Мана бу еримни бир нарса талаяпти, қаранг...

Қобил куйлагини кўтариб, ойисига қорнини кўрсатди. Зайнаб опа тикилиб қарар экан, Қобилнинг қорнида, кўкракларида шафтоли тукларини кўриб қолди.

-Вазадаги шафтолини олдингми?- деди Зайнаб опа унинг кўзларига қараб.

-Йўқ,- деди Қобил.

-Шафтолини сўрамай олганинг, мана шунақа ёлғон гапирганинг учун шафтолининг туклари сени талаяпти, -деди Зайнаб опа.

-Энди нима қиласан?

Шафтолидан олган эдим, ойижон, энди ҳеч ёлғон гапирмайман, деб яқинлашди Қобил.- Мана бу еримни бир нарса таламасин,-деди кўрқиб кетган Қобил. Зайнаб опа, Нодир билан Қодир кулиб юборишди. Қобил эса ўзини тута олмай йиғлаб юборди.

Ҳикоя бўйича саволлар:

1. Зайнаб опа бозордан нима олиб келган эди?
2. Вазадан шафтолини ким олиб еди?
3. Зайнаб опа Нодир билан Қодирдан нима деб сўради?
4. Шафтолини ким еган эди?
5. Қобил нима учун кечирим сўради?

Тарбиячи ҳикояни яна бир марта ифодали қилиб ўқиб беради. Сўнгра беш-олти бола қайта ҳикоя қилади.

Жисмоний дақиқа (**Ихтиёрий**)

Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ

Болалар, “Q” товушига сўз топ ўйинини ўйнаймиз. “Q” товуши ундош товуш. Мен “Q” товушини айтганимда истаганча чўзиб айта олмайман.
Оғзимни кузатинг “Q”. Товушлар тўсиққа учраса, қисқа айтилса ундош товуш дейилади. “Q” товуши қисқа айтилди, тўсиққа учради. Биз яна қандай ундош товушларни ўрганганмиз? (“N”, “L”, “Sh” “B”, “V”...)

Болажонлар, энди “Тез айтишни, кўп айтиш” ўйинини ўйнаймиз.

Қара қора қарға қорда қақиллайди.

Тарбиячи “Q” товушининг сўз бошида келган расмларни (қарға, қўлқоп, қайчи...) кўрсатади. Болалар тарбиячи билан биргаликда расмларни номлайдилар.

Тарбиячи машғулот якунида барча болаларни рағбатлантиради.

7-машғулот

Мавзу: “Т” товушини талаффуз қилиш

Мақсад:

“Т” товушининг тўғри талаффузини мустаҳкамлаш.

Вазифалар:

“Т” товушини ўрнини аниқлаш: сўз боши, ўртаси ва охирида келишини айтиш, сўзларни бўғинларга ажратиш, “Т” товушини эшитиб фарқлашга ўргатиш, “Т” товушли сўзлар билан болалар нутқини бойитиш.

Кутилаётган натижалар:

“Т” товушининг ундош товуш эканлигини, унинг сўз боши, ўртаси ва охирида келишини билиб оладилар.

“Т” товушли сўзларни айта оладилар.

Керакли жихозлар:

“Т” товуши бор суратлар

«Бўғинлардан сўз тузинг» таълимий ўйин учун материаллар

Машғулотнинг бориши:

Тарбиячи: бугун болалар “Т” товуши ҳақида суҳбатлашамиз.

“Т” ундош товуш. Товушни эштамиз, талаффуз қиламиз. Дикқат билан эшитинг “Т” товушини талаффуз қилганимда чапак чаласиз.

- “Т”, “s”, “ch”, “d”, “Т”, “d”, “l”, “Т”, “a”, “s”, “d”, “u”, “Т”, “sh”, “d”, “s”, “Т”

“Т” товушига оид сўзлар топишга ҳаракат қиламиз: tom, tovuq, tulki, ot, it, ota. (болалар кийналсалар расм кўрсатиш мумкун)

- Айтилган сўзлардаги “Т” товушини ўрнини аниқлаймиз.

Мен айтаман, сиз аниқлайсиз: tom Мен шу сўзни қайта айтаман, сиз биринчи товушни айтасиз: t-t-tom. Демак, tom сўзида “t” товуши сўзнинг бошида келяпти; мен бошқа сўзни айтаман, сиз “Т” товушини ўрнини аниқланг: ot, демак, ot сўзида “t” товуши сўзнинг охирида келяпти. Энди ўзингиз мустақил “Т” товуши иштирок этган сўзларни топинг ва ўрнини аниқлашга ҳаракат қилинг. Болалар айтган сўзларини чапак чалиш орқали бўғинларга бўлади.

Тетиклаштирувчи машқ

Болалар билан “Отлар” ўйини ўйналади.

Тарбиячи болалар билан “Т” товуши иштирок этган бўғинларни талаффуз қиладилар.

Тарбиячи to, ti, ta, tu, to’ бўғинларини талаффуз қилиб, болаларга ўзи намуна кўрсатади. Болалар тарбиячи кетидан хўр бўлиб айтадилар. Сўнг якка-якка айттирилади.

ta - ta - ta, to - to - to, tu-tu - tu, ti - ti - ti

Неча марта қарсак овозини эшитсангиз, шунча ta бўғинини талаффуз қилинг

Шу тартибда to, ti, to’ бўғинлари талаффуз этилади.

Амалий машқ

“Расмларни номланг” машқи

Болаларга олдиларидаги расмларни номлаш ва “Т” товушини тўғри талаффуз қилиш, сўзни бўғинга бўлиш каби топшириқлар берилади. Болалар сўзда неча бўғин бўлса, шунча марта чапак чаладилар.

Машғулотга фаол қатнашган болалар раҳбатлантирилади.

“Гапни тугатинг”

Болалар расмга қараб “Т” товуши иштирок этган сўзлардан иборат гапларни тугатишлари керак.

Ана митти(мушук)

Турғун тўти(тутди)

Тўлқин тиллакўнғиз(тутди)

Машғулотга фаол қатнашган болалар раҳбатлантирилади.

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар :

- Бугун қайси товуш билан танишдик?
- У қандай товуш экан?
- Бу товушни нима қиламиз?
- Биз товушларни нима учун ўрганамиз?"
- “Т” товуши иштирок этган сўзларни айтинг.
- Қайси парранданинг номида “Т” товуши бор? (товук)
- Қайси дарахтнинг номида “Т” товуши бор?(тут)

8-машғулот

Мавзу: Суратга қараб ҳикоя тузиш: “Тиш ювиш одоби”

Мақсад:

Сурат асосида тасвирий ҳикоя тузишга ўргатиш.

Вазифалар:

Болаларнинг боғланган нутқини ривожлантириш. Сўзлаётганда тўғри нафас олишни ривожлантириш. Товушларни сўзларда аниқ айтиш. Гапирганда сўзларни бир-бирига боғлаб, жумлалар тузиш малакасини мустаҳкамлаш.

“Ш-С” товушлари устида ишлаш. Шу товушлар иштирок этган сўзларни аниқ ва тўғри талаффуз этиш.

Кутилаётган натижалар:

Болаларнинг сўзлашув нутқи ривожланади.

Болаларнинг сўзларни бир-бирига боғлаб, жумлалар тузиш малакаси мустаҳкамланади.

Болалар шахсий гигиена қоидаларига риоя қилишни ўрганадилар.

Керакли жиҳозлар:

“Тиш ювиш одоби” мавзусида сурат

Машғулотнинг бориши

Болаларга кўринарли қилиб “Тиш ювиш одоби” мавзусидаги сурат илинади. Тарбиячи қисқагина кириш суҳбати ўтказади. Болалар, ўз-ўзини парвариш қилиш деганда нимани тушунади? (Болалар жавоблари)

Тўғри болалар, ўз-ўзини парвариш қилиш деганда— ўзини тоза тутиш, озода юриш, тишни ювиш, ораста ва тоза кийиниш, тирноқларни озода тутиш, сочга қараш тушунилади. Бугун биз тишларни қандай тозалаш кераклиги ҳақида суҳбатлашамиз.

Биласизми, нима учун тишларимизни ювамиз? (Болалар жавоблари)

Сиз тишларингизни қандай тозалайсиз? (Болалар жавоблари)

Тарбиячи: Тўғри, болалар, тишларини тозалашда аввал оғиз илиқ сувда чайилади, сўнгра тиш чўткасини сувга ботириб, “Болалар тиш пастаси” суриб олинади ва тишлар жипслаб турган ҳолда олдинга ва ён юзалари бўйлаб ишқаланади. Бунда чўткани пастдан тепага қараб ёки аксинча юргизиш керак. Шундан сўнг оғизни очиб жағ тишларини ва тишларнинг ички юзасини тозалаш керак. Тишларни тозалаб бўлгач оғиз паста қолмагунга қадар чайилади. Қарабсизки тиш тоза бўлади.

Тарбиячи болалар диққатини суратга жалб қилади.

1. Суратда ким тасвирланган?
2. Бола нима қияпти?
3. Суратга нима деб ном бериш мумкин?

Тарбиячи: Мана энди, суратга қараб ҳикоя тузишга ҳаракат қилинг. Аввал ҳикояга қандай ном беришингизни айтинг? Сўнгра “Бола қаерда тиш ювяпти? У тишни қандай тозалаяпти?” шулар тўғрисида ҳикоя тузасиз. Ҳикоянгизни қизиқарли тугатинг (Болалар ҳикоя тузишда қийналсалар, тарбиячи уларга ёрдам бериши мумкин).

Тарбиячининг намуна ҳикояси.

Мен эрталаб уйкудан турдим. Юз қўлимни совунлаб ювдим. Тишларимни тозаладим. Тиш ювишни менга дадам ўргатганлар. Мен чўткани ушлаб турдим, дадам эса тиш чўткага пастанни суриб қўйдилар. Мен чўткани эринмай пастга, тепага қараб юргаздим.

Тишларнинг орқа тамонини ҳам тозаладим. Мен оғзимни яхшилаб чайқадим. Шундан сўнг тишларим тоза бўлди. Мен тиш ювганимда сувни исроф қилмасликка ҳаракат қиламан. Сувни исроф қилмаслик бизнинг бурчимиз. Доимо озода юрганим учун, мен соғ-саломат юраман.

Тетиклаштирувчи машқ

Тиш ювиш ҳаракатини бажарамиз. Фараз қиламиз қўлимизда тиш ювиш чўткази бор. Чўткани эринмай пастга, тепага қараб юргазамиз. Олдин ўнг томондаги тишларни, сўнг чапдаги тишларни ювамиз. Тишларнинг орқа тамонини ҳам тозалаймиз.

Болажонлар, энди ушбу шеърни эшитинг.

Тишлар қўшиғи	
Ўттиз икки ўртоқмиз, Дурдонамиз, оппоқмиз. Пасту баланд жойлашиб, Турамиз иш пойлашиб. Биз тишлармиз, тишлармиз. Бизлар ўткир ишчимиз, Ўз ишига изчилмиз. Айтайлик шартимиздан Асранглар совуқ муздан! Биргаликда ишлармиз, Тишлармиз ишлармиз. Аскарлардай саф тортиб, Сақлаймиз одоб, тартиб.	Хизматдамиз соғлиққа – Шодликка, дил чоғлиққа. Учратганмиз баъзини Ювмас тишу, оғзини... Тоза тутса эгамиз, Дилдан хизмат этамиз. Биз тишлармиз, тишлармиз Биргаликда ишлармиз, Тишлармиз- ишлармиз.

Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ

Болалар, “G” товушига сўз топ ўйинини ўйнаймиз. “G” товуши ундош товуш. Мен “G” товушини айтганимда истаганча чўзиб айта олмайман.

Оғзимни кузатинг “G”. Товушлар тўсиққа учраса, қисқа айтилса ундош товуш дейилади. “G” товуши қисқа айтилди, тўсиққа учради. Биз яна қандай ундош товушларни ўрганганмиз? (“N”, “L”, “Sh”, “B”, “V”, “Q”...)

Болажонлар, энди “Тез айтишни, кўп айтиш” ўйинини ўйнаймиз.

Гули гулдонда гул келтирди.

Тарбиячи “G” товушининг сўз бошида келган расмларни (гул, гилос, гулхан...) келган расмларни кўрсатади. Болалар тарбиячи билан биргаликда расмларни номлайдилар. Тарбиячи машғулоти якунида барча болаларни рағбатлантиради.

Январь

1-машғулоти

Мавзу: Шахсий ҳаётдан ҳикоя тузиш “Қиш байрамини қандай ўтказдим?”

Мақсад:

Шахсий ҳаётда бўлган воқеаларни ҳикоя қилиб сўзлаб беришга ўргатиш.

Вазифалар:

Болаларнинг сўзлашув нутқини ривожлантириш. Сўзлаётганда тўғри нафас олишни ривожлантириш. Мавзу бўйича берилган саволларга жавоб бериш малакасини такомиллаштириш. Буюмларни бирон гуруҳга киритиш, умумлаштирувчи сўзларни фаоллаштириш. “К-Г” товушларини тўғри талаффуз этиш.

Кутилаётган натижалар:

Болаларнинг сўзлашув нутқи ривожланади.

Болалар буюмларни бирон гуруҳга киритишни, умумлаштирувчи сўзлардан фойдаланишни ўрганадилар.

Керакли жиҳозлар:

Турли хилдаги ўйинчоқлар

Турли хилдаги буюмлар

Машғулотнинг бориши

Тарбиячи: Бизнинг боғчамизда бўлиб ўтган арча байрами жуда қизиқарли бўлди. Янги йил байрамига ҳаммамиз орзиқиб кутган сахий Қорбобо, Қорқиз иштирок этишиб, байрамимизни кўнгилли ўтказиб беришди.

Ҳозир биз “Мен қиш байрамини қандай ўтказдим?” мавзусида ҳикоя тузишни ўрганамиз.

Қани бир эсланг-чи?

1. Сиз қиш байрамига қайерга ва ким билан бордингиз?
2. У ерда нималарни кўрдингиз?
3. Сизга нима жуда ёқди?
4. Қандай ашула ва шеърлар айтдингиз?
5. Қандай совға олдингиз?
6. Шу кун қандай қизиқарли воқеалар юз берди?
7. Кун қандай тугади?

Болаларнинг ҳикоялари қисқа ва тугалланган бўлиши керак (5-6 та боланинг жавоблари).

Бармоқлар машқи

Тарбиячи шеърни ўқиб туради. Болалар ҳаракатни бажарадилар.

Вертолёт

Қани уч, эй вертолёт,

Паррагинг тез айлангир.

Ортда қолсин самолёт,

Паррагинг тез айлангир.



Иккала қўлнинг бармоқлари (кўрсаткич ва ташқари)

бош бармоқдан

тўқилган сават шаклида чирмаштирилади Кўрсаткич бармоқларни олдинга чўзиб учлари бир-бирига теккизилади (бу вертолётнинг думи). Бош бармоқлар билан вертолётнинг паррагига ўхшаш тез-тез айланма ҳаракатлар бажарилади.

“Гуруҳлаш” ўйини

- Болалар, менинг столимда Қорбобонинг бизни гуруҳимизга совға қилган ўйинчоқлари (совғалар) турибди. Булар кийимлар, идишлар, ўқув қуроллари. Келинлар, бу совғаларни гуруҳларга ажратамиз. Доира бўлиб туриб олинлар. Мен бирор совғанинг номини айтиб коптокни отаман, илиб олган бола мен айтган сўз нимани фойдалашини тез айтиб беради. Масалан: кўғирчоқ-бу ўйинчоқ;

кўйлакча-кийим;

чойнак-идиш каби

Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ

Болалар, “Г” товушига сўз топ ўйинини ўйнаймиз. “Г” товуши ундош товуш. Мен “Г” товушини айтганимда истаганча чўзиб айта олмайман.

Оғзимни кузатинг “G”. Товушлар тўсикқа учраса, қисқа айтилса ундош товуш дейилади. “G” товуши қисқа айтилди, тўсикқа учради. Биз яна қандай ундош товушларни ўрганганмиз? (“N”, “L”, “Sh”, “B”, “V”, “Q”, “G”...)

Болажонлар, энди “Тез айтишни, кўп айтиш” ўйинини ўйнаймиз.

Гули гулдонда гул келтирди.

Тарбиячи “G” товуши сўз бошида келган расмларни (Гул, гулхан, гугурт...) кўрсатади.

Болалар тарбиячи билан биргаликда расмларни номлайдилар.

Машғулот якунида болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантириш.

2-машғулот

Мавзу:

“D” товушини талаффуз қилиш

Мақсад:

“D” товушининг тўғри талаффузини мустаҳкамлаш.

Вазифалар:

“D” товушини ўрнини аниқлаш: сўз боши, ўртаси ва охирида келишини айтиш, сўзларни бўғинларга ажратиш, **“D” товушини эшитиб фарқлашга ўргатиш**, **“D” товушли сўзлар билан болалар нутқини бойитиш.**

Кутилаётган натижалар:

“D” товушининг ундош товуш эканлигини, унинг сўз боши, ўртаси ва охирида келишини билиб оладилар.

“D” товушли сўзларни айта оладилар.

Керакли жиҳозлар:

“D” товуши бор суратлар

“Бўғинлардан сўз тузинг» таълимий ўйин учун материаллар

Машғулотнинг бориши:

Тарбиячи: бугун болалар **“D” товуши** ҳақида суҳбатлашамиз.

“D” ундош товуш. Товушни эштамиз, талаффуз қиламиз. Дикқат билан эшитинг **“D” товушини талаффуз қилганимда чапак чаласиз.**

- **“D”, “s”, “ch”, “sh”, “D”, “r”, “l”, “D”, “a”, “s”, “o”, “u”, “D”, “sh”, “s”, “D”**

- **“D” товушига оид сўзлар топишга ҳаракат қиламиз:** дала, дон, дори, доира, Одил, Дилдора, Адолат. (болалар қийналсалар расм кўрсатиш мумкин)

- **Айтилган сўзлардаги “D” товушини ўрнини аниқлаймиз.**

Мен айтаман, сиз аниқлайсиз: do-rì Мен шу сўзни қайта айтаман, сиз биринчи товушни айтасиз: d-d-do-rì. Демак, do-rì сўзида **“D” товуши сўзнинг бошида келяпти**; мен бошқа сўзни айтаман, сиз **“D” товушини ўрнини аниқланг:** O-dil, демак, O-dil сўзида **“D” товуши сўзнинг ўртасида келяпти.** Энди ўзингиз мустақил **“D” товуши иштирок этган сўзларни топинг ва ўрнини аниқлашга ҳаракат қилинг.** (dala, don, doira) Болалар айтган сўзларини чапак чалиш орқали бўғинларга бўладилар.

Тетиклаштирувчи машқ

Болалар билан “Отлар” ўйини ўйналади. Болалар кетма-кет турадилар. Тарбиячининг “кетдик” деган сигнали бўйича болалар бир-бирларининг кетларидан юрадилар ва отларнинг туёқ товушларини акс эттириш учун тил учи билан шақиллатадилар. Белгилаб кўйилган масофага келиб тўхтайдилар.

Тарбиячи болалар билан **“D” товуши иштирок этган бўғинларни талаффуз қиладилар.**

Тарбиячи do, di, da, du, do’ бўғинларини талаффуз қилиб, болаларга ўзи намуна кўрсатади. Болалар тарбиячи кетидан хўр бўлиб айтадилар. Сўнг якка-якка айттирилади.

da - da - da

du-du - du

da - da - da

du - du - du

Неча марта қарсак овозини эшитсангиз, шунча da бўғинини талаффуз қилинг
Шу тартибда do, di, do’ бўғинлари талаффуз этилади.

“Сўзларни тўлдиринг” ўйини

Ду-тор, да-ла, дон, до-ри, до-и-ра, да-нак, дў-ла-на, о-доб, дў-кон, до-ри, да-ла

Амалий машқ

“Расмларни номланг” машқи

Болаларга олдиларидаги расмларни номлаш ва “**Д**” товушини тўғри талаффуз қилиш, сўзни бўғинга бўлиш каби топшириқлар берилади. Болалар сўзда нечта бўғин бўлса, шунча марта чапак чаладилар.

Машғулотга фаол қатнашган болалар раҳбатлантирилади.

“Гапни тугатинг”

Болалар расмга қараб “**Д**” товуши иштирок этган сўзлардан иборат гапларни тугатишлари керак.

Далада.....

Мадина

Доира

Машғулотга фаол қатнашган болалар раҳбатлантирилади.

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар :

- Бугун қайси товуш билан танишдик?
- У қандай товуш экан?
- Бу товушни нима қиламиз?
- Биз товушларни нима учун ўрганамиз?"
- “**Д**” товуши иштирок этган сўзларни айтинг.
- Қайси ўйинчоқнинг номида “**Д**” товуши бор? (денди)
- Қайси дарахтнинг номида “**Д**” товуши бор?(дўлана)

3-мшғулот

Мавзу: “14-январ-Ватан ҳимоячилари куни” сурати асосида ҳикоя тузиш

Мақсад: Болаларни сурат бўйича мазмунли ҳикоя тузишга, суҳбат пайтида фаол иштирок этишга ундаш, суратда акс эттирилган воқеаларни изчил баён қилишни, мавзу бўйича берилган саволларга тушуниб, қисқа ва тўлиқ жавоб бериш, ўртоқларининг бераётган жавобларига эътибор бериш малакасини такомиллаштириш. Суҳбат давомида болалар қалбида Миллий Армияга нисбатан муҳаббат, миллий ғурур ҳиссини тарбиялаш.

Вазифалар:

Боғланган нутқни ривожлантириш.

«Ватан», «Ҳарбийлар» мавзуларида луғатни фаоллаштириш.

Нутқнинг ифодалилигини тарбиялаш

Кутилаётган натижалар:

Болаларнинг боғланган нутқи ва товуш маданияти ривожланади.

Ватанни ҳимоя қилиш ҳар бир йигитнинг бурчи эканлигини англаб етадилар.

Болалар қалбида Миллий Армияга муҳаббат, миллий ғурур ҳиссини тарбияланади.

Керакли жиҳозлар:

“14-январ-Ватан ҳимоячилари куни” сурати

Машғулотнинг бориши

Тарбиячи: болалар, 14-январ- Ватан ҳимоячилари куни. Ватан ҳимоячилари бу бизнинг аскар йигитларимиз, сизнинг акаларингиз бўладилар. Сиз эса уларнинг ўринбосарлари бўласиз. Чунки тез кунда улғайиб, Ватанимиз посбонларига айланасиз. Аскар йигитлар - Ватанимизни душманлардан ҳимоя қиладилар ва чегараларимизни қўриқлайдилар. Улар юртимиз тинч бўлиши учун кеча-ю кундуз сергак турадилар. Миллий Армиямизнинг мард аскарлари, бақувват қуроли: ракета, самолёт, танк, пулемётлари бор. Аскарларимиз кучли ва ботирлар. Улар ҳақида бир қанча шеърларни ёд олганмиз. Келинглари, ёд олган шеърларимизни эсга оламиз.(болаларнинг жавоблари)

Ҳозир биз “14-январ-Ватан ҳимоячилари куни” мавзусидаги суратини кўриб чиқамиз.

Тарбиячи “14-январ-Ватан ҳимоячилари куни” сурати илиб қўйилади ва мазмуни бўйича суҳбат ўтказилади.

Суратда кимлар тасвирланган?

Суратни қандай номлаш мумкин?

Аскар йигитларнинг қўлларида нималар бор?

Дурбин аскарга нима учун керак?

Аскар халтачасида нима бор деб ўйлайсиз?

Чегарада ит аскарларга қандай ёрдам беради?

Танкчилар хизмати ҳақида нималарни биласиз?

Кемада кимлар хизмат қилади?

Жисмоний дақиқа. Тарбиячи: болалар, фараз қилинг сиз зобитларсиз, ўқув машқидасиз. Санама айтиб икки гуруҳга бўлининг. Болалар эгилган ёй остидан эмаклаб ўтиб, саватга тўпни туширишга ҳаракат қиладилар. Қайси гуруҳ тўпни саватга аниқ туширса, шу гуруҳ ғолиб бўлади.

Жисмоний дақиқадан сўнг болаларнинг ҳикоялари тингланади. Сўнг тарбиячи болалар жавобларини умумлаштиради: болалар, биз 14-январ – Ватан ҳимоячилари куни эканлиги, Ватанимизни кучли Миллий Армиямиз ҳимоя қилиши, аскарларимиз кучли ва ботир эканлиги, Армиямизнинг бақувват қуруллари борлиги ҳақида суҳбатлашиб олдик. Уйга борганимизда ҳаммамиз дадамизни, акаларимизни байрам билан табриклаймиз.

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар :

1. 14-январ қандай кун?

2. Кимлар кучли ва ботирлар?

3. Аскарларимиз Ватанимизни кимлардан ҳимоя қилади?

4. Армиямизда қандай қуруллар бор?

5. Аскарлар ҳақида ким шеърни ёддан айтиб беради?

4-машғулот

Мавзу: расмларни номлаш (“Д” товуши) ва улар иштирокида гап тузиш

Мақсад: Расмларни номлаганда сўздаги ҳар бир товушни тўғри талаффуз қилиш.

Болаларга берилган расмлар асосида мустақил гап тузишга ўргатиш. Сўзлар гапда боғланиши ҳақида тушунчаларини мустаҳкамлаш. Сўзларни бўғинларга бўлиш.

Вазифалар:

Расмлар орқали гап ҳақида тушунчаларини мустаҳкамлаш, луғатни фаоллаштириш.

Боғланишли нутқ- гап тузиш кўникмаларини шакллантириш.

Нутқнинг ифодалилигини тарбиялаш.

Гапни сўзларга бўлишга ўргатиш.

Кутилаётган натижалар:

Расмлар асосида гап тузишга ўрганадилар.

Грамматик жиҳатдан тўғри сўзлашга интилади

Керакли жиҳозлар:

Турли мавзуларда расмлар

Машғулотнинг бориши. Тарбиячи: Бугун болалар, сиз билан “Д” товуши иштирок этган расмларни кўрамиз, улар ҳақида гап тузамиз.

-Бу қандай ўсимлик? (дон)

-Мен дон ҳақида гап туздим. “Далада дон мўл.”

- болалар, ҳозир мен сизга расмлар тарқатаман. Сиз расмга қараб гап тузасиз.

Тарбиячи: - Шоира, сенда қандай расм бор, номла.

Шоира:-менда дотор расми бор.

Тарбиячи: дотор сўзида “Д” товуши сўзнинг қаерида келяпти?

Шоира: дотор сўзида “Д” товуши сўзнинг бошида келяпти.

Тарбиячи: дотор сўзини бўғинга бўл.

Шоира: ду-тор

Тарбиячи:- ду-тор сўзи неча бўгин экан?

Шоира: дутор сўзи икки бўгин экан

Тарбиячи:- дутор ҳақида қандай гап туздинг?

Шоира: - Доно дутор чалди.

Тарбиячи: тузган гапингда нечта сўз бор?

Шоира учта

Тарбиячи: -қандай сўзлар?

Шоира: - “Доно”, “дутор”, “чалди”

Тарбиячи: -тўғри, Шоира уч сўздан иборат гап тузди. Доно дутор чалди. Гапда “Доно” биринчи сўз, “дутор” иккинчи сўз, “чалди” учинчи сўз.

Тарбиячи шу тариқа болалардан **“Д”** товуши иштирок этган сўзлардан гап тузишларини сўрайди. Болаларнинг сўздаги товушларни тўғри талаффуз қилишларига, тузилган гапда сўзларнинг боғланишига эътибор беради. Машғулот давомида албатта жисмоний дақиқа ўтилиши лозим.

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар

-Бугун болалар, қайси товуши иштирок этган расмларни номладик ва улар ҳақида гап туздик?

-Нечта сўздан иборат гаплар туздик?

-Қайси сўзда **“Д”** товуши сўзнинг бошида келди?

-Қайси сўзда **“Д”** товуши сўзнинг ўртасида келди?

-Қайси сўзда **“Д”** товуши сўзнинг охирида келди?

5-машғулот

Мавзу: М.Муродовнинг “Икки ният” ҳикояси асосида қайта ҳикоя қилиш

Мақсад:

Асар мазмунини мантикий изчилликда ҳикоя қилишга ўргатиш. Асар воқеаларини сўзлаётганда овоз оҳангининг хилма-хиллиги, сўрок, ҳис-ҳаяжон кабиларни қўллай олишларига эришиш.

Вазифалар:

Болаларнинг боғланган нутқини ривожлантириш. Сўзлаётганда тўғри нафас олишни ривожлантириш. Сўзларни аниқ ва бурро айтиш.Мақолдаги сўзларни аниқ ва бурро талаффуз қилиш.“В” товуши устида ишлаш. Гапни таҳлил қилиш.

Кутилаётган натижалар:

Болаларнинг боғланган нутқи ривожланади.

Болалар мантикий ривожланиб боровчи ҳикоя тузишни ўрганадилар.

Керакли жиҳозлар:

Иккинчи жаҳон уруши тасвирланган суратлар

Машғулотнинг бориши

Тарбиячи: Болажонлар, мана бу суратларда қандай воқеалар тасвирланган? Кимнинг буvasи Иккинчи Жаҳон уруши қатнашчиси, Буваларимизнинг уруш ҳақидаги хотира ҳикояларини эшитганмисиз? Мен ҳозир Муроджон деган бола буvasи билан нималар ҳақида сўзлашганлиги ҳақида ўқиб бераман. Диккат билан эшитинг-чи, уларнинг суҳбати нималар ҳақида экан? (Тарбиячи ҳикояни ифодали қилиб ўқиб беради).

Ҳикоя бўйича саволлар:

1. Муроджон албомини варақлаб, қандай суратни кўриб қолди?

2. Нима сўради?

3. Буvasи нима деб жавоб берди?

4. Буvasининг биринчи нияти нима экан?

5. Иккинчи нияти қандай бўлган экан?

Савол-жавобдан сўнг, ҳикоя яна бир бор ўқиб берилади ва 5-6 нафар боладан қайта ҳикоя қилиб бериш сўралади.

Тетиклаштирувчи машқ

Ҳарбийлар машқи. Ҳарбийларга ўхшаб юриш: олдинга, орқага, ўнга, чапга.

Тарбиячи болалардан ватанпарварлик ҳақида билган мақолларини айтишларини сўрайди.

Тарбиячи болаларнинг талаффузини, жумла тузишларини назорат қилади:

1. Она юртинг омон бўлса, ранг-рўйинг сомон бўлмас.

2. Ҳар қуш ўз уясига қараб учади.

3. Булбул чаманни севар, одам Ватанни севар.

Тарбиячи: Айтган мақолларингиз, ўқилган ҳикояга мос келадими?

Бувасининг биринчи нияти ҳақида қандай мақол айтиш мумкин?

Буванинг иккинчи нияти ҳақида қандай мақол айтиш мумкин? (Ҳар қуш ўз уясига қараб учади).

3. Она билан бола – гул билан лола.

Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ

Келинлар “Она билан бола” гапини таҳлил қиламиз. Гап нечта сўздан иборат экан? Чапак

чалиб сўзларни ажратамиз. Она сўзида қайси товуш бошида келяпти? “О” қандай товуш?

Келинлар бирга талаффуз қиламиз? Унли товуш қандай талаффуз этилади? Ундош товуш қандай талаффуз этилади?

6-машғулот

Мавзу: “Дастурхон одоби” сурати бўйича ҳикоя тузиш

Мақсад:

Сурат бўйича ҳикоя тузиш малакаларини мустаҳкамлаш.

Вазифалар:

Болаларнинг боғланган нутқини ривожлантириш. Сўзлаётганда тўғри нафас олишни ривожлантириш. Феълларнинг мураккаб грамматик шаклларида фойдаланишни машқ қилиш.

Тегишли сифатларни ҳосил қилишга ўргатиш.

Кутилаётган натижалар:

Болаларнинг боғланган нутқи ривожланади.

Болаларда шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш малакаси ҳосил бўлади.

Керакли жиҳозлар:

“Дастурхон одоби” сурати

Машғулотнинг бориши

Тарбиячи болаларга суратни кўрсатади. Дастурхон одоби деганда нимани тушунасиш? - деб сўрайди. (Болалар жавоблари)

Тарбиячи: Тўғри болалар. Дастурхон одоби- дастурхон атрофида ўтира билиш дегани.

Ўзбек халқ урф- одатига кўра дастурхон атрофида ўтиришнинг ҳам ўзига хос тартиб- қоидалари бор. Биласизми? Ким айтади?

(Болалар жавоблари)

Тарбиячи: Тўғри, болалар, энг аввало дастурхон атрофига ўтиришдан олдин қўлимизни совунлаб ювиб оламиз.

Ўтиришда энг тўрдаги ўринга кексалар, ота – оналар, ака – опалар таклиф қилинади.

Овқатланаётганда шошмасдан, оз- оздан олиш, одоб билан чайнаш лозим.

Суюқ овқатни тўкмасдан, сачратмасдан, хўриллатмай ичиш керак .

- Сочик ва салфеткадан фойдаланиш, овқатдан кейин оғизни чайиш лозим.

Ҳозир болалар сиз билан сурат бўйича ҳикоя тузамиз.

Сурат бўйича тарбиячининг саволлари:

Суратда кимлар тасвирланган?

Улар нима қилишяпти?

Дастурхон қандай тузалган?

Сиз дастурхон тузашда ота-онангизга ёрдам берасизми?

Болалар дастурхон атрофида ўзларини қандай тутдилар?
Ота ўғлига қандай танбех берди? Сабаби нимада деб ўйлайсиз?
Болалар суратга қараб ҳикоя тузинг. Аввал оила аъзолари қаерда, қачон овқатланаётганини ўйлаб топинг. Кейин суратда нима тасвирланганига қараб ҳикоя ўйлаб тузинг. Ҳикоянгиз якунланган бўлиши керак.

2-3 боланинг ҳикоялари тингланади, рағбатлантирилади.

Тарбиячи суратни олиб қўяди

“Сўзни тугат” ўйини

Бу ўйинда тарбиячи сўзнинг биринчи бўғинини айтиб, коптокни болага отади. Коптокни тутиб олган бола тугатилган сўзнинг 2 та вариантини айтиши керак. Масалан: тарбиячи “Ко” деб коптокни отса, бола коптокни тутиб “коса”, “косалар” деб коптокни қайтаради. Ўйин фикрлаш тезлигини ривожлантиради, дунёқарашни кенгайтиради.

Машғулот якунида болаларни рағбатлантириш.

7-машғулот

Мавзу: Шахсий ҳаёт (тажриба)дан ҳикоя тузиш “Мен қушларни овқатлантирдим”

Мақсад:

Воқеа содир бўлган жой ва вақт, табиат манзарасини қисқа тасвирлаб, шахсий тажрибадан ҳикоя тузишга ўргатиш.

Вазифалар:

Сўзлашув нутқини шакллантириш. Сўзларни тўғри талаффуз қилиш.

Сўзлаётганда тўғри нафас олишни ривожлантириш. Нутқнинг ифодалилигини тарбиялаш.

“L” товушини тўғри талаффуз этиш. Саволларга тўлиқ (жумлалар тузиб) жавоб беришга ўргатишни давом этиш.

Кутилаётган натижалар:

Болаларнинг сўзлашув нутқи ривожланади.

Болалар саволларга тўлиқ (жумлалар тузиб) жавоб беришни ўрганадилар.

Керакли жиҳозлар:

Ўйинчоқ қушлар (ёки қушларнинг расмлари: чумчуқ, мусича)

Машғулотнинг бориши

Тарбиячи:

1. Ҳозир қандай фасл?

2. Қиш фаслида ҳаво қандай бўлади? (қаттиқ совуқ).

3. Қайси қушлар қишлаб қоладилар? Қишда қушлар қандай ҳаёт кечирадилар? Улар нима билан овқатланадилар? Биз қишлаб қолувчи қушларга қандай ёрдам берамиз? (Тарбиячи болалар жавобларини умумлаштиради).

Энди болалар, “Мен қушларни овқатлантираман” мавзусида ҳикоя тузамиз. Ҳаммангиз қилган ишингизни ўйланг. Қайси қушни қачон, қаерда овқатлантирдингиз? Учратган қушингизни номи нима? Уни қандай овқатлантирдингиз? Балки уйингизда қуш боқарсизлар-а? (3-4 боланинг ҳикоялари тингланади).

Бармоқлар машқи

Тарбиячи шеърни ўқиб туради. Болалар ҳаракатни бажарадилар.

Қушлар

Қушлар шохда сайрайди,

Учиб, қўниб яйрайди,

Шамол эсади ғир-ғир

Япроқлар шилдир-шилдир.



Иккала қўл бармоқлари қуш қаноти сингари паст-баландга ҳаракатлантирилади, сўнгра кафтлар очилиб бир-бирига қаратилган ҳолатда эгилиб, шамол эсганга ўхшаш ҳаракат бажарилади.

Тарбиячи болалардан кушлар ҳақидаги билган шеърларини айтиб беришларини сўраши мумкин.

Кичкина кушча Ш. Садулла	Қарға Д. Икромов
Ҳай, ҳай чумчук, Жажжи куш, Шохда турма, пастга туш! Эрта-ю кеч тинмайсан, Чарчамоқни билмайсан. Чирқиллайсан излаб дон, Мана чумчук, сенга дон! Қорнинг тўйса айтасан, Сўнг уйингга қайтасан!	Қорлар ёғдиргим келар Аёзда учгим келар Қор-қор, қани ёғ дейман Оппоқ бўлсин боғ дейман. Гупиллаб қор ёғади Менга жуда ёқади.

Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ

Болалар, “Ҷ” товушига сўз топ ўйинини ўйнаймиз. “Ҷ” товуши ундош товуш. Мен “Ҷ” товушини айтганимда истаганча чўзиб айта олмайман.
Оғзимни кузатинг “Ҷ”. Товушлар тўсиққа учраса, қисқа айтилса ундош товуш дейилади. “Ҷ” товуши қисқа айтилди, тўсиққа учради. Биз яна қандай ундош товушларни ўрганганмиз?

Тарбиячи “Ҷ” товуши сўз бошида келган расмларни (жўжа, жўхори, жайрон...) кўрсатади. Болалар тарбиячи билан биргаликда расмларни номлайдилар.

Болажонлар, энди “Тез айтишни, кўп айтиш” ўйинини ўйнаймиз.

Жўжа ва жиблажибон, жуда сайрар жоножон.

Машғулот якунида барча болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантириш.

8-машғулот

Мавзу: “Тулки билан қизча” латиш эртаги асосида қайта ҳикоя қилишга ўргатиш **Мақсад:**

Асарни мазмунли, мантиқий изчилликда аниқ ва тасвирий ифодалардан фойдаланиб, қайта ҳикоя қилишга ўргатишни давом этиш.

Вазифалар:

Боғланган нутқни ривожлантириш. Сўзларни аниқ ва бурро айтиш.

Сўзлаётганда тўғри нафас олишни ривожлантириш. Нутқнинг ифодалилигини тарбиялаш. “О” товушини тўғри талаффуз этишга ўргатиш. Сўзнинг товуш таркиби ҳақидаги тасаввурларини шакллантириш.

От ва сифатлардан тўғри фойдаланиш. Ўхшаш маъноли сўзларни танлаб қўллаш кўникма ва малакаларини ўстириш. Сўзнинг товуш таркиби ҳақидаги тасаввурларини мустаҳкамлаш.

Кутилаётган натижалар:

Болаларнинг боғланган нутқи ва товуш маданияти ривожланади.

Болаларда ўхшаш маъноли сўзларни танлаб қўллаш кўникма ва малакалари шаклланади. “О” товушини тўғри талаффуз этишга ўрганадилар. Сўзнинг товуш таркиби ҳақидаги тасаввурлари шаклланади.

Керакли жиҳозлар:

Копток, “О” товуши бор суратлар

Машғулотнинг бориши

Тарбиячи: Болажонлар, ҳозир сизларга латиш халқининг энг қизиқарли эртакларидан бирини ўқиб бераман. (Тарбиячи ифодали қилиб ўқиб беради).

Эртак бўйича саволлар:

1. Эртак қандай бошланади?

2. Қизча қандай воқеани кўриб қолди?
3. Қизча нима деб қичқирди?
4. Хўроз тулкига нима деб ўргатибди?
5. Тулки қизга нима деб бақирибди?
6. Тулкига ўхшаб яна ким бақириб кўради?
7. Кейин нима бўлибди?

Тарбиячи: “Энди яхшилаб эшитиб ўтиринглар мен эртакни яна қайтадан ўқиб бераман” (тарбиячи ўқиб беради, 5-6 боладан сўралади).

Бармоқлар машқи

Тарбиячи шеърни ўқиб туради. Болалар ҳаракатни бажарадилар.

Кафт ва мушт
Сен ҳам бажар
Ҳой ўртоқ,
Гоҳ муштум
Гоҳ шапалок.



Қўллар стол устида: 1) кафтни стол устига босилади; 2) бир вақтнинг ўзида иккала қўлда ҳам мушт тугилади "мушт-мушт ҳолати"; 3) бир қўлнинг мушти очилиб кафт столга босиб турилади "кафт-мушт" ҳолати Машқнинг бажарилишини мураккаблаштириш учун ҳаракатлар тезлиги оширилади.

Тарбиячи: Болажонлар, энди биргаликда “Савол-жавоб” ўйинини ўйнаймиз. Ўйин қоидаси:

Тарбиячи саволни айтиб бир болага коптокни отади, бола коптокни илиб олади ва саволга жавоб бериб коптокни тарбиячига отади.

Саволлар:

1. Эртакда тулки қандай тасвирланган? (лақма).
2. Хўроз ҳақида нима дейиш мумкин? (эпчил, доно, тadbиркор).
3. Доно сўзига қарама-қарши сўз топинг (нодон, аҳмоқ).
4. Тулки қиздан аччиқланибди. Бу гапни яна қандай айтиш мумкин? (жаҳли чиқибди).

Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ

Тарбиячи болаларни уч гуруҳга бўлади. Биринчи гуруҳга “О” товуши билан бошланадиган (ой, от, олма, олча, олхўри) суратларни топиш, иккинчи гуруҳга “О” товуши билан тугалланадиган (мато, бобо, момо) суратларни топиш, учинчи гуруҳга “О” товуши сўз ўртасида (китоб, нок, бодринг, бузоқ, товуқ) келадиган суратларни топиш айтилади.

Тарбиячи машғулот якунида барча болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантиради.

Феврал

1-машғулот

Мавзу: А.Авлонийнинг “Болари ва пашша” асарини қайта ҳикоя қилдириш

Мақсад:

Асар мазмунини, мантиқий изчилликда, аниқ ва тасвирий ифодалардан фойдаланган ҳолда ҳикоя қилишга ўргатиш.

Вазифалар:

Болаларнинг боғланган нутқини ривожлантириш. Сўзлаётганда тўғри нафас олишни ривожлантириш. От ва сифатлардан тўғри фойдаланиш. Нутқнинг ифодалилигини тарбиялаш.

Кутилаётган натижалар:

Болаларнинг боғланган нутқи ривожланади.

Болаларнинг асарни қайта ҳикоя қилиш малакаси ошади.

Керакли жихозлар:

“Ортиқчасини топ” ўйини учун карточкалар

Машғулотнинг бориши.

Тарбиячи: болалар, меҳнатсеварлик қандай одат?

Тўғри, меҳнатсеварлик - энг яхши одат. Агар сиз уйда ота-онангизга ёрдам берсангиз, бажараётган ишингизни тоза қилиб, сабр билан охирига етказсангиз, қилган ишингиз сизга қувонч олиб келади. Бажарган ишингиздан ота-онангиз хурсанд бўлиб, сизга ўз миннатдорчиликларини билдирадилар. Ўзингиз ҳам қилган ишингизнинг катталарга фойдаси борлигини билиб, катталарга ёққанлигини сезиб, севиниб кетасиз. “Меҳнат – меҳнатнинг таги роҳат”- деганлари шу.

Агар ота-онангизга ёрдам берсангиз, сиз билингки меҳнатсевар, одобли бола экансиз. Меҳнатсевар, катталарга ёрдам берадиган болалар одобли болалар ҳисобланадилар.

Болалар, меҳнат ҳақида қандай мақолларни биласиз?

1. Меҳнат меҳнатнинг таги роҳат.

2. Меҳнат бахт келтирар.

Ҳозир мен сизга меҳнаткаш болари ҳақида ҳикоя ўқиб бераман. Диққат билан эшитинг.

Тарбиячи ҳикояни ифодали қилиб ўқиб беради.

Асар бўйича саволлар берилади.

1. Пашша арига қандай маслаҳат берибди?

2. Ари пашшага нима учун танбеҳ берибди?

3. Одамлар нима учун арини боқадилар?

4. Болари қандай ҳашарот? Пашша-чи?

Тарбиячи ҳикояни яна бир бор ўқиб беради. Сўнгра 5-6 болани ҳикоялари тингланади.

Ҳикояни роҳларга бўлиб ҳикоя қилдириш мумкин.

Тарбиячи шеърни ўқиб туради. Болалар ҳаракатни бажарадилар.

Бармоқлар машқи

Асалари

Асалари қўниб гулга,

Шарбат йиғар тугунига.



Ўнг қўлнинг кўрсаткич бармоғи олдинга чиқарилган ва у доира шаклида айлантириб ҳаракатлантирилади, сўнгра худди шу ҳаракат чап қўлда бажарилади.

Грамматик машқ

1. Болари ҳикояда қандай тасвирланган? (меҳнаткаш, меҳнатсевар, доно).

2. Пашша-чи? (Ялқов, дангаса, нодон).

“Ортиқчасини топ” ўйини

Турли меҳнат куруллари ва битта ортиқча буюм тасвирланган карточкалар ҳар бир болага берилади. Болалар тасвирдаги ортиқча буюмни топадилар ва нима учун ортиқчалигини изоҳлаб берадилар.

Ҳикояни саҳналаштириш билан машғулотни якунлаш мумкин.

“Болари ва Пашша” Абдулла Авлоний.

Бир пашша қир тарафдан учиб келмокда экан. Арини кўриб: “Дўстим, қаердан келяпсан?”-деди. Ари: Қирдан келяпман. Бир оз бол йиғдим. Уй ясамоқ учун мум ҳам йиғдим, тайёрладим,-деди. Пашша “Оҳ, биродар! Бир бошинг учун мунча ҳаракат қиласан. Нима бўлади, сен ҳам мен каби қийналмай яшасанг. Мен инсонлар ҳозирлаган дастурхондан ҳар хил таомларни еб-ичиб умр ўтказаман. Баъзи вақтларда сен ясаган болингдан ҳам тўйгунимча ейман. Мана! Яшамоқ -мана! Умр кечирмоқ учун оламда бундан яхши турмуш бўладими? На менда бол ҳозирламоқ машаққати ва на уя солмоқ кулфати бор”, - деди. Ари бу сўзларга жавобан дедик: “Оҳ, дўстим! Машаққатсиз таомда лаззат борми?!” инсонлар сени дастурхондан кувадилар, урадилар, ўлдирадилар. Сен

оламда ўғрилар каби умр ўтказасан. Аммо менинг машаққатли меҳнатим жуда фойдали ва марокли. Болим эса инсонлар учун фойдалидир, уларнинг оғзини тотли қилур. Шу сабабли инсонлар мени боқадилар ва ҳар ерда мени мақтайдилар”-деди-да,-“Қўй биродар, мени ишим кўп, сен билан беҳуда сўзлашишга вақтим йўқ”,-деб учиб кетди.

2-машғулот

Мавзу: “R” товушини тўғри талаффуз қилиш

Мақсад:

“R” товушининг тўғри талаффузини мустаҳкамлаш.

Вазифалар:

“R” товушини ўрни аниқлаш: сўз боши, ўртаси ва охирида келишини айтиш, сўзларни бўғинларга ажратиш, “R” товушини эшитиб фарқлашга ўргатиш, “R” товушли сўзлар билан болалар нутқини бойитиш.

Кутилаётган натижалар:

“R” товушининг ундош товуш эканлигини, унинг сўз боши, ўртаси ва охирида келишини билиб оладилар.

“R” товушли сўзлар айта оладилар.

Керакли жиҳозлар:

“R” товуши бор суратлар

“Бўғинлардан сўз тузинг» таълимий ўйин учун материаллар

Машғулотнинг бориши:

Тарбиячи: бугун болалар “R” товуши ҳақида суҳбатлашамиз. “R” ундош товуш.

Товушни эшитамиз, талаффуз қиламиз. Диққат билан эшитинг “R” товушини талаффуз қилганимда чапак чаласиз.

- “R”, “r”, “l”, “R”, “a”, “o”, “u”, “R”, “sh”, “z”, “R”

- “R” товушига оид сўзлар топишга ҳаракат қиламиз: ранда, ром, ракета, редиска, ари, ўрик, трактор (болалар қийналсалар расм кўрсатиш мумкин)

- Айтилган сўзлардаги “R” товушини ўрнини аниқлаймиз.

Мен айтаман, сиз аниқлайсиз: ganda Мен шу сўзни қайта айтаман, сиз биринчи товушни айтасиз: r-g-ran-da, Демак, ganda сўзида “R” товуши сўзнинг бошида келяпти; мен бошқа сўзни айтаман, сиз “R” товушини ўрнини аниқланг: ar-g-га, демак, ar-g-га сўзида “R” товуши сўзнинг ўртасида келяпти. Мен бошқа сўз айтаман диққат билан эшитинг: ka-mar-g-г демак, ka-mar сўзида “R” товуши сўзнинг охирида келяпти.

Энди ўзингиз мустақил “R” товуши иштирок этган сўзларни топинг ва ўрнини аниқлашга ҳаракат қилинг. Болалар айтган сўзларини чапак чалиш орқали бўғинларга бўладилар. (Рустам, сир, атиргул, супурги, бурун)

Тетиклаштирувчи машқ

“Отлар” ўйини

“R” товуши иштирок этган бўғинларни талаффуз қилиш.

Тарбиячи go, gi, ga, gi, go’ бўғинларини талаффуз қилиб, болаларга ўзи намуна кўрсатади. Болалар тарбиячи кетидан хўр бўлиб айтадилар. Сўнг якка-якка айттирилади.

RA- RA- RA

RU-RU-RU

RO- RO- RO

RI-RI-RI

Неча марта қарсак овозини эшитсангиз, шунча RA бўғинини талаффуз қилинг. Шу тартибда go, gi, go’ бўғинлари талаффуз этилади.

“Сўзларни тўлдириш” ўйини

Ar-ra, ran-da, mar-ra, a-ri.....

Амалий машқ

“Расмларни номланг” машқи

Болаларга олдиларидаги расмларни номлаш ва “R” товушини тўғри талаффуз қилиш, сўзни бўғинга бўлиш каби топшириқлар берилади. Болалар сўзда неча бўғин бўлса, шунча марта чапак чаладилар.

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар :

- Бугун қайси товуш билан танишдик?
- У қандай товуш экан?
- Бу товушни нима қиламиз?
- Биз товушларни нима учун ўрганамиз?"
- “R” товуши иштирок этган сўзларни айтинг.
- Қайси транспортнинг номида “R” товуши бор? (тролейбус)
- Қайси сабзотнинг номида “R” товуши бор? (редиска)
- Қайси меҳнат қуролининг номида “R” товуши бор? (ранда, арра)
- Қайси қушнинг номида “R” товуши бор? (турна)
- Қайси қушнинг номида “R” товуши бор? (каптар)

3-машғулот

Мавзу: А.Навоийнинг “Бир кабутар” ҳикояти асосида қайта ҳикоя қилиш

Мақсад:

Болаларни ҳикоя қилиш малакасини шакллантириш, воқеаларни кетма-кет боғланган ҳолда, грамматик жиҳатдан тўғри жумлалар тузиб баён қилишга ўргатиш. Болаларнинг бадиий асарларни қайта ҳикоя қилиш малакасини ўстириш.

Вазифалар:

Болаларнинг боғланган нутқини ривожлантириш.

Сўзлаётганда тўғри нафас олишни ривожлантириш.

Товушларни сўзларда аниқ айтиш.

Гапирганда сўзларни бир-бирига боғлаб, жумлалар тузиш малакасини мустаҳкамлаш.

Кутилаётган натижалар:

Болаларнинг боғланган нутқи ривожланади.

Болаларнинг сўзларни бир-бирига боғлаб, жумлалар тузиш малакаси мустаҳкамланади.

Керакли жиҳозлар:

А.Навоийнинг “Бир кабутар” асари бўйича расмлар

Машғулотнинг бориши

Тарбиячи: Болалар, мен сизга бир кабутар ҳақида ҳикоя ўқиб бермоқчиман. Агар яхшилаб эшитсангиз, кабутар ўз уйини қанчалик яхши кўришини билиб оласиз.

(Тарбиячи ҳикояни ифодали ўқиб беради).

Ҳикоя бўйича саволлар:

1. Ҳикоя қандай бошланади?
 2. Кабутар қандай қафасга солинибди?
 3. Кабутар қафасда ўзини қандай ҳис қилибди?
 4. Кабутар қафасдан қочиб қаерга борибди?
 5. Кабутар уйчасининг бузилганини кўриб, подшоҳнинг уйига қайтдимиди?
- (Тарбиячи ҳикояни яна бир бор ўқиб беради, сўнгра 5-6 нафар болалар ҳикоялари эшитилади).

Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ

“Аксини айт” ўйини

Бу ўйин болаларнинг тасаввури ва тафаккурини ўстиришга қаратилган.

Ўйиннинг бориши: Болалар доира шаклида турадилар. Тарбиячи коптукни қўлига олиб, ўйинни бошлаб беради.

Тарбиячи: Мен сизларга коптукни отиб сўз айтаман, сизлар яхшилаб ўйлаб, айтган сўзимнинг аксини айтишингиз керак. Масалан:

Яхши – ёмон

Дўст-душман

Жасур-қўрқок

Машғулот якунида болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантириш.

4-машғулот

Мавзу: Алишер Навоийнинг “Шер билан Дуррож” асари асосида қайта ҳикоя қилиш

Мақсад:

Асарни қайта ҳикоя қилиш малакасини ўстиришни давом эттириш. Асар воқеаларини сўзлаётганда овоз оҳангининг хилма-хил турини қўллай олишларига эришиш.

Вазифалар:

Болаларнинг боғланган нутқини ривожлантириш. Сўзлаётганда тўғри нафас олишни ривожлантириш. Сўзларни аниқ ва бурро айтиш. Антоним, синоним сўзлар топиш. Асарга мос мақол топа олиш малакасини ўстириш.

Кутилаётган натижалар:

Болаларнинг боғланган нутқи ривожланади.

Болаларнинг асарни қайта ҳикоя қилиш малакаси ошади.

Керакли жиҳозлар:

Асарни саҳналаштириш учун жиҳозлар

Машғулотнинг бориши

Тарбиячи: Болалар, қандай қушларни биласиз? Ҳайвонот боғида қандай қушларни кўргансиз? Болалар, ҳозир мен-чи, сиз кўрмаган қуш ҳақида гапириб бермоқчиман. У чиройли қуш бўлиб, оти Дуррож. Бу ҳикояни бобомиз А.Навоий ёзганлар. (Тарбиячи масални ифодали қилиб ўқиб беради).

Масал бўйича саволлар беради:

1. Кимлар дўст тутинишибди?
2. Дуррож Шерни нима деб алдабди?
3. Дуррожга ким қасд қилибди?
4. Шер нима учун Дуррожга ёрдамга келмабди?

Тарбиячи масални яна бир бор ўқиб беради ва болалардан қайта ҳикоя қилиб беришларини сўрайди (5-6 бола жавоблари).

Грамматик машқ:

1. Шер асарда қандай тасвирланган?
2. У ҳақида нима дейиш мумкин? (содик, дўст, раҳмдил, ботир).
3. Ботир сўзига қарама-қарши маъноли сўз топинг (қўрқок, юраксиз).
4. Дуррож асарда қандай тасвирланган?
5. У ҳақида нима дейиш мумкин? (ёлғончи, алдоқчи).

Тарбиячи болаларнинг сўз топқирлик малакаларини текшириш мақсадида ўйин таклиф этади.

Болалар доира бўлиб турадилар. Бошловчи навбати билан ўйновчиларнинг ҳар бирига қараб: “Балиқ, қуш, ҳайвон” деб айтади. Саноқ кимда тўхтаса, шу бола бошловчи 3гача санагунча, ўша туркум вакилларида бирортасини айтиши керак. Номлар такрорланмаслигига интилиш керак. Агар жавоб тўғри бўлса, бошловчи ўйинни давом эттиради. Жавоб нотўғри бўлса, ном такрорланса бола ўйиндан чиқади. Ўйин битта иштирокчи қолгунча давом этади.

Тарбиячи машғулот якунида барча болаларни рағбатлантиради.

5-машғулот

Мавзу: Жамоа ҳаётидан ҳикоя тузиш: “Бизнинг боғча”

Мақсад:

Шахсий ҳаётда бўлган воқеаларни ҳикоя қилиб сўзлаб беришга ўргатиш.

Вазифалар:

Болаларнинг сўзлашув нутқини ривожлантириш. Сўзлаётганда тўғри нафас олишни ривожлантириш. Сўзларни бир-бирига боғлаб, жумлалар тузиш малакасини

мустаҳкамлаш. Айтилган жумлани қандай ҳолат (кайфият)да айтилганини аниқлаш (хафа, хурсанд).

Кутилаётган натижалар:

Болаларнинг сўзлашув нутқи ривожланади.

Болаларнинг сўзларни бир-бирига боғлаб, жумлалар тузиш малакаси мустаҳкамланади.

Керакли жиҳозлар:

“Боғча-боғча” ўйини учун жиҳозлар

Машғулотнинг бориши

Тарбиячи: Болалар, ҳозир боғчамиз ҳақида суҳбатлашамиз. Биз боғчамизни яхши кўрамиз. Боғчамиз бизнинг иккинчи уйимиз. Сиз мактабга борганингизда ўқитувчингиз “Боғчангиз ҳақида гапириб беринг” дейиши мумкин. Шунда сиз қийналиб қолмаслигингиз учун “Бизнинг боғча” мавзусида ҳикоя тузишга ўрганамиз.

1. Боғчамиз қайси кўчада жойлашган?
2. Боғчамиз неча қаватли?
3. Боғчамизнинг қандай хоналари бор?
4. Ўйин майдончаси, ер майдончалари борми?
5. Боғчамизнинг киравериши қандай безатилган?

Тарбиячи: Боғчамиз ҳақида суҳбатлашиб олдик. Энди ким “Бизнинг боғча” мавзусида ҳикоя тузиб беради? (Тарбиячи намунавий ҳикоя бериши мумкин).

Боғчамиз Олмазор кўчасида жойлашган. Икки қаватли. Биринчи қаватида ошхона, мудира, ҳамшира хоналари бор. Шу қаватда музей жойлашган. Мусаввирлар боғчамизнинг кираверишини ўзбек халқ эртакларидан лавҳалар билан безатишган. Биз боғчамизни яхши кўрамиз. (5-6 боланинг ҳикоялари тингланади).

Тарбиячи: Мен ҳикояларингизни эшитиб, боғчангизни қанчалик яхши кўришингизни билиб олдим. Ҳозир “Мен боғчага бораман” жумласини мен чақирган бола айтади. Қолган болалар айтилган гап қайси кайфиятда айтилганини аниқлайдилар (Болалар жумлани хафа, хурсанд каби ҳолатда-кайфиятда айтишлари мумкин).

Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ

“Тез айтишни –кўп айтиш” ўйини

Мен рандаман, рандаман.

Мен хурсандман устаман.

Болалар, тез айтишда “R” товуши кўп учради.

Келинлар ҳаммамиз г товушини биргаликда талаффуз қиламиз.

Машғулот якунида барча болаларни рағбатлантириш.

6-машғулот

Мавзу: Асарни қайта ҳикоя қилдириш: “Алишер ва булбул” ривояти

Мақсад:

Асарни қайта сўзлаб бериш малакаларини ўстириш. Асар мазмунини мантикий изчилликда ҳикоя қилишни, ўргатишда давом этиш.

Вазифалар:

Болаларнинг боғланган нутқини ривожлантириш. Сўзлаётганда тўғри нафас олишни ривожлантириш. Товушларни сўзларда аниқ айтиш.

А.Навоийнинг ҳикматли сўзларини, ибораларини тушунган ҳолда қайтариш, зарур вақтда эслатма тариқасида ҳикматли сўзларга изоҳлар бериш.

Гапирганда сўзларни бир-бирига боғлаб, жумлалар тузишга ўргатиш.

Кутилаётган натижалар:

Болаларнинг сўзлашув нутқи ривожланади.

Болаларнинг сўзларни бир-бирига боғлаб, жумлалар тузиш малакаси мустаҳкамланади.

Ҳикматли сўзлардан намуналар

Керакли жиҳозлар: “Алишер ва булбул” ривояти

Машғулотнинг бориши

Тарбиячи: Болалар, Алишер Навоийнинг болалик чоғлари ҳақида ёзилган ривоятни ўқиб бераман. Сизлар диққат билан эшитиб ўтиринг. Алишер Навоий қандай қилиб “Навоий” тахаллусини олганлиги ҳақида билиб оласиз (Тарбиячи асарни ўқиб беради).

Асар бўйича саволлар:

1. Алишер кимнинг ўғли бўлган экан?
2. Алишер болалигида қандай бола бўлган экан?
3. Алишернинг овозини булбул қайерда эшитиб қолибди?

Булбул Алишерга қандай маслаҳат берибди?

4. Алишерга булбулнинг қайси сўзи ёкиб қолибди?

Тарбиячи асарни яна бир бор ўқиб беради (5-6 нафар бола ҳикоя қилади).

Бармоқлар машқи

Тарбиячи шеърни ўқиб туради. Болалар ҳаракатни бажарадилар.

Булбул

Д. Икромова

Куйлайман тонг- сахарда,

Ҳоҳ қишлоқ, ҳоҳ шаҳарда.

Куйимдан янграйди дил,

Барча дер: яша булбул!



Ҳикматли сўзлардан намуналар

Бобомиз Алишер Навоийнинг ҳикматли сўзларидан ёд олган эдик. Ҳозир ўрганилган сўзларни такрорлаймиз.

1. Билмагани сўраб олган олим, орланиб сўрамаган ўзига золим.
2. Оз-оз ўрганиб доно бўлур, қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур.
3. Яхши киши ёмонларга ҳам яхшилигини унутмас.
4. Яхшилиқни билмасанг, яхшиларга қўшил

(Болалар ҳикматли сўзларни айтганларида тарбиячи эслатма тариқасида изох бериши мумкин.

Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ

Болалар билан “Оз-оз ўрганиб доно бўлур” гапини сўзларга бўлиш, сўзларни чапак чалиб бўғинларга бўлишни машқ қилиш.

Тарбиячи машғулоти якунида болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантиради.

7-машғулоти

Мавзу: расмларни номлаш (“R” товуши) ва улар иштирокида гап тузиш

Мақсад: Расмларни номлаганда сўздаги ҳар бир товушни тўғри талаффуз қилиш. Болаларга берилган расмлар асосида мустақил гап тузишга ўргатиш. Сўзлар гапда боғланиши ҳақида тушунчаларини мустаҳкамлаш. Сўзларни бўғинларга бўлиш.

Вазифалар:

Расмлар орқали гап ҳақида тушунчаларини мустаҳкамлаш, луғатни фаоллаштириш.

Боғланишли нутқ—гап тузиш кўникмаларини шакллантириш.

Нутқнинг ифодалилигини тарбиялаш.

Гапни сўзларга бўлишга ўргатиш.

Кутилаётган натижалар:

Расмлар асосида гап тузишга ўрганадилар.

Грамматик жиҳатдан тўғри сўзлашга интилади

Керакли жиҳозлар:

Турли мавзуларда расмлар

Машғулотнинг бориши.

Тарбиячи: Бугун болалар, сиз билан “R” товуши иштирок этган расмларни кўрамиз, улар ҳақида гап тузамиз.

-Бу нима? (ракета)

-Мен ракета ҳақида гап туздим. “Ракета учди.”

- болалар, ҳозир мен сизга расмлар тарқатаман. Сиз расмга қараб гап тузасиз.

Тарбиячи: - Феруза, сенда қандай расм бор, номла.

Феруза:-менда ранда расми бор.

Тарбиячи: ранда сўзида “**R**” товуши сўзнинг қаерида келяпти?

Феруза: ранда сўзида “**R**” товуши сўзнинг бошида келяпти.

Тарбиячи: ранда сўзини бўғинга бўл.

Феруза: ран-да

Тарбиячи:- ран-да сўзи неча бўғин экан?

Феруза: ранда сўзи икки бўғин экан

Тарбиячи:- ранда ҳақида қандай гап туздинг?

Феруза: - Рустам ранда олди.

Тарбиячи: тузган гапингда нечта сўз бор?

Феруза: - учта

Тарбиячи: -қандай сўзлар?

Феруза: - “Рустам”, “ранда”, “олди”

Тарбиячи: -тўғри, Феруза уч сўздан иборат гап тузди. Доно дутор чалди. Гапда “Доно” биринчи сўз, “дутор” иккинчи сўз, “чалди” учинчи сўз.

Тарбиячи шу тариқа болалардан “**R**” товуши иштирок этган сўзлардан гап тузишларини сўрайди. Болаларнинг сўздаги товушларни тўғри талаффуз қилишларига, тузилган гапда сўзларнинг боғланишига эътибор беради. Машғулот давомида албатта жисмоний дақиқа ўтилиши лозим.

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар

- Болалар, бугун қайси товуш иштирок этган расмларни номладик ва улар ҳақида гап туздик?

-Нечта сўздан иборат гаплар туздик?

-Қайси сўзда “**R**” товуши сўзнинг бошида келди?

-Қайси сўзда “**R**” товуши сўзнинг ўртасида келди?

-Қайси сўзда “**R**” товуши сўзнинг охирида келди?

8-машғулот

Мавзу: Сурат бўйича ҳикоя тузиш: “Қўл ювиш одоби”

Мақсад:

Сурат бўйича тасвирий ҳикоя тузишга ўргатиш.

Болаларга шахсий гигиена қоидаларига риоя этишни ўргатиш.

Вазифалар:

Боғланган нуткни ривожлантириш. Воқеаларни кетма-кет боғланган ҳолда грамматик жиҳатдан тўғри жумлалар тузиб баён этишга ўргатиш.

Болаларни суратда тасвирланган воқеаларга муносабат билдириб, мустақил ҳикоя тузишга ўргатиш. Берилган сўздан гап тузишга ўргатиш.

Кутилаётган натижалар:

Болаларнинг боғланган нутқи ва товуш маданияти ривожланади. Болалар шахсий гигиена қоидаларига риоя этишга ўрганадилар. Берилган сўзга гап тузишни ўрганадилар.

Керакли жиҳозлар:

“Қўл ювиш одоби ” сурати

Машғулотнинг бориши

Тарбиячи: Болажонлар, тозалик деганда нимани тушунасиш? (Болалар жавоблари)

Тарбиячи: Тўғри, болалар. Тозалик бу- тоза, озода юриш дегани. Тозалик бор жойда доимо соғлиқ бўлади. Ифлосгарчиликдан турли касалликлар келиб чиқади. Чунки ифлос, ювилмаган қўлларда нималар бўлади? (Болалар жавоблари)

Тарбиячи: Тўғри, болалар, ифлос, ювилмаган қўлларда микроблар бўлади. Микроблар кўзга кўринмайдиган жуда майда заррачалар бўлади. Микроблар ўта зарарли, улар одам

организмига ювилмаган кўллар, тирноқларни оғизга тиқиш, ювилмаган мевалар ейиш сабабли тушади ва зудлик билан кўпаяди. Натижада кишилар турли касалликларга учрайди. Бугун биз кўл ювиш одоби ҳақида суҳбатлашамиз. Кўл ювиш одобини сиз қандай тушунасиз? (Болалар жавоблари)

Тарбиячи: Тўғри, болалар, озода бўлиб юришнинг ҳам ўз тартиб қоидалари бор. Озода бўлиб юришнинг тартиб қоидаларига амал қилиш шахсий гигиена дейилади. Шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш ҳар бир боланинг бурчи.

-Болалар, кўлимизни нима учун ювамиз?

-Сиз кўлингизни қачон ювасиз? (Болалар жавоблари)

Тарбиячи: Тўғри, болалар, уйқудан турганда, овқатланишдан олдин, овқатланишдан кейин, хожатдан сўнг, кўллар ифлос бўлганда.

-Кўлни қандай ювиш керак? (Болалар жавоблари)

Тарбиячи: Тўғри, болалар, кўлни ювишда энг аввало кўйлак енгларини шимариб оламиз. Шунда кўйлагимиз енглари хўл бўлмайди. (Суратга қаранг.) Совунни кўпиртириб олиб бармоқларимизни яхшилаб ишқалаймиз. Башмолдоқдан бошлаб жимжилоқда тугатамиз. Бармоқ оралари яхшилаб ишқаланади. Кўлни чайишда ҳам бармоқларимизни яхшилаб ишқалаб чайимиз. Кўлларимизда совун кўпиғи қолмаслиги керак. Чайиб бўлгач кўл қуригунча сочикқа артиради. Ундан кейин кўлингиз тоза бўлади

Тарбиячи: Болалар, сиз сув ҳақида овутмачоқ биласизми? (Болалар жавоблари)

Мана энди болалар суратга қараб ҳикоя тузамиз. Аввал ҳикоянгизга қандай ном беришингизни айтинг. Ҳикоянгизни қизиқарли тугатишга ҳаракат қилинг. (Болалар жавоблари)

Изоҳ. Агар болалар ҳикоя тузишга қийналсалар тарбиячи намуна ҳикоя беради.

Тарбиячининг намунавий ҳикояси.

Соғлом бўлай десанг озода бўл.

Мен эрталаб уйқудан туриб, юз- кўлимни совунлаб ювдим. Кўлларимни ювганимда бармоқларимни яхшилаб ишқаладим. Кўлимда совун кўпиғи қолмагунга қадар чайдим. Тишларимни тозаладим. Ювиниб бўлгач сочикқа артиндим. Доимо озода юрганим учун мен соғ юраман.

Тарбиячи машғулоти шеър ўқиб бериш билан якунлаш мумкин.

Яша, совун, яша сув!

Микроблар бўлар жуда қув, Яшириниб юрар у. Унга қарши курашган Яша совун, яша сув! Ишқаганда кўпирган, Доғларни ҳам ўчирган, Чарчамаган хизматда, Яша совун, яша сув!	Озодалиқ асоси, Буюмларнинг аълоси, Микробларни қирувчи, Яша совун, яша сув! Юзларимни юваман, Ялқовликни қуваман. Соғлиқ берган танамга Яша совун, яша сув!
--	---

Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ

“Копток билан ўйин”

Мақсад: Болаларнинг копток илиб олиш малакаси ошади.

Болалар нутқи ривожланади, фикрлаш доираси кенгаяди. Кайфияти кўтарилади.

Ўйиннинг бориши: Болалар доира шаклида турадилар. Тарбиячи коптокни кўлига олиб, ўйинни бошлаб беради. У “Кўлни совунлаб ювиш - фойдали одат” ёки “Кўлни ювмаслик - зарарли одат” деб тўпни хоҳлаган бир болага отади. Коптокни илиб олган бола охириги жумла “фойдали одат” дейилиши билан бирор бир фойдали одатни айтиши керак. Аксинча “зарарли одат” дейилган бўлса, бола бирор бир зарарли одатни айтади-да, коптокни бошқа болага отади. Коптокни отаётган пайтда у ҳам албатта “фойдали одат” ёки “зарарли одат” дейиши керак. Ўйин шу тарзда давом этади.

Изоҳ: Тарбиячи ўйин давомида копток ҳар бир болага боришига ва жавоблар қайтарилмаслигига аҳамият бериши керак.

Машғулот якунида болаларни рағбатлантириш

Март

1-машғулот

Мавзу: “К” товушини талаффуз қилиш

Мақсад:

“К” товушининг тўғри талаффузини мустаҳкамлаш.

Вазифалар:

“К” товушини ўрни аниқлаш: сўз боши, ўртаси ва охирида келишини айтиш, сўзларни бўғинларга ажратиш, “К” товушини эшитиб фарқлашга ўргатиш, “К” товушли сўзлар билан болалар нутқини бойитиш.

Кутилаётган натижалар:

“К” товушининг ундош товуш эканлигини, унинг сўз боши, ўртаси ва охирида келишини билиб оладилар.

“К” товушли сўзлар айта оладилар.

Керакли жиҳозлар:

“К” товуши бор суратлар

“Бўғинлардан сўз тузинг» таълимий ўйин учун материаллар

Машғулотнинг бориши:

Тарбиячи: бугун болалар “К” товуши ҳақида суҳбатлашамиз. “К” ундош товуш.

Товушни эшитамиз, талаффуз қиламиз. Диққат билан эшитинг “К” товушини талаффуз қилганимда чапак чаласиз.

- “К”, “r”, “l”, “K”, “a”, “o”, “u”, “K”, “sh”, “z”, “K”

- “К” товушига оид сўзлар топишга ҳаракат қиламиз: калит, китоб, камон, каптар, капалак (болалар кийналсалар расм кўрсатиш мумкин)

- Айтилган сўзлардаги “К” товушини ўрнини аниқлаймиз.

Мен айтаман, сиз аниқлайсиз: kitob Мен шу сўзни қайта айтаман, сиз биринчи товушни айтасиз: k-k-ki-tob, Демак, kitob сўзида “К” товуши сўзнинг бошида келяпти; мен бошқа сўзни айтаман, сиз “К” товушини ўрнини аниқланг: mak-tab, демак, mak-tab сўзида “К” товуши сўзнинг ўртасида келяпти. Мен бошқа сўз айтаман диққат билан эшитинг: kaklik демак, kak-lik-k-k сўзида “К” товуши сўзнинг охирида келяпти.

Энди ўзингиз мустақил “К” товуши иштирок этган сўзларни топинг ва ўрнини аниқлашга ҳаракат қилинг. Болалар айтган сўзларини чапак чалиш орқали бўғинларга бўладилар. (нок, карам, кит, картошка, кубик, кетмон, ака, билак, Камол, Комил)

Тетиклаштирувчи машқ

“Нима қандай қичқиради?” ўйини

“К” товуши иштирок этган бўғинларни талаффуз қилиш.

Тарбиячи ko, ki, ka, ku, ko’ бўғинларини талаффуз қилиб, болаларга ўзи намуна кўрсатади. Болалар тарбиячи кетидан хўр бўлиб айтадилар. Сўнг якка-якка айттирилади.

КА- КА- КА

KI-KI-KIU

КО- КО- КО

KU-KU-KU

Неча марта қарсак овозини эшитсангиз, шунча “ка” бўғинини талаффуз қилинг

Шу тартибда ko, ki, ke, ko’ бўғинлари талаффуз этилади.

“Сўзларни тўлдириг” ўйини

Ак-мал, Ка-мол, как-лик, а-ка

Амалий машқ

“Расмларни номланг” машқи

Болаларга олдиларидаги расмларни номлаш ва “К” товушини тўғри талаффуз қилиш, сўзни бўғинга бўлиш каби топшириқлар берилади. Болалар сўзда неча бўғин бўлса, шунча марта чапак чаладилар.

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар :

- Бугун қайси товуш билан танишдик?
- У қандай товуш экан?
- Бу товушни нима қиламиз?
- Биз товушларни нима учун ўрганамиз?"
- “**К**” товуши иштирок этган сўзларни айтинг.
- Қайси транспортнинг номида “**К**” товуши бор? (кема)
- Қайси сабзотнинг номида “**К**” товуши бор? (карам)
- Қайси меҳнат қуролининг номида “**К**” товуши бор? (кетмон)
- Қайси ҳайвоннинг номида “**К**” товуши бор? (кийик)
- Қайси қушнинг номида “**К**” товуши бор? (каптар)

2-машғул

Мавзу: Ўрол Тансиқбоевнинг “Ўзбекистонда баҳор” суратини кўздан кечириш

Мақсад:

Суратга қараб тасвирий ҳикоя тузишга ўргатиш.

Вазифалар:

Болаларнинг сўзлашув нутқини ривожлантириш. Сўзлаётганда тўғри нафас олишни ривожлантириш. Товушларни сўзларда аниқ айтиш. Гапирганда сўзларни бир-бирига боғлаб, жумлалар тузиш малакасини мустаҳкамлаш.

Мақолни турли овозда (баланд, паст, пичирлаб) айтишни машқ қилиш.

Кутилаётган натижалар:

Болаларнинг боғланган нутқи ривожланади.

Болалар сўзлаётганда тўғри нафас олишни, товушларни тўғри талаффуз қилишни ўрганадилар.

Керакли жихозлар:

Ўрол Тансиқбоевнинг “Ўзбекистонда баҳор” сурати

Машғулнинг бориши

Тарбиячи болаларга суратни кўрсатади: Мана бу суратни Ўрол Тансиқбоев ишлаган.

Унинг миллати қozoқ, лекин у Тошкентда яшаганлиги сабабли ўзининг маҳоратини шу республикага бағишлади. Унинг чизган суратларини фақат бизда эмас, бошқа давлатларда яшовчилар ҳам ёқтиради. У табиат манзарасини ишловчи мусаввир. Бугун биз унинг “Ўзбекистонда баҳор” суратини кўздан кечираемиз.

Тарбиячи болаларнинг диққатларини бодом ва ўрик дарахтларининг гулига, тоғ этакларида майсалар кўкаришига, одамларнинг чигит экишга ҳозирлик кўришаётганига жалб қилади.

Сурат бўйича саволлар:

1. Суратда қайси фасл тасвирланган, деб ўйлайсиз?
2. Нима учун баҳор фасли деб айтяпсиз?
3. Қандай дарахтлар гуллаган?
4. Пахтакорлар нимага ҳозирлик кўришяпти?
5. Сурат сизга қандай кайфият уйғотди?
6. Тарбиячи болалар жавобларини умумлаштириб, 2-3 боладан сурат бўйича тасвирий ҳикоя тузишларини сўрайди (қисмлар бўйича).

Тарбиячи сурат бўйича грамматик машқ ўтказади:

Мусаввир йилнинг қайси фаслини тасвирлаган? Қандай кунни? (эрта баҳор, кўёшли кун, очиқ кун).

Суратда дарахтлар қандай тасвирланган? (оппоқ, гуллаган, маржон такқандек).

Майсалар ҳақида нима дейиш мумкин? (янги, ям-яшил, ҳидли).

Бармоқлар машқи

Тарбиячи шеърни ўқиб туради. Болалар ҳаракатни бажарадилар.

Куёш

Эрта тонгда

Куёш туриб

Болаларни эркалайди,

Бошларини силайди.



Билаклар ички тарафи билан бир-бирига теккизилади. Бармоқлар куёш нурлари каби кенг ёйилган ҳолатда бўлади.

Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ

“Ўрик дарахти гуллади” гапини сўзларга ажратиш. “Ўрик “ сўзида товушларнинг кетма-кетлигини аниқлаш: биринчи товушни айтинг, иккинчи товушни айтинг, учинчи товушни айтинг, тўртинчи товушни айтинг. Сўзда ҳаммаси бўлиб нечта товуш бор экан? Қайси товуш унли, қайси товуш ундош? Келинг, биргаликда талаффуз этамиз, таҳлил қиламиз. Машғулот якунида болаларни рағбатлантириш.

3-машғулот

Мавзу: Шахсий ҳаётдан ҳикоя тузиш: “Онамларнинг байрами”

Мақсад:

Тарбиячи томонидан таклиф этилган мавзу бўйича шахсий ҳаёт таассуротлари асосида ҳикоя қилишга ўргатишни, давом эттириш. Тугал мазмунли ҳикоя тузиш кўникмасини мустаҳкамлаш.

Вазифалар:

Болаларнинг боғланган нутқини ривожлантириш. Сўзлаётганда тўғри нафас олишни ривожлантириш. Товушларни сўзларда аниқ айтиш. Тасвир бўйича персонажлар ҳаракатини ифодаловчи сўзлар топа олишга, мазмунли ҳикоя тузишга ўргатиш. Гапирганда сўзларни бир-бирига боғлаб, жумлалар тузиш малакасини мустаҳкамлаш.

Кутилаётган натижалар:

Болаларнинг боғланган нутқи ривожланади.

Болаларнинг сўзларни бир-бирига боғлаб, жумлалар тузиш малакаси мустаҳкамланади.

Керакли жиҳозлар:

“ Онамларнинг байрами” номли сурат

Машғулотнинг бориши

Тарбиячи болалар диққатини “ Онамларнинг байрами” номли суратга жалб қилади:

1. Яқинда қандай байрам бўлади?
2. Бу расмни қандай номлаш мумкин?
3. Унда кимлар тасвирланган?
4. Болалар нима билан шуғулланыптилар?
5. Ҳаммаси нима билан тугулланганини ўйлаб кўринг.

Аввал болалар оналарига қандай совға тайёрлашни ўйлаб кўрганликларини, бу кунга қандай тайёрланганликларини, кейин расмда нима тасвирланганлигини ва байрамни қандай ўтказганликларини ҳикоя қилиб беринг (3-4 боладан сўралади).

- Ҳозир биз “Онамларнинг байрами” мавзусида ҳикоя тузишни ўрганамиз. (Тарбиячи болаларга режа беради):

1. Онангизга нима совға қилмоқчи бўлдингиз?
2. Совғани қандай тайёрлайсиз?
3. Яна кимлар табриклайдилар? Нималар совға қиладилар?
4. Қандай қизиқарли воқеалар юз берди? Мана суҳбатлашиб ҳам олдик. Энди “Онамларнинг байрами” мавзусида ҳикоя тузамиз (5-6 та болалар жавоблари). Оналар байрамига биз кўп шеърлар ёдлаган эдик. Шу шеърларни қайтарамиз.

“Табрик сўзи” ўйини

Тарбиячи: Болалар, тузган ҳикоянгиздан, ёдлаган шеърларингиздан маълум бўлдики, сиз онангизни жуда-жуда яхши кўрар экансиз. Уларни жуда хурсанд қилар экансиз. Ҳозир менинг саволимга чиройли қилиб жавоб беришга ҳаракат қилинг: Қани, Нодир, сиз нима деб табриклайсиз? Сиз-чи Нуриддин? Қани яна ким онасига айтган табригини чиройли қилиб айтиб беради?..... (Шу тариқа болалардан оналарига тайёрлаган табригини қофияли қилиб айтиб беришни сўраш мумкин).

Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ

Тарбиячи: Болалар, ит қандай ириллайди?

Болалар: -ир, ир деб ириллайди.

Тарбиячи: қурбақа-чи, қурбақа қуриллайди?

Болалар: қурбақа «қур-қур» деб қуриллайди.

Тарбиячи итнинг ириллаши ва қурбақанинг қуриллаганидаги сўнгги товуш г ни айириб, чўзиб талаффуз қилади.

“R” товуши талаффуз эттирилади. “R” товушининг сўз бошида (ран-да, ру-боб), ўртасида (а-ри, ар-ра), охирида (а-нор, Аб-рор) келган расмларни номлаш, сўзларни бўғинларга бўлиб айтиш.

4-машғулот

Мавзу: Р.Азизхўжаевнинг “Ойижон” ҳикояси асосида асарни қайта ҳикоя қилишга ўргатиш

Мақсад:

Асарни мазмунли, мантиқий изчилликда ҳикоя қилишга ўргатишни давом эттириш.

Вазифалар:

Боғланган нутқни ривожлантириш. Сўзларни тўғри талаффуз қилишга ўргатиш.

Сўзлаётганда тўғри нафас олишни ривожлантириш. Нутқнинг товуш маданияти. Асар воқеаларини сўзлаётганда овоз оҳангининг хилма-хиллиги, илтимос, ўжарлик кабиларни қўллай олишга ўргатиш. Берилган сўзлардан хилма-хил гаплар тузишни машқ қилиш.

Кутилаётган натижалар:

Болаларнинг боғланган нутқи ривожланади.

Болалар берилган сўзлардан хилма-хил гаплар тузишни ўрганадилар.

Керакли жиҳозлар:

Она ва бола тасвирланган сурат

Машғулотнинг бориши

Тарбиячи: Болалар, дунёда энг сеvimли, меҳрибон кишимиз ким? (Онамиз). Жуда тўғри онамиз! (Тарбиячи она ва бола тасвирланган суратни илади). У меҳрибон, ғамхўр. Улар бизни озода қилиб кийинтириб қўядилар. Агар ўйнаб кеч қолсак, дарров излаб топадилар. Оналаримиз пазанда: бизга нон, сомса ва мазали овқатлар қилиб берадилар.

Сиз онангизни яхши кўрасизми?

Уларнинг айтганларини қиласизми? Мен ҳозир сизга Р.Азизхўжаевнинг “Ойижон” ҳикоясини ўқиб бераман. Диққат билан эшитинг-чи! Ҳикояда Қосим деган бола онасига қандай муомалада бўлар экан? (Тарбиячи ҳикояни ўқиб беради).

Ҳикоя бўйича саволлар:

1. Қосимнинг онаси нима учун баъзан уни жеркиб ташлар экан?

2. Пўлатжон қандай бола?

3. Қосим Пўлатдан ўрнак олдиими?

4. Онаси Қосимга қандай муомалада бўладиган бўлди?

Тарбиячи болалар жавобларини умумлаштириб, ҳикояни яна бир бор ўқиб беради. (3-4 боланинг жавоблари тингланади).

Мақоллар устида ишлаш. Тарбиячи болаларга одоб-ахлоқ ҳақида мақоллар айтади:

1. Одоби бола элга манзур.

2. Ўзингдан каттани ҳурмат қил.

Тарбиячи: Болалар, сиз қандай ўйлайсиз? Бу мақоллар ҳикояга мосми?

3. Қосим ҳақида қандай мақол айтиш мумкин?

(Ўзингдан каттани ҳурмат қил).

4. Пўлат ҳақида қандай мақол айтиш мумкин? (Одобли бола элга манзур).

Бармоқлар машқи

Тарбиячи шеърни ўқиб туради. Болалар ҳаракатни бажарадилар.

Пуфак

Катталашар пуфласангиз

Худди катта коптокча.

Биз уларни ўйнаймиз,

Қувлаб, қочиб, қувнаймиз.

Ёрилди-ю "пак" этди,

Ҳавоси чиқиб кетди.



Иккала қўлнинг барча бармоқлари

ораси кенг очилиб, бир-бирига

теккизиб турилади. Шу ҳолда уларга қараб ҳаво пуфланади ва бармоқлар бироз букланиб шар шаклига келтирилади. "Ҳаво чиқиб кетгач" бармоқлар яна аввалги ҳолатга қайтади.

Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ

"Сўздан гап тузамиз" ўйини

Берилган сўз иштирокида гап тузиш. Бунда болалар тарбиячининг топшириғига биноан хилма-хил гаплар тузадилар. Масалан, тарбиячи "Она" сўзини айтса, болалар она ҳақида гап тузадилар:

Мен онамни яхши кўраман.

Онам мени эркалайдилар.

Ойижоним шифокор бўлиб ишлайдилар.

Ойижоним кеча нон ёпдилар.

Машғулот якунида барча болаларни рағбатлантириш.

5-машғулот

Мавзу: Шахсий ҳаётдан ҳикоя тузиш. "Мен Наврўз байрамини қандай ўтказдим?"

Мақсад:

Тарбиячининг режаси асосида шахсий ҳаётда бўлган воқеаларни ҳикоя қилиб, сўзлаб беришга ўргатиш.

Вазифалар:

Болаларнинг боғланган нутқини ривожлантириш. Сўзлаётганда тўғри нафас олишни ривожлантириш. Товушларни сўзларда аниқ айтиш. Грамматик жиҳатдан тўғри жумлалар билан савол ва жавоб бериш малакаларини ривожлантириш.

Кутилаётган натижалар:

Болаларнинг боғланган нутқи ривожланади.

Болалар грамматик жиҳатдан тўғри жумлалар билан савол ва жавоб беришни ўрганадилар.

Керакли жиҳозлар:

"Миллий таомлар ошхонаси" ўйини учун жиҳозлар

Машғулотнинг бориши

Тарбиячи: Болалар, қандай байрам бўлиб ўтди? Биз аввал Наврўз байрамини боғчада ўтказдик. Наврўз эрталиги жуда қизиқарли бўлди. Саҳий, қувноқ Баҳорой бизга совға-саломлар берди. Ҳаммангиз Наврўз байрамини уйингизда давом эттирдингиз. "Наврўз байрами" куни дам олиш куни. Ҳозир биз "Мен Наврўз байрамини қандай ўтказдим?" мавзусида ҳикоя тузиб беришни ўрганамиз.

1. Шу куни сиз қачон, қаерга, ким билан бордингиз?

2. У ерда нималарни кўрдингиз?

3. Қандай томошалар сизга жуда ёқди? Шулар ҳақида гапириб берасиз.

Мана менинг намуна ҳикоямни эшитинг:

Мен байрам куни ўғлим билан А.Навоий номли миллий боғга бордим. У ерда очик саҳналардаги томошаларни кўрдик. Бизга дор ўйини жуда ёқди. Майдонда ошпаз акаларимиз сумалак, ҳалим улашаётган эканлар, улардан олиб уйга қайтдик. Мен чой дамлаб келдим, мазза қилиб сумалак еб олдик. (Тарбиячининг намунасида сўнг 5-6 боланинг ҳикоялари тингланади)

Машғулот якунида болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантириш.

6-машғулот

Мавзу: расмларни номлаш (“К” товуши) ва улар иштирокида гап тузиш

Мақсад: Расмларни номлаганда сўздаги ҳар бир товушни тўғри талаффуз қилиш. Болаларга берилган расмлар асосида мустақил гап тузишга ўргатиш. Сўзлар гапда боғланиши ҳақида тушунчаларини мустаҳкамлаш. Сўзларни бўғинларга бўлиш.

Вазифалар:

Расмлар орқали гап ҳақида тушунчаларини мустаҳкамлаш, луғатни фаоллаштириш.

Боғланишли нутқ—гап тузиш кўникмаларини шакллантириш.

Нутқнинг ифодалилигини тарбиялаш.

Гапни сўзларга бўлишга ўргатиш.

Кутилаётган натижалар:

Расмлар асосида гап тузишга ўрганадилар.

Грамматик жиҳатдан тўғри сўзлашга интилади

Керакли жиҳозлар:

Турли мавзуларда расмлар

Машғулотнинг бориши. Тарбиячи: Бугун болалар, сиз билан “К” товуши иштирок этган расмларни кўрамиз, улар ҳақида гап тузамиз.

-Бу қандай қуш (какку)

-Мен какку ҳақида гап туздим. “Какку чиройли сайрайди.”

-Сиз какку ҳақида қандай гап тузган бўлар эдингиз?

(Болалар жавоблари: какку учди; какку сайради; какку кукулади.)

-Баракалла, болалар, ҳозир мен сизга расмлар таркатаман. Сиз расмга қараб гап тузасиз.

Тузган гапингизда “К” товуши кўпроқ учрашига ҳаракат қилинг.

Тарбиячи: - Феруза, сенда қандай расм бор, номла.

Феруза:-менда китоб расми бор.

Тарбиячи: китоб сўзида “К” товуши сўзнинг қаерида келяпти?

Феруза: китоб сўзида “К” товуши сўзнинг бошида келяпти.

Тарбиячи: китоб сўзини бўғинга бўл.

Феруза: ки-тоб

Тарбиячи:- ки-тоб сўзи неча бўғин экан?

Феруза: ки-тоб сўзи икки бўғин экан

Тарбиячи:- китоб ҳақида қандай гап туздинг?

Феруза: - Карим китоб олди.

Тарбиячи: тузган гапингизда нечта сўз бор?

Феруза: - учта

Тарбиячи: -қандай сўзлар?

Феруза: - “Карим”, “китоб”, “олди”

Тарбиячи: -тўғри, Феруза уч сўздан иборат гап тузди. Карим китоб олди. Гапда “Карим” биринчи сўз, “китоб” иккинчи сўз, “олди” учинчи сўз.

Тарбиячи шу тариқа болалардан “К” товуши иштирок этган сўзлардан гап тузишларини сўрайди. Болаларнинг сўздаги товушларни тўғри талаффуз қилишларига, тузилган гапда сўзларнинг боғланишига эътибор беради. Машғулот давомида албатта жисмоний дақиқа ўтилиши лозим.

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар

- Бугун болалар, қайси товуш иштирок этган расмларни номладик ва улар ҳақида гап туздик?
- Нечта сўздан иборат гаплар туздик?
- Қайси сўзда “К” товуши сўзнинг бошида келди?
- Қайси сўзда “К” товуши сўзнинг ўртасида келди?
- Қайси сўзда “К” товуши сўзнинг охирида келди?

7-машғулот

Мавзу: Жамоя ҳаётидан ҳикоя тузиш: “Боғчамдаги ёқтирган ўйинларим”

Мақсад:

Воқеа-ҳодисаларни мантиқий изчилликда шахсий ҳаётдаги таассуротлардан мисоллар келтириб, сўзлаб беришга ўргатиш.

Вазифалар:

Болаларнинг сўзлашув нутқини ривожлантириш. Сўзлаётганда тўғри нафас олишни ривожлантириш. Ўйинчоқлар номлари билан луғатни фаоллаштириш. Топишмоқлар мазмунини тушунишга ўргатиш.

Кутилаётган натижалар:

Болаларнинг сўзлашув нутқи ривожланади.

Болаларнинг сўзларни бир-бирига боғлаб, жумлалар тузиш малакаси мустаҳкамланади.

Керакли жиҳозлар:

Турли ўйинчоқлар

Машғулотнинг бориши

Тарбиячи: Болалар, бугун сиз боғчадаги энг яхши кўрган ўйинларингиз ҳақида гапириб берасиз.

Айтинг-чи, қандай ўйинлар ўйнашни яхши кўрасиз? Сиз ўртоқларингиз билан ўйин ҳақида, ўйинчоқлар ҳақида қандай келишиб оласиз? Ким билан қандай ўйнайсиз?

Болалар ҳикоя тузишга қийналсалар, тарбиячи намуна беради:

Болалар, ёнимиздаги гуруҳ болалари мана бундай ҳикоя тузибдилар. Менинг энг ёқтирган ўйиним “Қурилиш” ўйини. Мен кўпинча Садир, Собир ўртоқларим билан бирга ўйнайман. Собир машинани яхши кўради. Шунинг учун у доим ҳайдовчи бўлади. У ўз машинасида бизга керакли жиҳозларни олиб келади. Биз Садир билан қурувчилармиз. Биз кеча уй қурганмиз. Уйимиз катта ва чиройли чиқди. Ҳаммамиз бирга қурганмиз, жуда чиройли уй бўлди (Тарбиячи намунасидан сўнг 3-4 та бола ҳикояси тингланади).

“Топган-топалоқ” ўйини

Болажонлар, мен ҳозир сизларга ўйинчоқлар ҳақида топишмоқлар айтаман, сизлар топасизлар:

1. Чўпчагим чўпчак,

Олтин беланчак

Етти қизнинг онаси

Халигача келинчак. (қўғирчоқ)

2. Тап-тап этади,

Урсам учиб кетади (Копток)

кабилар.

Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ

Қўғирчоқ, копток сўзларини бўғинларга бўлинг. Сўздаги биринчи товушни айтинг, охирги товушни айтинг. “Копток” сўздан унли товушларни топинг.

“Копток” сўзида товушлар ўрнини аниқланг.

Машғулот якунида тарбиячи болаларга сеvimли ўйинларидан бирини ўйнашни таклиф қилади.

8-машғулот

Мавзу: “Баҳорда кишилар меҳнати” сурати бўйича ҳикоя тузиш

Мақсад: Сурат бўйича мазмунли ҳикоя тузишга, суратдаги тасвирдан олдинги воқеаларни мустақил ўйлаб тузишга ўргатиш.

Вазифалар:

«Баҳор», «кишилар меҳнати» мавзуларида луғатни фаоллаштириш.

Воқеа-ҳодисаларнинг муҳим белгиларини ажратишга, солиштиришга ва умумлаштиришга, уларни ифодалаш учун аниқ сўзларни танлашга ўргатиш.

Боғланишли нутқ—ҳикоя тузиш кўникмаларини шакллантириш.

Болалар луғатларини полиз, дала, қизгин, сабзавотлар: карам, қовоқ, бақлажон; мевалар, кўмаклашиш каби сўзлар билан фаоллаштириш.

Кутилаётган натижалар:

Сурат бўйича мазмунли ҳикоя тузишга, суратдаги тасвирдан олдинги воқеаларни мустақил ўйлаб тўқишга ўрганадилар.

Грамматик жиҳатдан тўғри сўзлашга интилади

Керакли жиҳозлар:

«Баҳорда кишилар меҳнати» мавзусида суратлар тўплами

Машғулотнинг бориши. Сурат илиб қўйилади ва мазмуни бўйича суҳбат ўтказилади.

- Суратда қайси фасл тасвирланган?
 - Нима учун шундай деб ўйлайсиз?
 - Расмда қандай меҳнат турлари тасвирланган?
 - Болалар нима қилишяпти?
- (кўчат экишда ёрдамлашяптилар)

Болалар тасаввур қилинг, расмда сиз тасвирлангансиз. Ҳикоя қилишда икки киши бўлиб ҳикоя тузасиз. Бирингиз ҳикояни бошлайсиз, бирингиз тугатасиз.

Шу тариқа болаларнинг сурат асосида тузган ҳикоялари тингланади. Болалар ҳикоя тузишда қийналсалар тарбиячи намуна ҳикоя беради.

Баҳор фасли келди. Дала ва боғларда иш қизгин. Далаларимизда чигит, полизларда эса сабзавотлар экилмоқда. Мевали боғларимизда дарахтларнинг тағларини чопиш, танасини оқлаш, ортиқча шохларини кесиш, ариқларни тозалаш ишлари бошланган. Баҳор фаслининг апрел ойида чорва моллари ўтлоққа чиқади. Қўй, эчкиларнинг юнги қирқилади. Пиллакорлар пилла етиштирадилар.

Тарбиячининг намуна ҳикоясидан сўнг болаларнинг тузган ҳикоялари тингланади.

Жисмоний дақиқа (ихтиёрий)

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар :

- Суратда қайси фасл тасвирланган?
- Нима учун шундай деб ўйладингиз?
- Расмда қандай меҳнат турлари тасвирланган?
- Болалар нима қилишяпти?
- Баҳор фаслида қандай полиз экинлари экилади?

Апрел

1-машғулот

Мавзу: “Ch” товушини талаффуз қилиш

Мақсад:

“Ch” товушининг тўғри талаффузини мустаҳкамлаш.

Вазифалар:

“Ch” товушини ўрни аниқлаш: сўз боши, ўртаси ва охирида келишини айтиш, сўзларни бўғинларга ажратиш, “Ch” товушини эшитиб фарқлашга ўргатиш, “Ch” товушли сўзлар билан болалар нутқини бойитиш.

Кутилаётган натижалар:

“Ch” товушининг ундош товуш эканлигини, унинг сўз боши, ўртаси ва охирида келишини билиб оладилар.

“Ch” товушли сўзлар айта оладилар.

Керакли жиҳозлар:

“Ch” товуши бор суратлар

“Бўғинлардан сўз тузинг» таълимий ўйин учун материаллар

Машғулотнинг бориши:

Тарбиячи: бугун болалар **“Ch”** товуши ҳақида суҳбатлашамиз. **“Ch”** ундош товуш. Товушни эшитамиз, талаффуз қиламиз. Диққат билан эшитинг **“Ch”** товушини талаффуз қилганимда чапак чаласиз.

- **“Ch”** “t”, “l”, **“Ch”**, “a”, “o”, “u”, **“Ch”**, “sh”, “z”, **“Ch”**

- **“Ch”** товушига оид сўзлар топишга ҳаракат қиламиз: чамадон, чойнак, чанғи, кўғирчоқ, ручка, чўмич, эчки, печка (болалар қийналсалар расм кўрсатиш мумкин)

- Айтилган сўзлардаги **“Ch”** товушини ўрнини аниқлаймиз.

Мен айтаман, сиз аниқлайсиз: choу-nak. Мен шу сўзни қайта айтаман, сиз биринчи товушни айтасиз: ch-ch-choу-nak, Демак, choу-nak сўзида **“Ch”** товуши сўзнинг бошида келяпти; мен бошқа сўзни айтаман, сиз **“Ch”** товушини ўрнини аниқланг: to’у-chi, демак, to’у-chi сўзида **“Ch”** товуши сўзнинг ўртасида келяпти. Мен бошқа сўз айтаман диққат билан эшитинг: cho’-mich демак, cho’-mich сўзида **“Ch”** товуши сўзнинг охирида келяпти.

Энди ўзингиз мустақил **“Ch”** товуши иштирок этган сўзларни топинг ва ўрнини аниқлашга ҳаракат қилинг. Болалар айтган сўзларини чапак чалиш орқали бўғинларга бўладилар. (чой, чол, чана, чимоли, чақалоқ)

Тетиклаштирувчи машқ

“Поезд” ўйини

“Ch” товуши иштирок этган бўғинларни талаффуз қилиш.

Тарбиячи cho, chi, cha, chu, cho’ бўғинларини талаффуз қилиб, болаларга ўзи намуна кўрсатади. Болалар тарбиячи кетидан хўр бўлиб айтадилар. Сўнг якка-якка айттирилади.

Cha- Cha - Cha

Chu-Chu-Chu

Cha - Cha - Cha

Chu-Chu-Chu

Неча марта қарсак овозини эшитсангиз, шунча Cha бўғинини талаффуз қилинг

Шу тартибда cho, chi, cho’ бўғинлари талаффуз этилади.

Амалий машқ

“Расмларни номланг” машқи

Болаларга олдиларидаги расмларни номлаш ва **“Ch”** товушини тўғри талаффуз қилиш, сўзни бўғинга бўлиш каби топшириқлар берилади. Болалар сўзда неча бўғин бўлса, шунча марта чапак чаладилар.

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар :

- Бугун қайси товуш билан танишдик?

-У қандай товуш экан?

-Бу товушни нима қиламиз?

- Биз товушларни нима учун ўрганамиз?"

-**“Ch”** товуши иштирок этган сўзларни айтинг.

-Қайси киш ўйинининг номида **“Ch”** товуши бор? (чана)

-Қайси ошхона идишнинг номида **“Ch”** товуши бор? (чўмич)

-Қайси қушнинг номида **“Ch”** товуши бор? (қалдирғоч)

-Қайси ҳайвоннинг номида **“Ch”** товуши бор? (эчки, чўчка)

2-машғулот

Мавзу: М.Муродовнинг “Икки хил ёрдам” ҳикояси асосида асарни қайта ҳикоя қилиш

Мақсад:

Асарни қайта ҳикоя қилиш малакасини ўстиришни давом эттириш. Асар воқеаларини сўзлаётганда сўроқ, ҳайратланиш каби овоз оҳангининг турларини қўллай олиш кўникма ва малакаларини ўстириш.

Вазифалар:

Болаларнинг боғланган нутқини ривожлантириш. Сўзлаётганда тўғри нафас олишни ривожлантириш. Сўзларни аниқ ва бурро айтиш. Болаларнинг мазмунли суратлар билан ўйин жараёнида тўлиқ жумлалар тузишларига эришиш.

Кутилаётган натижалар:

Болаларнинг боғланган нутқи ривожланади.

Болалар мантиқий ривожланиб боровчи ҳикоя тузишни ўрганадилар.

Керакли жиҳозлар:

Ҳикояни саҳналаштириш учун жиҳозлар

Машғулотнинг бориши

Тарбиячи: Болалар, сиз бир-бирига, катталарга, кичикларга ёрдам бериш деганда нимани тушунасиз? Сизга айтсам, ёрдам бериш ҳам икки хил бўлар экан. Қандай дейсизми? Ҳозир мен ўқиб бермоқчи бўлган ҳикоя икки хил ёрдам ҳақида ёзилган. Ҳикояни диққат билан эшитсангиз, қайси бир ёрдам яхши эканлигини билиб оласиз.

Тарбиячи ҳикояни ифодали қилиб ўқиб беради. Ҳикоя бўйича саволлар:

1. Ҳикоя нима ҳақида экан?
2. Бир хотин нима кўтариб кетаётган экан?
3. Биринчи бола нима деб ўтиб кетди?
4. Иккинчи бола нима иш қилди ва нима эшитди?
5. Биринчи бола нимага хайрон бўлиб қолди?

Савол-жавобдан сўнг тарбиячи ҳикояни яна бир марта ўқиб беради (5-6 боланинг ҳикояси тингланади).

Тарбиячи грамматик машқ ўтказади:

Хотин оғир тўр халтани кўтариб кетаётганда қандай ҳолатда эди? (чарчаган, толиққан, хориған).

Иккинчи бола картошкани тўр халтага солганда хотиннинг кайфияти қандай ўзгарди? (хурсанд, суюнди, мамнун) каби.

Машғулот якунида болаларни рағбатлантириш.

3-машғулот

Мавзу: Шахсий ҳаёт (тажриба)дан ҳикоя тузиш “Метрода”

Мақсад:

Шахсий ҳаётдан мазмунли изчилликда ҳикоя тузишга ўргатиш.

Вазифалар:

Боғланган нутқни ривожлантириш. Сўзлаётганда тўғри нафас олишни ривожлантириш. Нутқнинг ифодалилигини тарбиялаш. Ўз нутқида уюшиқ бўлакли гаплардан фойдаланиш малакасини мустаҳкамлаш. Берилган расмлар асосида сўз тузиш, айтилган сўз, товушларни аниқ талаффуз этишга ўргатиш.

Кутилаётган натижалар:

Болаларнинг боғланган нутқи ва товуш маданияти ривожланади. Болаларда ижодий, мустақил фикрлаш ва буни нутқда ифодалаш кўникма ҳамда малакалари шаклланади. Берилган расмлар асосида сўз тузиш, айтилган сўз, товушларни аниқ талаффуз этишга ўрганадилар.

Керакли жиҳозлар:

“Метро” мавзусида расм

Транспортларнинг алоҳида-алоҳида тасвири

Машғулотнинг бориши

Тарбиячи: “Биз қаерга борганимизда метрога тушган эдик? Метрога яна кимлар билан тушгансиз? Метрога тушганингизда бекатлари қандай эди? Бекатлар ҳақида нима дейиш мумкин?” (ёруғ, озода, кенг, чиройли, нақшли).

2. Поездлар ҳақида нима дейиш мумкин? (тез юрар, кетма-кет).

3. Зиналар қандай эди? (ўзиюрар, баланд). Савол – жавобдан сўнг тарбиячи болаларга ҳикоя тузишни таклиф этади: “Болалар ҳикоя тузганингизда ҳозирги ишлатган сўзлардан фойдаланишингиз мумкин”.

Тарбиячининг ёрдамчи саволлари:

1. Метрода қаерга борган эдингиз?

2. Пастга –ер ости бекатига нимада тушдингиз?

3. Қайси бекатни томоша қилдингиз?

4. Бекатда яна нималарни кўрдингиз?

Савол – жавобдан сўнг тарбиячи намунавий ҳикоя қилиши мумкин.

Онам билан мен кўғирчоқ театрига бормокчи бўлдик. Метрога онам билан тушдик. Онам аввал жетонлар сотиб олдилар. Жетонни ўтадиган жойга ташлаб ўтдилар. Мен ёш болалар ўтадиган жойдан ўтиб кетдим. Биз ўзиюрар зиналар орқали метронинг ер ости бекатига тушдик. Бу бекат жуда чиройли ва озода экан. Турли нақшлар билан безатилган. Кетма – кет поездлар келди. Поезд эшиклари ўзи очилади, ўзи ёпилади. Поезд қўзғалди. Биз “Мустақиллик” майдони бекатида тушдик. Бу бекат жуда чиройли экан. Яна ўзи юрар зиналар орқали юқорига чиқдик ва театр томон йўл юрдик (3-4 болаларнинг жавоблари). Тарбиячи: “Болалар, поезд ҳайдовчисининг гапини паст-баланд, ўртача суръатда айтишга ҳаракат қиламиз”: “Эҳтиёт бўлинг, эшиklar ёпилади, кейинги бекат “Пахтакор”. Тарбиячи юқоридаги жумлаларни овоз суръатини ўзгартириб (айттириб) айтишга ўргатади.

“Кластер” ўйини бўйича транспорт турларини гуруҳлаш

Болаларга турли хилдаги транспортларнинг алоҳида-алоҳида расмлари тўплами берилади. Болалар транспортларни қаерда ҳаракат қилишларига қараб гуруҳлаб чиқадилар—ерда юрадиган, осмонда учадиган, сувда сузадиган.

4-машғул

Мавзу: расмларни номлаш (“Ch” товуши) ва улар иштирокида гап тузиш

Мақсад: Расмларни номлаганда сўздаги ҳар бир товушни тўғри талаффуз қилиш.

Болаларни берилган расмлар асосида мустақил гап тузишга ўргатиш. Сўзлар гапда боғланиши ҳақида тушунчаларини мустаҳкамлаш. Сўзларни бўғинларга бўлиш.

Вазифалар:

Расмлар орқали гап ҳақида тушунчаларини мустаҳкамлаш, луғатни фаоллаштириш.

Боғланишли нутқ—гап тузиш кўникмаларини шакллантириш.

Нутқнинг ифодалилигини тарбиялаш.

Гапни сўзларга бўлишга ўргатиш.

Кутилаётган натижалар:

Расмлар асосида гап тузишга ўрганадилар.

Грамматик жиҳатдан тўғри сўзлашга интилади

Керакли жиҳозлар:

Турли мавзуларда расмлар

Машғулнинг бориши. Тарбиячи: Бугун болалар, сиз билан “Ch” товуши иштирок этган расмларни кўрамиз, улар ҳақида гап тузамиз.

-Бу нима? (чана)

-Мен чана ҳақида гап туздим. “Мен укамни чанада учирдим.”

-Сиз чана ҳақида қандай гап тузган бўлар эдингиз?

(Болалар жавоблари: менда катта чана бор; чана учдик; чана расмини чиздим.)

-Баракалла, болалар, ҳозир мен сизга расмлар тарқатаман. Сиз расмга қараб гап тузасиз.

Тузган гапингизда “Ch” товуши кўпроқ учрашига ҳаракат қилинг.

Тарбиячи: - Зухриддин, сенда қандай расм бор, номла.

Зухриддин:-менда чойнак расми бор.

Тарбиячи: чойнак сўзида “Ch” товуши сўзнинг қаерида келяпти?

Зухриддин : чойнак сўзида Ch” товуши сўзнинг бошида келяпти.

Тарбиячи: чойнак сўзини бўғинга бўл.

Зухриддин: чой-нак

Тарбиячи:- чой-нак сўзи неча бўғин экан?

Зухриддин: чой-нак сўзи икки бўғин экан

Тарбиячи:- чойнак ҳақида қандай гап туздинг?

Зухриддин: - чойнакда чой бор.

Тарбиячи: тузган гапингда нечта сўз бор?

Зухриддин: - учта

Тарбиячи: -қандай сўзлар?

Зухриддин: - “choynakda”, “choy”, “bor”

Тарбиячи: -тўғри, Зухриддин уч сўздан иборат гап тузди. Чойнакда чой бор. Гапда “Чойнак” биринчи сўз, “choy” иккинчи сўз, “bor” учинчи сўз.

Тарбиячи шу тариқа болалардан “Ch” товуши иштирок этган сўзлардан гап тузишларини сўрайди. Болаларнинг сўздаги товушларни тўғри талаффуз қилишларига, тузилган гапда сўзларнинг боғланишига эътибор беради. Машғулот давомида албатта жисмоний дақиқа ўтилиши лозим.

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар

- Болалар, бугун қайси товуш иштирок этган расмларни номладик ва улар ҳақида гап туздик?

-Нечта сўздан иборат гаплар туздик?

-Қайси сўзда “Ch” товуши сўзнинг бошида келди?

-Қайси сўзда “Ch” товуши сўзнинг ўртасида келди?

-Қайси сўзда “Ch” товуши сўзнинг охирида келди?

5-машғулот

Мавзу: “Фил билан хўроз” ўзбек халқ эртаги асосида ҳикоя қилишга ўргатиш

Мақсад:

Асарни аниқ ва тасвирий ифодалардан фойдаланган ҳолда ҳикоя қилишга ўргатиш.

Вазифалар:

Сўзлашув нутқини шакллантириш. Сўзларни аниқ ва бурро айтиш.

Сўзлаётганда тўғри нафас олишни ривожлантириш. Нутқнинг ифодалилигини тарбиялаш.

От, сифат, феълга синоним сўзлар топишни машқ қилиш

Сўзларни бўғинларга бўлишни машқ қилиш

Кутилаётган натижалар:

Болаларнинг сўзлашув нутқи ривожланади.

Болаларда ўз фикрини нутқда ифодалаш кўникма ҳамда малакалари шаклланади.

Сўзларни бўғинларга бўлишга ўрганадилар.

Керакли жиҳозлар:

Ҳайвонлар тасвири

Машғулотнинг бориши

Тарбиячи: Болалар, энг кучли ҳайвон қайси ҳайвон деб ўйлайсиз?

Фил ўзини энг кучли, энг кўп овқат ейдиган деб ўйлар экан. Лекин кунлардан бир куни у хўроз билан учрашиб қолибди. Ўша-ўша у ўз фикридан қайтибди. Нима учун дейсизми?

Ҳозир мен сизларга “Фил билан Хўроз” эртагини ўқиб бераман. Шундан сўнг сиз ҳам филнинг фикрига қўшиласиз (тарбиячи эртакни ўқиб беради).

Эртак бўйича саволлар:

1. Эртак қандай бошланади?

2. Хўроз фил олдида келиб нима қилибди?

3. Фил хўрозга нима дебди?

4. Ким овқатни кўп ебди?

5. Фил нима деб ҳайрон бўлибди?

6. Гаровда ютган хўроз нима қилибди?

(Савол-жавобдан сўнг 5-6 нафар боланинг жавоблари тингланади).

Тетиклаштирувчи машқ

Хўроз бўлиб юриш, қанотларни қоқиш, овозига тақлид қилиш.

Грамматик машқ

Болалар: “Бунча чиранади?” Бу гапни яна қандай айтиш мумкин? (Бунча мақтанади?)

Бунча керилади?)

“Мақтамоқ” сўзига қарама-қарши сўз топинг (ёмонламоқ). “Мен зўрман”. Бу гапни яна қандай қилиб айтиш мумкин? (ботирман, жасурман, мардман, кўрқоқ эмасман).

6-машғулот

Мавзу Шахсий ҳаётдан ҳикоя тузиш. “Туғилган кун”

Мақсад:

Тарбиячи тақлиф этган мавзу бўйича ўз шахсий ҳаётидан қисқа ҳикоя тузишга ўрганиш.

Вазифалар:

Сўзлашув нутқини шакллантириш. Сўзларни аниқ ва бурро айтиш.

Сўзлаётганда тўғри нафас олишни ривожлантириш. Нутқнинг ифодалилигини тарбиялаш. От, сифат, феълга синоним сўзлар топишни машқ қилиш

Сўзларни бўғинларга бўлишни машқ қилиш

Кутилаётган натижалар:

Болаларнинг сўзлашув нутқи ривожланади.

Болаларда ўз фикрини нутқда ифодалаш кўникма ҳамда малакалари шаклланади.

Сўзларни бўғинларга бўлишга ўрганадилар.

Керакли жихозлар:

Ўйинчоқ, идиш, ҳайвон, паррандалар суратлари

Машғулотнинг бориши

Болалар, бугун биз энг қувончли кун ҳақида суҳбатлашамиз. Қани бир эслангчи, яқинда гуруҳимизда кимнинг туғилган куни бўлиб ўтди. Тўғри, Азизанинг туғилган куни бўлган эди. Шу куни қувноқ мусиқа янгради. Биз Азиза учун шеър, кўшиқ, рақслар ижро этдик, Азизага расмни китобча совға қилган эдик. Шу куни ҳаммамиз хурсанд бўлиб, уйга байрам руҳида кетдик.

Биз ҳозир "Туғилган кунда" мавзусида ҳикоя тузишга ўрганамиз. Қани бир эсланг-чи, сизнинг ҳам туғилган кунингизни уйда нишонлашганми?

Кимлар келган? Нима совға қилишган? Қандай қизиқарли воқеалар бўлган ёки сиз ўртоғингизни туғилган кунига боргандирсиз. Ким билан бордингиз. Қандай совға олиб боргансиз?

Шу кун қандай қизиқарли воқеалар билан тугади?

Болалар ҳикоя қилишда қийналсалар тарбиячи ҳикоя намунасини беради.

Бир кун ойим мени ювиб-тараб, янги кўйлак кийгаздилар. Шаҳло ўртоғингни туғилган кунига борамиз дедилар. Мен жуда хурсанд бўлиб кетдим. Биз меҳмонга бордик. Мен совғани Шаҳлога бердим. Биз Шаҳло билан олдин қувлашмачоқ ўйнадик. Кейин хола-хола ўйнадик. Кечқурун меҳмондан уйимизга қайтиб келдик. Тарбиячи намунасидан сўнг 3 — 4 бола ҳикояси тингланади. Ҳикоя қилишда қийналганларга ёрдам бериш билан ёндошади.

Тетиклаштирувчи машқ

Болалар, менинг олдимда турли ҳил ўйинчоқлар турибди. Бу кийимлар, идишлар мусиқий асбоблар. Ҳозир биз ўйинчоқларни қайси гуруҳга киришини ажратамиз. Доира бўлиб туриб олинглар. Мен бирор ўйинчоқни номини айтиб, коптоқни отаман, илиб олган бола мен айтган сўзни нимани ифодалашини тез айтиб беради. Масалан кўғирчоқ — бу ўйинчоқ

чойнак — идиш

сурнай — мусиқа асбоби

Тарбиячи машғулоти тез айтиш билан тугатиш мумкин:

7-машғулоти

Мавзу: “F” товушини тўғри талаффуз қилиш

Мақсад:

“F” товушининг тўғри талаффузини мустаҳкамлаш.

Вазифалар:

“F” товушини ўрни аниқлаш: сўз боши, ўртаси ва охирида келишини айтиш, сўзларни бўғинларга ажратиш, “F” товушини эшитиб фарқлашга ўргатиш, “F” товушли сўзлар билан болалар нутқини бойитиш.

Кутилаётган натижалар:

“F” товушининг ундош товуш эканлигини, унинг сўз боши, ўртаси ва охирида келишини билиб оладилар.

“F” товушли сўзлар айта оладилар.

Керакли жиҳозлар:

“F” товуши бор суратлар

“Бўғинлардан сўз тузинг» таълимий ўйин учун материаллар

Машғулотнинг бориши:

Тарбиячи: бугун болалар “F” товуши ҳақида суҳбатлашамиз. “F” ундош товуш.

Товушни эшитамиз, талаффуз қиламиз. Диққат билан эшитинг “F” товушини талаффуз қилганимда чапак чаласиз.

- “F”, “f”, “I”, “F”, “a”, “o”, “u”, “F”, “sh”, “z”, “F”

- “F” товушига оид сўзлар топишга ҳаракат қиламиз: фил, офтоб, дафтар, шафтоли, шифокор (болалар қийналсалар расм кўрсатиш мумкин)

- Айтилган сўзлардаги “F” товушини ўрнини аниқлаймиз.

Мен айтаман, сиз аниқлайсиз: fil Мен шу сўзни қайта айтаман, сиз биринчи товушни айтасиз: f-f-fil, Демак, fil сўзида “F” товуши сўзнинг бошида келяпти; мен бошқа сўзни айтаман, сиз “F” товушини ўрнини аниқланг: oftob, демак, of-tob сўзида “F” товуши сўзнинг ўртасида келяпти.

Энди ўзингиз мустақил “F” товуши иштирок этган сўзларни топинг ва ўрнини аниқлашга ҳаракат қилинг. Болалар айтган сўзларини чапак чалиш орқали бўғинларга бўладилар. (Футбол, Афзал, пуфак, Фурқат, Нилуфар)

Тетиклаштирувчи машқ

“Пуфак” ўйини

“F” товуши иштирок этган бўғинларни талаффуз қилиш.

Тарбиячи fo, fi, fa, fu, fo’ бўғинларини талаффуз қилиб, болаларга ўзи намуна кўрсатади. Болалар тарбиячи кетидан хўр бўлиб айтадилар. Сўнг якка-якка айттирилади.

FA- FA - FA

FI- FI - FI

FO - FO - FO

FU - FU - FU

Неча марта қарсак овозини эшитсангиз, шунча “fa” бўғинини талаффуз қилинг

Шу тартибда fo, fi, fo’ бўғинлари талаффуз этилади.

“Сўзларни тўлдириш” ўйини

Fanar, forma, delfin, telefon

Амалий машқ

“Расмларни номланг” машқи

Болаларга олдиларидаги расмларни номлаш ва “F” товушини тўғри талаффуз қилиш, сўзни бўғинга бўлиш каби топшириқлар берилади. Болалар сўзда неча бўғин бўлса, шунча марта чапак чаладилар.

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар :

- Бугун қайси товуш билан танишдик?

-У қандай товуш экан?

-Бу товушни нима қиламиз?

- Биз товушларни нима учун ўрганамиз?"
“F” товуши иштирок этган сўзларни айтинг.

8-машғулот

Мавзу: Яшар Хондамирнинг “Қалам” ҳикоясини қайта ҳикоя қилдириш

Мақсад:

Асарни қайта ҳикоя қилиш малакасини ўстиришни давом эттириш. **Вазифалар:**
Болаларнинг боғланган нутқини ривожлантириш. Сўзлаётганда тўғри нафас олишни ривожлантириш. Сўзларни аниқ ва бурро айтиш.

Кутилаётган натижалар:

Болаларнинг боғланган нутқи ривожланади.

Болалар мантикий ривожланиб боровчи ҳикоя тузишни ўрганадилар.

Керакли жиҳозлар:

Ҳикояга мос расм

Машғулотнинг бориши

Тарбиячи: Болалар, сиз тўғри сўзнинг сеҳри борлигини биласизми?

Ҳозир мен ўқиб бермоқчи бўлган ҳикояда рост гапириш яхшиликка элтиши ҳақида ёзилган. Ҳикояни диққат билан эшитсангиз, рост сўзнинг сеҳри қандай яхшиликлар олиб келишини билиб оласиз.

Тарбиячи ҳикояни ифодали қилиб ўқиб беради. Ҳикоя бўйича саволлар:

1. Ҳикоя нима ҳақида экан?
2. Жалол нима йўқотиб қўйди?
3. Йўловчи киши Жалолдан нима деб сўрабди?
4. Жалол нима деб жавоб берди?
5. Йўловчи киши нима учун Жалолга қалам совға қилди?
6. Тўғри сўзлаш инсонни нимага элтар экан?

Савол-жавобдан сўнг тарбиячи ҳикояни яна бир марта ўқиб беради

Қалам

Яшар Хондамир

Жалол бир куни қаламини йўқотиб қўйди. Йўл четига ўтириб йиғлар эди. Бир раҳмдил киши Жалолдан нега йиғлаётганини суриштирди. Сўнгра чўнтагидан бир қалам олиб:

-Йўқотган қаламинг бу эмасми?-дея сўради.

Жалол эса ҳикиллаб:

-Йўқ, менинг қаламим бунчалик чиройли эмас эди,-деди.

Ҳалиги киши Жалолнинг ростгўйлигини ёқтириб қолди.

-Ундай бўлса, тўғри гапирганинг учун бу қаламни сенга совға қилмоқчиман. Ма, ол,-деб қаламни унга берди.

Ҳисса: тўғри сўзлаш инсонни яхшиликка элтади.

(5-6 боланинг ҳикояси тингланади).

Машғулот якунида болаларни рағбатлантириш.

Май

1-машғулот

Мавзу: “Мен дадамга ёрдамчи” мавзусида шахсий ҳаётдан ҳикоя тузиш

Мақсад: Шахсий ҳаётдан мазмунли изчилликда ҳикоя тузишга ўргатиш

Вазифалар:

Шахсий ҳаёт (тажриба)дан тугалланган ҳикоя тузиш малакасини шакллантириш.

Ўз нутқида уюшиқ бўлакли гаплардан фойдаланиш малакасини мустаҳкамлаш.

Овоз кучининг паст-баландлиги, нутқ суратига эътибор бериш.

Кутилаётган натижалар:

Ҳикоя тўқишга қизиқиш уйғонади

Ўз нутқида уюшиқ бўлакли гаплардан фойдаланиш малакасини мустаҳкамланади.

Овоз кучининг паст-баландлигига эътибор берадилар

Керакли жиҳозлар:

Мавзуга оид расмлар

Машғулотнинг бориши. Бугун болалар, сиз билан дадаларимизга қандай ёрдам беришимиз, қандай кўмаклашимиз ҳақида суҳбатлашамиз. Яхши, одобли болалар дадалари ишдан келсалар, салом бериб кутиб оладилар, қўлларидаги нарсани кўтаришиб юборадилар, уй ишларига кўмаклашадилар-а? Келинглари, ҳозир уйда дадамизнинг қандай ишларига кўмаклашганимиз ҳақида ҳикоя тузамиз.

-Дадасига ёрдамчи болалар қандай яхши ишлар қиладилар?

-Дадангизга қачон, қандай ишларига кўмаклашгансиз?

-Дадангиз билан қандай ишлар қилгансиз?

-Дадангиз бирор иш буюрсалар, қандай бажарасиз?

Савол-жавобдан сўнг тарбиячи намуна ҳикоясини бериши мумкин.

Дам олиш куни дадам ҳовлидаги ерни юмшатиб, экин экишга тайёрладилар. Мен ўзимнинг кичкина кетмонимни олиб, катта кесакларни майдаладим. Дадам ерни чопиб, чуқурчалар ковладилар. Мен чуқурчаларга сув қуйиб чиқдим. Дадам чуқурчаларга гул кўчатини экиб чиқдилар. Мен дадамга кўмаклашганим учун дадам “Баракалла, ўғлим” дедилар.

Жисмоний дақиқа (ихтиёрий)

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар :

- Суратда қайси фасл тасвирланган?
- Нима учун шундай деб ўйладингиз?
- Расмда қандай меҳнат турлари тасвирланган?
- Болалар нима қилишяпти?
- Куз фаслида қандай полиз экинлари пишар экан?

2-машғулоти

Мавзу: расмларни номлаш (F товуши) ва улар иштирокида гап тузиш

Мақсад: Расмларни номлаганда сўздаги ҳар бир товушни тўғри талаффуз қилиш. Болаларга берилган расмлар асосида мустақил гап тузишга ўргатиш. Сўзлар гапда боғланиши ҳақида тушунчаларини мустаҳкамлаш. Сўзларни бўғинларга бўлиш.

Вазифалар:

Расмлар орқали гап ҳақида тушунчаларини мустаҳкамлаш, луғатни фаоллаштириш.

Боғланишли нутқ—гап тузиш кўникмаларини шакллантириш.

Нутқнинг ифодалилигини тарбиялаш.

Гапни сўзларга бўлишга ўргатиш.

Кутилаётган натижалар:

Расмлар асосида гап тузишга ўрганадилар.

Грамматик жиҳатдан тўғри сўзлашга интилади

Керакли жиҳозлар:

Турли мавзуларда расмлар

Машғулотнинг бориши. Тарбиячи: Бугун болалар, сиз билан “F” товуши иштирок этган расмларни кўрамиз, улар ҳақида гап тузамиз.

-Бу қандай ҳайвон (фил)

-Мен фил ҳақида гап туздим. “Циркда фил кўрдим.”

-Сиз фил ҳақида қандай гап тузган бўлар эдингиз?

(Болалар жавоблари: Ҳайвонот боғида фил кўрдим; мен фил ясадим...)

-Баракалла, болалар, ҳозир мен сизга расмлар таркатаман. Сиз расмга қараб гап тузасиз.

Тузган гапингизда “F” товуши кўпроқ учрашига ҳаракат қилинг.

Тарбиячи: - Шахзода, сенда қандай расм бор, номла.
 Шахзода:-менда туфли расми бор.
 Тарбиячи: туфли сўзида “F” товуши сўзнинг қаерида келяпти?
 Шахзода: туфли сўзида “F” товуши сўзнинг ўртасида келяпти.
 Тарбиячи: туфли сўзини бўғинга бўл.
 Шахзода: туф-ли
 Тарбиячи:- туф-ли сўзи неча бўғин экан?
 Шахзода: туф-ли сўзи икки бўғин экан
 Тарбиячи:- туфли ҳақида қандай гап туздинг?
 Шахзода: - Фотимада чиройли туфли бор.
 Тарбиячи: тузган гапингда нечта сўз бор?
 Шахзода: - тўртта
 Тарбиячи: -қандай сўзлар?
 Шахзода: - “Фотимада”, “чиройли”, “туфли”, “бор”
 Тарбиячи: -тўғри, Шахзода тўртта сўздан иборат гап тузди. Фотимада чиройли туфли бор.
 Гапда “Фотимада” биринчи сўз, “чиройли” иккинчи сўз, “туфли” учинчи сўз, “бор” тўртинчи сўз.
 Тарбиячи шу тариқа болалардан “F” товуши иштирок этган сўзлардан гап тузишларини сўрайди. Болаларнинг сўздаги товушларни тўғри талаффуз қилишларига, тузилган гапда сўзларнинг боғланишига эътибор беради. Машғулот давомида албатта жисмоний дақиқа ўтилиши лозим.

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар
 -Бугун болалар, қайси товуши иштирок этган расмларни номладик ва улар ҳақида гап туздик?
 -Нечта сўздан иборат гаплар туздик?
 -Қайси сўзда “F” товуши сўзнинг бошида келди?
 -Қайси сўзда “F” товуши сўзнинг ўртасида келди?
 -Қайси сўзда “F” товуши сўзнинг охирида келди?

3-машғулот

Мавзу: Махмуд Тўйчиевнинг “Зарғалдоқ” ҳикоясини қайта ҳикоя қилишга ўргатиш

Мақсад:

Асарни мазмунли, мантиқий изчилликда ҳикоя қилишга ўргатиш.

Вазифалар:

Болаларнинг боғланган нутқини ривожлантириш.Сўзлаётганда тўғри нафас олишни ривожлантириш.“Z” товушни аниқ ва тўғри талаффуз этиш.

Болаларда ифодали нутқни тарбиялаш.

Кутилаётган натижалар:

Болаларнинг боғланган нутқи ривожланади.

Болаларнинг асарни қайта ҳикоя қилиш малакаси ошади.

Керакли жиҳозлар:

Асар мазмуни асосида расмлар

Машғулотнинг бориши

Тарбиячи: Болалар, бугун мен сизга зарғалдоқ полопонларини асаларилар қандай қилиб кутқаргани ҳақида ҳикояни ўқиб бераман. Диққат билан эшитинг. Бу ҳикояни Махмуд Тўйчиев ёзган.

Тарбиячи ҳикояни ифодали қилиб ўқиб беради.

Зарғалдоқ .

Зарғалдоқ асаларилар уясидан бир метрча баланддаги инига қўнди. Кейин нолиш қилиб тепамизда айланди, бесаранжомлик билан яна инига қайтди. Биз нега бундай қилаётганини билиш учун дарахт атрофини кузатдик. Бир қора илон дарахтга чирмашиб

юқорига ўрмаларди. Биз нима қилишимизни билмай қолдик... Зарғалдоқнинг ноласи кучайди.

Шу пайт кутилмаган воқеа юз берди. Бирдан асаларилар илонга ёпирилишди. Илон дарахтдан кулаб тушди.

Зарғалдоқ асаларилардан миннатдор бўлгандек, дарахт шохида “био-био”ларди.

Ҳикоя бўйича саволлар:

1. Зарғалдоқ нима учун бесаранжомлик билан нолиш қилди?

2. Кутилмаганда қандай воқеа юз берди?

3. Зарғалдоқ асалариларига ўз миннатдорчилигини қандай изҳор этди?

Тарбиячи ҳикояни яна бир марта ўқиб беради. Сўнгра 5-6 бола ҳикоя қилади.

4-машғулот

Мавзу: “Н” товушини тўғри талаффуз қилиш

Мақсад:

“Н” товушининг тўғри талаффузини мустаҳкамлаш.

Вазифалар:

“Н” товушини ўрни аниқлаш: сўз боши, ўртаси ва охирида келишини айтиш, сўзларни бўғинларга ажратиш, “Н” товушини эшитиб фарқлашга ўргатиш, “Н” товушли сўзлар билан болалар нутқини бойитиш.

Кутилаётган натижалар:

“Н” товушининг ундош товуш эканлигини, унинг сўз боши, ўртаси ва охирида келишини билиб оладилар.

“Н” товушли сўзлар айта оладилар.

Керакли жихозлар:

“Н” товуши бор суратлар

“Бўғинлардан сўз тузинг» таълимий ўйин учун материаллар

Машғулотнинг бориши:

Тарбиячи: бугун болалар “Н” товуши ҳақида суҳбатлашамиз. “Н” товушини талаффуз қилганимизда, лаблар бир оз очик, ҳаракатсиз, тишлар бир-бирига яқинлашган, аммо бирикмайди. “Н” ундош товуш. Товушни эшитамиз, талаффуз қиламиз. Диққат билан эшитинг “Н” товушини талаффуз қилганимда чапак чаласиз.

- “Н”, “г”, “л”, “н”, “а”, “о”, “у”, “ш”, “z”, “Н”

- “Н” товушига оид сўзлар топишга ҳаракат қиламиз: ҳайкал, ҳасса, ҳандалак, ҳакка, тимсоҳ (болалар қийналсалар расм кўрсатиш мумкин)

- Айтилган сўзлардаги “Н” товушини ўрнини аниқлаймиз.

Мен айтаман, сиз аниқлайсиз: has-sa Мен шу сўзни қайта айтаман, сиз биринчи товушни айтасиз: h-h-has-sa, Демак, has-sa сўзида “Н” товуши сўзнинг бошида келяпти; мен бошқа сўзни айтаман, сиз “Н” товушини ўрнини аниқланг: mo-hir, демак, mo-hir сўзида “Н” товуши сўзнинг ўртасида келяпти. Мен бошқа сўз айтаман диққат билан эшитинг: tim-soh демак, tim-soh сўзида “Н” товуши сўзнинг охирида келяпти.

Энди ўзингиз мустақил “Н” товуши иштирок этган сўзларни топинг ва ўрнини аниқлашга ҳаракат қилинг. Болалар айтган сўзларини чапак чалиш орқали бўғинларга бўладилар. (хумо, хандалак, ҳайкал, Ҳасан, Тохир)

Тетиклаштирувчи машқ (ихтиёрий)

“Н” товуши иштирок этган бўғинларни талаффуз қилиш.

Тарбиячи ho, hi, ha, hu, ho’ бўғинларини талаффуз қилиб, болаларга ўзи намуна кўрсатади. Болалар тарбиячи кетидан хўр бўлиб айтадилар. Сўнг якка-якка айттирилади.

HA- HA- HA

HI-HI-HI

HO- HO- HO

HU-HU-HU

Неча марта қарсак овозини эшитсангиз, шунча “ha” бўғинини талаффуз қилинг.

Шу тартибда ho, hi, ho’ бўғинлари талаффуз этилади.

“Сўзларни тўлдириш” ўйини

Has-sa, haykal, timsoh....

Амалий машқ

“Расмларни номланг” машқи

Болаларга олдиларидаги расмларни номлаш ва “Н” товушини тўғри талаффуз қилиш, сўзни бўғинга бўлиш каби топшириқлар берилади. Болалар сўзда неча бўғин бўлса, шунча марта чапак чаладилар.

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар :

- Бугун қайси товуш билан танишдик?
 - У қандай товуш экан?
 - Бу товушни нима қиламиз?
 - Биз товушларни нима учун ўрганамиз?
- “Н” товуши иштирок этган сўзларни айтинг.

5-машғулот

Мавзу: Шахсий ҳаёт (тажриба)дан ҳикоя тузиш “Циркда”

Мақсад :

Болаларнинг шахсий ҳаёт (тажриба)лари асосида, тарбиячи таклиф этган ҳаётий мавзулар бўйича мантикий ривожланиб боровчи ҳикоя тузиш қобилиятини ривожлантириш.

Вазифалар:

Боғланган нутқни ривожлантириш.

Сўзларни аниқ ва бурро айтиш.

Сўзлаётганда тўғри нафас олишни ривожлантириш.

Расмга қараб 2-3 сўздан иборат гап тузишни машқ қилиш. Гапларни сўзларга ажратиш

Сўзларни танлаб қўллаш кўникмасини ўстириш.

Кутилаётган натижалар:

Болалар шахсий ҳаётий тажрибалари асосида мантикий ҳикоя тузишни ўрганадилар.

Ҳикояда воқеаларни сўзларда тўғри қўллаш кўникмасини эгаллайдилар.

Расмга қараб 2-3 сўздан иборат гап тузиш, гапда сўзларни кетма-кетлигини аниқлашни ўрганадилар

Керакли жиҳозлар:

Ўйинчоқ кучукча, турли расмлар

Машғулотнинг бориши

Тарбиячи: “Бугун биз цирк томошалари ҳақида” суҳбатлашамиз. Цирк томошаларини ёқтирасизми? Эсингиздами, бизнинг боғчамизга ҳам цирк томошалари келган?

1. Қизикчиларнинг кучукчасини эслай оласизми? У қандай эди? У ҳақида нима дейиш мумкин (кичкина, оппоқ, жингалак сочли).

2. Кучукча айланиб-айланиб рақсга тушиб, қизикчининг олдига борган эди. Унинг кайфияти яхши эди. Бундай кучукчани биз қандай кучукча дейишимиз мумкин? (кувноқ).

3. “Кувноқ” сўзига яқин сўзлар топинг (шод, хурсанд). Сиз цирк томошаларини фақат боғчада эмас, ота-онангиз билан цирк биносида кўрган бўлишингиз мумкин. Ҳозир сиз цирк томошаларини қаерда, ким билан кўрганингизни гапириб берасиз:

1. Циркка қачон ва ким билан боргансиз?

2. Циркда қандай томоша (ўйин)лар кўрдингиз?

3. Қайси томошалар Сизга кўпроқ ёқди? Шулар ҳақида гапириб, “Менинг циркда кўрганларим” мавзусида ҳикоя тузинг. Ҳикоянгизда ҳозир ишлатилган сўзлардан, гаплардан фойдаланишингиз мумкин. (3-4 боланинг жавоблари).

Бармоқлар машқи

Тарбиячи шеърни ўқиб туради. Болалар ҳаракатни бажарадилар.

Кучукча

Д. Икромова

Соқчиман уйингизга,



Кўриқчи кўйингизга.
Кучукман мен вафодор,
Ҳамма мендан миннатдор.
Хурсанд қилсангиз керак,
Бўлмаса, ташланг суяк.

Бармоқлар зич, бош бармоқни юқорига кўтариш .
Жимжилоқ юқорига-пастга ҳаракатлантиради.
Тарбиячи болаларга “Олапарни чақир” топшириқ ўйинини ўйнашни таклиф этади. Бу ўйинда болалар ўйинчоқ кучукчани жиддий, жаҳл билан, мулойим овозда чақира олишлари керак: “Олапар, менинг олдимга кел”.

Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ

Тарбиячи болаларга турли расмлар кўрсатади. Икки –уч сўздан иборат гап тузишни таклиф этади. “Расмга диққат билан қаранг ва гап тузинг” деб топшириқ беради. Масалан: катта олма; сариқ, момик жўжа. Сўнгра тузилган гап сўзларга бўлинади.(биринчи сўзни айтиш, иккинчи сўзни айтиш, учинчи сўзни айтиш)
Тарбиячи машғулот якунида барча болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантиради.

6-машғулот

Мавзу: расмларни номлаш (“Н” товуши) ва улар иштирокида гап тузиш

Мақсад: Расмларни номлаганда сўздаги ҳар бир товушни тўғри талаффуз қилиш. Болаларга берилган расмлар асосида мустақил гап тузишга ўргатиш. Сўзлар гапда боғланиши ҳақида тушунчаларини мустаҳкамлаш.Сўзларни бўғинларга бўлиш.

Вазифалар:

Расмлар орқали гап ҳақида тушунчаларини мустаҳкамлаш, луғатни фаоллаштириш. Боғланишли нутқ—гап тузиш кўникмаларини шакллантириш.

Нутқнинг ифодалилигини тарбиялаш.

Гапни сўзларга бўлишга ўргатиш.

Қўтилаётган натижалар:

Расмлар асосида гап тузишга ўрганадилар.

Грамматик жиҳатдан тўғри сўзлашга интилади

Болалар билимларини кенгайтиришга йўналтирилган, иштирок этишга мўлжалланган интерфаол усуллар:

Ақлий ҳужум

Қисқа ҳикоя

Савол- жавоб

Тетиклаштирувчи машқлар

Керакли жиҳозлар:

Турли мавзуларда расмлар

Машғулотнинг бориши. Тарбиячи: Бугун болалар, сиз билан “Н” товуши иштирок этган расмларни кўрамиз, улар ҳақида гап тузамиз.

-Бу қандай полиз экини? (ҳандалак)

-Мен ҳандалак ҳақида гап туздим. “Биз ҳандалак едик.”

-Сиз ҳандалак ҳақида қандай гап тузган бўлар эдингиз?

(Болалар жавоблари: ҳандалак пишди; дадам ҳандалак олиб келдилар)

Баракалла, болалар ҳозир мен сизга расмлар тарқатаман. Сиз расмга қараб гап тузасиз.

Тузган гапингизда “Н” товуши кўпроқ учрашига ҳаракат қилинг.

Тарбиячи: - Ботир, сенда қандай расм бор, номла.

Ботир:-менда тимсоҳ расми бор.

Тарбиячи: тимсоҳ сўзида “Н” товуши сўзнинг қаерида келяпти?

Ботир: тимсоҳ сўзида “Н” товуши сўзнинг охирида охирида келяпти.

Тарбиячи: тимсоҳ сўзини бўғинга бўл.

Ботир: тим-соҳ

Тарбиячи: - тим-соҳ сўзи неча бўғин экан?

Ботир: тим-соҳ сўзи икки бўғин экан

Тарбиячи: - тим-соҳ ҳақида қандай гап туздинг?

Ботир: - Ҳалима тимсоҳ расмини чизди.

Тарбиячи: тузган гапингда нечта сўз бор?

Ботир: - тўртта

Тарбиячи: - қандай сўзлар?

Ботир: - “Ҳалима”, “тимсоҳ”, “расмини”, “чизди”

Тарбиячи: - тўғри, Ботир тўртта сўздан иборат гап тузди. Ҳалима тимсоҳ расмини чизди.

Гапда “Ҳалима” биринчи сўз, “тимсоҳ” иккинчи сўз, “расмини” учинчи сўз, “чизди” тўртинчи сўз.

Тарбиячи шу тариқа болалардан “Н” товуши иштирок этган сўзлардан гап тузишларини сўрайди. Болаларнинг сўздаги товушларни тўғри талаффуз қилишларига, тузилган гапда сўзларнинг боғланишига эътибор беради. Машғулот давомида албатта жисмоний дақиқа ўтилиши лозим.

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар

-Бугун болалар, қайси товуши иштирок этган расмларни номладик ва улар ҳақида гап туздик?

-Нечта сўздан иборат гаплар туздик?

-Қайси сўзда “Н” товуши сўзнинг бошида келди?

-Қайси сўзда “Н” товуши сўзнинг ўртасида келди?

-Қайси сўзда “Н” товуши сўзнинг охирида келди?

7-машғулот

Мавзу: Жамоа ҳаётидан ҳикоя тузиш: “Гулзорларимиздаги гулларни қандай етиштирдик?”

Мақсад:

Тарбиячининг режаси бўйича болаларнинг мантиқий ривожланиб боровчи ҳикоя тузиш қобилиятларини ривожлантириш.

Вазифалар:

Болаларнинг боғланган нутқини ривожлантириш. Сўзлаётганда тўғри нафас олишни ривожлантириш. Товушларни сўзларда аниқ айтиш. Болаларни мазмунли суратлар билан ўйин жараёнида тўлиқ жумлалар тузишларига эришиш. Гулларнинг номларини нутқда фаоллаштириш.

Кутилаётган натижалар:

Болаларнинг боғланган нутқи ривожланади.

Болалар мантиқий ривожланиб боровчи ҳикоя тузишни ўрганадилар.

Керакли жиҳозлар:

Тарқатма жиҳоз сифатида дала ва гулзор суратлари

Машғулотнинг бориши. Тарбиячи: болалар, кеча биз қаерда меҳнат қилдик? Нима учун гулзор деярмик? Қандай ишлар бажардик?

– Ҳозир биз “Гулзоримиздаги гулларни қандай етиштирдик” мавзусида ҳикоя тузишни ўрганамиз. Бунинг учун аввал бошдан қилган ишларимизни эслаб олишимиз керак (Тарбиячи саволларни қисмларга бўлиб беради).

1-қисм.

1. Гулзорда қандай ишлар қилган эдик? (ер тайёрладик, чопдик, юмшатдик).

2. Ерни нималар билан юмшатдик? (кетмонда).

3. Нима ишлар қилдик? (ариқ олдик).

Тарбиячи: Биринчи қисмнинг жавобларини умумлаштириб, иккинчи қисмнинг саволларини беради ва қатнашмаган болалардан жавоб олади.

2-қисм.

1. Қандай гулларни эккан эдик?

2. Қайси гулнинг уруғини сепган эдик?
3. Гулларни қандай парвариш қилдик?
4. Қўчатларни қандай эккан эдик?
5. Қандай ўзгаришларни кўрдик?

Иккинчи қисмининг савол-жавобларини умумлаштириб, учинчи қисм саволларини беради ва қатнашмаган болалардан жавоб олади.

3-қисм.

1. Ҳозир гулларимиз қандай кўринишда?
2. Қайси гуллар очилиб ётибди?
3. Уларни парвариш қилишни қандай давом эттиряпмиз?


- Энди мавзу бўйича ким умумий қилиб гапириб беради? (3-4 бола чиқиб, “Гулзоримиздаги гулларни қандай етиштирдик” мавзусида ҳикояни навбат билан гапириб берадилар).

Бармоқлар машқи

Тарбиячи шеърни ўқиб туради. Болалар ҳаракатни бажарадилар.

Гул

Атиргул эди ғунча,
Очилибди тонг отгунча.



Иккала қўл бармоқ учлари жипслаштирилади. Кафтлар бироз букилган ҳолатда. Бунда ғунча шакли ифодаланади

Кафтларнинг пастки қисми бир-бирига жипслаштирилади, бармоқлар доира шаклида кенг очилган ва бироз букилган. Бунда очилиб турган атиргул ҳосил бўлади.

Тарқатма жиҳозлар билан ишлаш. Болаларга гул турларининг суратлари тарқатилади. Болалар ўзларидаги суратда қайси гул тури борлигини, унинг номини айтиб беришлари керак.

“Гулдаста” ўйини

Болалар давра бўлиб ўтирадилар. Тарбиячи болаларга 4-5 та гулнинг номини (атиргул, райҳон, чиннигул, настарин) навбат билан айтишни ва айтган гулини номини эслаб қолишлари лозимлигини айтади. 1-бола атиргул, 2-бола райҳон, 3-бола чиннигул, 4-бола настарин, 5-бола яна атиргул, 6-бола райҳон... шу тарика болалар сонига қараб ҳар бир гулнинг номини 4-5 та бола олади. Ҳамма болалар гул номини олиб бўлганларидан кейин ўйин бошланади. Тарбиячи гул номларидан бирини айтади, масалан атиргул. Атиргул номли болалар ўринларидан туриб тезликда бир-бирларининг жойларига ўтириб олишлари керак. Тарбиячи ҳам турганларнинг бирортасининг жойига ўтириб олиши керак. Ўтиролма қолган бола тарбиячининг ўрнига бошловчилик қилади. Бу жараён такрорланиб боради. Кимдир “гулдаста” деб айтса ҳамма болалар ўринларидан туришлари ва жойларини алмаштиришлари керак.

Гуллар ҳақидаги шеърлар айттириш билан машғулоти яқунлаш мумкин.

8-машғулоти

Мавзу: “Асалари ҳеч нарса демабди” ҳикояси асосида қайта ҳикоя қилишга ўргатиш

Мақсад:

Асарни мазмунли, мантиқий изчилликда ҳикоя қилишга ўргатиш.

Вазифалар:

Болаларнинг боғланган нутқини ривожлантириш. Сўзлаётганда тўғри нафас олишни ривожлантириш. “S” товушни аниқ ва тўғри талаффуз этиш.

Болаларда ифодалаи нутқни тарбиялаш.

Кутилаётган натижалар:

Болаларнинг боғланган нутқи ривожланади.

Болаларнинг асарни қайта ҳикоя қилиш малакаси ошади.

Керакли жиҳозлар:

Асарни саҳналаштириш учун жиҳозлар

Машғулотнинг бориши

Болалар кунлардан бир кун Хўроз, Чигиртка, Чивин, суҳбатлашиб қолишибди. Улар нима ҳақида суҳбатлашганларини ҳозир мен сизга ўқиб бераман. (Тарбиячи ҳикояни ифодали қилиб ўқиб беради).

Ҳикоя бўйича саволлар:

1. Хўроз нима деб мақтанибди?

2. Чигиртка нима деб мақтанибди?

3. Чивин-чи?

4. Нима учун асалари ҳеч нарса демабди?

5. “Сен ўзингни мақтама, сени бировлар мактасин”, деган мақолни қандай тушунасиз? Тарбиячи ҳикояни яна бир марта ўқиб беради. Сўнгра 5-6 бола ҳикоя қилади. Ҳикояни ролларга бўлиб ҳикоя қилдириш мумкин.

Тарбиячи шеърни ўқиб туради. Болалар ҳаракатни бажарадилар.

Бармоқлар машқи

Асалари

Асалари қўниб гулга,

Шарбат йиғар тугунига.

Ўнг қўлнинг кўрсаткич бармоғи олдинга чиқарилган ва у доира шаклида айлантириб ҳаракатлантирилади, сўнгра худди шу ҳаракат чап қўлда бажарилади.

“Тез айтишни кўп айтиш” ўйини

Фил фантанда чўмилди,

Фақат ярми кўмилди.

Болалар, тез айтишда “F” товуши кўп учради.

Келинглр ҳаммамиз “F” товушини биргаликда талаффуз қиламиз.

“F” товушини чўзиб айтиб бўладими? (Йўқ)

“F” ундош товушлар сарасига киради.

Машғулот якунида болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантириш.

Асалари ҳеч нарса демабди

Аюбов Мансур (Сурия ёзувчиси)

А.Ирисов таржимаси.

Хўроз дебди:

- Мени биласанларми, агар мен кичқирмасам, тонг ҳам отмайди. Тонгни мен оттираман.

Чигиртка дебди:

- Сенларни қара-ю, маҳмадоналар! Ахир булбули гўё, қумрию қарчиғайлар куйлашни мендан ўрганишган. Менинг куйим дунёда энг ёқимли, майин куй.

Чивин дебди:

- Ҳаммангиздан ҳам ўзим хушовозман. Одамлар овозимни эшитишиб, хузури қилишади. Игнамни санчсам, дилларидан шоду хуррам бўлишади. Ҳатто мендан ҳайиққанларидан саратонда оппоқ пашшахона тутиб олишади.

Лекин асал ари ҳеч нарса демабди. Гулдан-гулга қўниб, бол йиғиб кувага қараб ташийверибди.

Фойдаланган адабиётлар

1. Ф.Н. Вахобова, М. Ш. Расулова ва бошқалар “Мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари” Тошкент- 2008й.
2. ММХҚТМОРЎММ “Болажон” таянч дастури- Тошкент- 2010й.
3. Ф.Р.Қодирова, Р. М.Қодирова “Болалар нутқини ривожлантириш назарияси ва методикаси ” Тошкент- 2006й
- 4.Л. Р. Мўминова ”Мактабгача ёшдаги болаларни саводга ўргатиш дастури” Тошкент-1996й
5. Қ. Шодиева “Мактабгача ёшдаги болаларни тўғри талаффузга ўргатиш” Тошкент- 1990й
6. Т. Ғаффорова ва бошқалар ”1-синф савод дарслари” Тошкент-1996й
7. О. А. Бекматова ва бошқалар “Қувноқ ҳарфлар” Тошкент-2000й
8. Р.Сафарова ва бошқалар” Савод ўргатиш дарслари”, Тошкент- 2003й
9. Г. Жалолова “Болаларни мактабга тайёрлашда ноанъанавий ўйинлардан фойдаланиш” Тошкент-2004й
10. Д. А. Нуркелдиева ва бошқалар “Бармоқлар машқи ва логопедик ўйинлар”. Тошкент -2007 й.
11. З. Шомуротова “Товушларнинг меъёрий талаффузи” - Тошкент-2007й
12. Д.М.Джуманова, Ю.К.Прусакова “«Қувноқ логоритмика » Тошкент-2009й

	МУНДАРИЖА	
	Кириш	3
	Нутқ ўстириш ва саводга тайёргарлик бўйича таквим режа	4
1	«Мустақиллик байрами» номли сурат асосида ҳикоя тузиш. Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ	7
2	“Лоланинг боғчадаги биринчи куни” мавзусида ижодий ҳикоя тузиш Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ	8
3	“Қувноқ тилча”эртаги	10
4	Асарни қайта ҳикоя қилиш “Бўри билан эчки” ўзбек халқ эртаги Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ	12
5	“S” товушини тўғри талаффуз қилиш	14
6	Асарни қайта ҳикоя қилиш “Икки эчки” ўзбек халқ эртаги Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ	16
7	Нутқда нафас олиш ва нафас чиқаришни ривожлантириш	17
8	“Олма теримида” сурати устида суҳбат Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ	18
9	“Қувноқ тилча”эртаги	19
10	“Қузда кишилар меҳнати” сурати устида суҳбат Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ	21
11	Расмларни номлаш (“S” товуши) ва улар иштирокида гап тузиш	22
12	Суратлар бўйича ҳикоя қилиш: “Уй ҳайвонлари” Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ	23
13	Асарни қайта ҳикоя қилиш «Санобар» ҳикояси	25
14	Нутқда нафас олиш ва нафас чиқаришни ривожлантириш	26
15	Шахсий таассуротлар бўйича ҳикоя тузиш. “Бизнинг ўйинчоқларимиз” Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ	27
16	Асарни қайта ҳикоя қилиш «Қуён ва типратикан» масали	28
17	Жамоа ҳаётдан ҳикоя тузиш. “Бизнинг жонли бурчагимиз” Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ	30
18	“Z ” товушини тўғри талаффуз қилиш	31
19	Асарни қайта ҳикоя қилиш «Шер билан сичқон» эртаги	32
20	Расмларни номлаш (“Z “ товуши) ва улар иштирокида гап тузиш	34
21	Шахсий ҳаётдан ҳикоя тузиш: “Бизнинг оила” Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ	36
22	“Sh” товушини тўғри талаффуз қилиш	37
23	Асарни қайта ҳикоя қилиш. “Тулки билан Турна” Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ	39
24	Асарни қайта ҳикоя қилиш «Нон иси» ривояти	40
25	“Қиш” мавзусида тасвирий ҳикоя тузишга ўргатиш Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ	41
26	Асарни қайта ҳикоя қилиш «Терак билан мажнунтол» масали	43
27	Ижодий ҳикоя тузиш: “Танланган ўйинчоқлар бўйича ҳикоя тузиш” Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ	44
28	Расмларни номлаш (“Sh” товуши) ва улар иштирокида гап тузиш	46
29	Шахсий ҳаётдан ҳикоя тузиш “Дам олиш куни” Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ	47
30	Асарни қайта ҳикоя қилиш. Т. Расулов “Шафтоли”ҳикояси	48

	Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ	
31	“Т” товушини тўғри талаффуз қилиш	50
32	Сурат бўйича ҳикоя тузиш. “Тиш ювиш одоби” Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ	51
33	Шахсий ҳаётдан ҳикоя тузиш “Мен қиш байрамини қандай ўтказдим?” Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ	53
34	“D” товушини тўғри талаффуз қилиш	54
35	“14-январ-Ватан ҳимоячилари куни” сурати асосида ҳикоя тузиш Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ	56
36	Расмларни номлаш (“D” товуши) ва улар иштирокида гап тузиш	58
37	М.Муродовнинг “Икки ният” ҳикояси асосида қайта ҳикоя қилиш Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ	59
38	“Дастурхон одоби” сурати бўйича ҳикоя тузиш	59
39	Шахсий ҳаёт (тажриба)дан ҳикоя тузиш “Мен қушларни овқатлантирдим”	61
40	Асарни қайта ҳикоя қилиш. “Тулки билан қизча” Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ	62
41	А.Авлонийнинг “Болари ва пашша” асарини қайта ҳикоя қилиш Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ	64
42	“R” товушини тўғри талаффуз этиш	65
43	Гулханийнинг “Тошбақа ва чаён” асари асосида қайта ҳикоя қилишга ўргатиш Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ	67
44	А.Навоийнинг “Шер билан Дурроғ” асари асосида қайта ҳикоя қилиш Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ	68
45	Жамоа ҳаётдан ҳикоя тузиш. “Бизнинг боғча” Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ	69
46	Асарни қайта ҳикоя қилдириш. “Алишер ва булбул” ривояти Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ	70
47	Расмларни номлаш (“R” товуши) ва улар иштирокида гап тузиш	71
48	Сурат бўйича ҳикоя тузиш. “Қўл ювиш одоби” Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ	72
49	“K” товушини тўғри талаффуз этиш	74
50	Ўрол Тансиқбоевнинг “Ўзбекистонда баҳор” суратини кўздан кечириш Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ	75
51	Шахсий ҳаётдан ҳикоя тузиш: “Онамларнинг байрами”	77
52	Р.Азизхўжаевнинг “Ойижон” ҳикояси асосида асарни қайта ҳикоя қилишга ўргатиш. Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ	78
53	Шахсий ҳаётдан ҳикоя тузиш. “Мен Наврўз байрамини қандай ўтказдим?” Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ	80
54	Расмларни номлаш (“K” товуши) ва улар иштирокида гап тузиш	80
55	Жамоа ҳаётдан ҳикоя тузиш: “Боғчамдаги ёқтирган ўйинларим” Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ	82
56	Мазмунли суратлар асосида ҳикоя тузиш. “Баҳорда кишилар меҳнати” Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ	83
57	“Ch” товушини тўғри талаффуз этиш	84
58	М.Муродовнинг “Икки хил ёрдам” ҳикояси асосида асарни қайта ҳикоя қилиш. Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ	85
59	Сурат бўйича ҳикоя тузиш. “Метрода” Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ	86
60	Расмларни номлаш (“Ch” товуши) ва улар иштирокида гап тузиш	87

61	“Фил билан хўроз” ўзбек халқ эртаги асосида ҳикоя қилишга ўргатиш	88
62	Шахсий ҳаётдан ҳикоя тузиш. “Туғилган кун” Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ	89
63	“F” товушини тўғри талаффуз этиш	90
64	Асарни қайта ҳикоя қилиш Яшар Хондамир “Қалам” Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ “Терак билан Мажнунтол” ривояти асосида асарни қайта ҳикоя қилишга ўргатиш. Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ	92
65	Шахсий ҳаётдан ҳикоя тузиш. “Мен дадамга ёрдамчи” Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ	93
66	Расмларни номлаш (“F” товуши) ва улар иштирокида гап тузиш	93
67	Махмуд Тўйчиевнинг “Зарғалдоқ” ҳикоясини қайта ҳикоя қилишга ўргатиш	95
68	“H” товушини тўғри талаффуз қилиш.	95
69	Шахсий ҳаёт (тажриба)дан ҳикоя тузиш “Циркда” Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ	97
70	Расмларни номлаш (“H” товуши) ва улар иштирокида гап тузиш	98
71	Жамоа ҳаётидан ҳикоя тузиш: “Гулзорларимиздаги гулларни қандай етиштирдик. Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ	100
72	“Асалари ҳеч нарса демабди” ҳикояси асосида қайта ҳикоя қилишга ўргатиш. Саводга тайёрлаш бўйича амалий машқ	101
73	Фойдаланилган адабиётлар	103

